

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

“ФАЛСАФА ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” КАФЕДРАСИ

**Р.Худайбергенов,
Р.Умарова**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ,
ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2015

Ушбу “Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий, фалсафий-ахлоқий карашлари” номли ўқув-услугий қўлланма Тошкент автомобиль-йўллар институти Илмий-услугий Кенгашининг 2015 йил 18 мартдаги 4-сонли баённомаси билан тасдиқланиб чоп этишга тавсия қилинган.

Шунингдек, мазкур ўқув-услугий қўлланма 1-блок фан ўқув режалари, намунавий ва ишчи дастурлари доирасида тайёрланган бўлиб, талаба-ёшларни “Фалсафа”, “Фалсафа тарихи”, “Маънавият асослари. Диншунослик” ҳамда “Маданиятшунослик” фанларини янада чуқур ўрганишда қўшимча манба сифатида амал қилади.

Такризчилар:

ЎзМУ, ф.ф.н., доц. М.Шарипов
ТАЙИ, ф.ф.н, доц, Н.Жўрабоев

Ушбу ўқув-услугий қўлланма “Фалсафа ва маънавият асослари” кафедрасининг А-1-114 “Магистратура мутахассисликлари учун таълим фалсафаси номли дарслик ва электрон дарслик яратиш” мавзусидаги амалий гранд лойиҳаси асосида тайёрланган.

КИРИШ

Бугунги кунда мустақил ватанимиз ўз олдига янги ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар каторидан ўрин олиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш каби эзгу мақсадларни қўйган халқимиз тараққиётнинг бошқа соҳалари каби миллий фалсафий меъросимизни ҳам чуқур ўрганиш имконияти яратилди. Бу эса ўз навбатида Президент Ислам Каримовнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти¹” номли конференциядаги маърузасида ҳам алоҳида тўхталиб ўткан эди. Ушбу анжуманда илмий-фалсафий меъросимиз уларнинг намаёндаларининг фалсафий қарашлари, борлиқ тўғрисидаги, билиш ва унинг қонунлари, категория ва тушунчаларининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари ва ўзига хос хусусиятларини муайян фанга хос умумий тизим сифатида тавсифлаш учун назарий-методологик мезонлар яратилди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги устувор масалалар муҳим аҳамият касб этади:

- мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини ёшларнинг қалби ва онгига сингдириш;

- ёшларда миллий фалсафий меъросимиз ва уларнинг намаёндалари ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш ҳамда уларнинг илмий меросини ўрганиш орқали фахрланиш хиссини шакллантириш;

- Марзакий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси ва унинг жаҳон цивилизациясини ривожланишига қўшган хиссасини янада чуқур англаш.

Бугун Республикамиз аҳолиси улкан тарихий даврда – ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида муносиб натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз.

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно, албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, миллий меросимиз ҳеч шубҳасиз беқиёс аҳамият касб этади.

Шу ўринда Президентимиз И.Каримов, “Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил ҳуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ

¹Каримов И.А. Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Куч адолатда. 2014 йил 16 май. Тошкент: №20 сон (481).

бўлишга даъват этиши табиийдир”² деган фикрлар дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма маънавиятимизга оид саволларни баъзи бирларига баҳоли қудрат тарзида жавоб бериш мақсадида яратилди. Шунингдек, маълумотларни тўплаш ва уларни тизимга солишда бизга ўз рисоалари билан яқиндан ёрдам берган бир қатор олимларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Жумладан, Ш.Умаров, С.Мамадалиев, О.Жўраев, А.Мухитдинов, Й.Исаев, У.Уватов, Н.Қобилов, Ф.Мухаммадалиев, Қ.Махмудов, Ё.Мансуров, С.Бобоев, Б.Тураевларнинг илмий ижодларидан унумли фойдаланиб, уларнинг барча фикр ва мулоҳазаларидан мазкур ўқув-услубий қўлланмани умумлаштиришда фойдаланилди.

² И.А.Каримов Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, Б-267.



Аҳмад Фарғоний (797-865)

Унинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғонийдир. Олимнинг исми фан тарихида машҳур бўлишига қарамасдан, унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида маълумотлар жуда оз. Унинг туғилган жойи Фарғона водийсининг Қубо (Қува) қишлоғи бўлиб, туғилган йили мантикий ҳисоблар натижасига кўра, 797 йил деб топилган. Аҳмад Фарғоний ўрта асрнинг буюк қомусий олими. Шарқда Фарғоний, Европада Алфраганус (Алфраганус) тахаллуслари билан машҳур бўлган олим фалсафа, астрономия, математика, геометрия ва бошқа илмий йўналишларда фаолият кўрсатган.

Аҳмад Фарғонийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида жуда оз, у ҳам бўлса, узук-юлуқ маълумотлар етиб келган. Аҳмад Фарғоний даврида Фарғона ҳар томонлама ривожланган, мустаҳкам иқтисодий ва сиёсий пойдеворга эга бўлган, маданий ҳаёти ниҳоятда такомиллашган ва бой воҳалардан бири бўлган эди. Фарғонанинг нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Араб халифалигидаги мавқеига ҳар қандай давлат ҳавас қилса, арзигулик бўлган. Хатто Араб халифалари саройида ҳам Фарғонадан етишиб чиққан катта-катта амалдорлар энг муҳим мансабларни эгаллашган. Бу ўринда фақат Аҳмад Фарғоний эмас, балки кўплаб ҳарбий амалдорлар, йирик савдогарлар, санъат ва адабиёт намояндалари ўрни назарда тутилмоқда. Ваҳоланки, шуларнинг ўзи ҳам Араб халифалиги даврида қай даражада юқори бўлганлигига далолатдир.

714-715 йиллари қўшинбоши Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги қўшин Фарғонани ишғол қилади. Улар Фарғонада муқим яшаётган аҳоли ўртасида ислом дини ва араб тилини ўргата бошлайдилар. Унгача Фарғона халқи буддавийлик, зардуштийлик, манихейлик эътиқодларига риоя қилар эди. Фарғоналикларни исломга ўтказиш деярли юз йил давом этган. 819-820 йилларда араб халифаси Маъмун Фарғонани Бухородаги ўзига қарам сомонийлар ҳокимияти ихтиёрига ўтказди. Шу йўсинда Фарғона ўлкаси жуда катта ерларни ўз ичига олган араб халифалигининг шарқий вилояти бўлиб қолади. Бу вақтлар араб халифалигининг худуди Фарбда Миср, Мағриб (Шимолий Африка) орқали то Испаниягача, Шарқда эса Эрон,

Хуросон, Мовароуннахр орқали Шош ва Фарғонага қадар чўзиларди. Бағдод шаҳри- халифаликнинг маркази эди.

Аҳмад Фарғоний Халифа Хотун ар-Рашид (786-809) ворислари ал-Маъмун (813-833), Муътасим (833-842) ва Мутаваккил (846-861) ҳукмронлик қилган йилларда яшаган ҳамда аввал Марв, сўнгра Бағдод, Дамашқ ва Қоҳира шаҳарларида илми ҳайъат (Фалакиётшунослик-астрономия), риёзиёт (математика) ва жуғрофия (география) фанлари билан шуғулланган.

Аҳмад Фарғоний даставвал (тах. 811 й.) Фарғонадан Марвга келган. Илк ўрта асрлардаёқ Марв шаҳри Ўрта Осиёнинг йирик маданий ва илмий-маърифий марказларидан бири бўлган, бу масканда ўша даврлардаёқ Мовароуннахр, Хоразм ва Хуросондан кўплаб олимлару фозиллар ва мутафаккирлар тўпланиб, Ажамнинг маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этганлар. Ҳатто 651 йилда сўнгги Сосонийлар шаҳаншоҳи Яздигард ИИИ ибн Шаҳриёр (632-651) араблар таъқибидан қочиб, пойтахт кутубхонасидаги китобларни ўзи билан Марвга олиб келган. Халифалик кўл остига ўтгач ҳам Марв ўзининг қадимий мавқеини йўқотмай, нафақат илмий ва маданий марказга, балки фатҳ этилган шарқий вилоятларнинг сиёсий марказига айланган.

Хорун ар-Рашид вафоти (809 й.)дан кейин халифалик тахтига Муҳаммад ал-Амин (809-813) чиқади. Унинг укаси Абдуллоҳ билан тахт учун (809-813 йилларда) олиб борган кураши (Хорун ар-рашид ўғли Абдуллоҳни 806 йилда Мовароуннахр ва Хуросоннинг ноибни этиб Марвга юборган эди) Абдуллоҳнинг ғалабаси билан тугайди. Муҳаммад ал-Амин қатл этилади. Ўша йили Абдуллоҳ ал-Маъмун номи билан тахтга ўтиради. Бироқ у халифалик пойтахти Бағдодга бормай, то 819 йилга қадар Марвда яшайди. У ўз атрофига олимлару фозилларни тўплайди. 819 йилда ал-Маъмун барча сарой аъёнлари ва олимлари билан бирга Марвдан Бағдодга кўчади. Улар орасида Аҳмад Фарғоний ҳам бор эди.

Бағдод бепоён мамлакатнинг сиёсий, маъмурий марказигина эмас, балки улкан илмий ва маданий марказ ҳам эди. Бу даврда Халифа Хорун ар-Рашид фармони билан бино қилинган иккита расадхона ва бой кутубхона бор эди. Абу райхон Беруний маълумотига қараганда, расадхоналардан бири Бағдоднинг аш-Шамсия маҳалласида ва иккинчиси Дамашқ яқинида Касийун номли тоғда жойлашган эди. Расадхоналарда Хорун ар-Рашид асос солган илмий марказ “*Байтул-ҳикмат*” (“*Донишмандлар уйи*”) олимлари илмий таҳлиллар олиб борар эдилар.

Халифа Маъмун ҳукмронлиги даврида эса “*Байтул-ҳикма*” учун керакли маблағ ажратиб турилган. Бу ерда илмий тадқиқотлар, таржималар ва бошқа хил ижодий ишлар ривож топган. Олимлар кўпгина илмий асарларни юнон ва паҳлавий (соснийлар даврида Эронда мавжуд бўлган форсий тил) тиллардан араб тилига таржима қилганлар. Яна ҳинд илми ҳам бу ерда чуқур ўрганилган. Агар юнон олимларининг асарлари “*Байтул-ҳикма*”даги астрономияга оид тадқиқотларга таъсир кўрсатган бўлса, тиб, ҳисоб ва жабр (алгебра) фанларига ҳинд илмининг таъсири

сезиларли бўлган. Бағдодда амалга оширилган араб тилидаги илмий асарлар лотин тилига таржима қилинган. Булар орқали ҳинд билимлари юнонларга ва европага етиб борган.

Маъмуннинг ҳукмронлиги даврида Аҳмад Фарғонийдан ташқари Муҳаммад ал-Хоразмий, ал-Аббос ал-Жавҳарий, Абдулҳамид ибн Турк ал-Хутталиий каби Ўрта Осиё алломалари донг таратганлар. Умуман, Бағдод илмий мактабида фаолият кўрсатган донишмандларнинг аксариятини Ўрта Осиё алломалари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бу қатор илмий адабиётларда ўз исботини топган.

Дастлаб Бағдодда расадхонада иш олиб борган Аҳмад Фарғоний кейинчалик ал-Маъмун топшириғига биноан Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари харакати ва ўрнини аниқлаш, янгича “Зиж” ишларига раҳбарлик қилади.

Фарғонийнинг ҳаёти ҳақидаги энг сўнгги ва энг аниқ хабар 861 йил билан боғланади. Мавжуд маълумотларга кўра, у шу йили Қоҳира яқинидаги Равзо оролида нилометрни, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгиловчи усқунани ясаган ёки таъмирлаган. Бироқ Фарғоний қандай қилиб ва қандай шароитда Мисрга бориб қолгани ҳақида ҳам аниқ маълумот йўқ.

Маълумки, ал-Маъмун Маврдан Бағдодга нафақат олимларни, балки ғуломлари бўлмиш турк аскарларини ҳам олиб келган эди. Бағдодга келиши билан у маълум маънода лашкарни турклаштирди; ана шу турк аскарларидан лашкарбошилар тайинланди. Турк ғуломларидан бири бухоролик Тўлунни халифа Сурия Фаластин ва Мисрдаги лашкарларнинг амири этиб тайинлади. Унинг ўғли Аҳмад эса Сурия ва Мисрни мустақил деб эълон қилиб, Тўлунийлар сулоласига асос солди. Ал-Хоразмий халифа Маъмуннинг яқин одами ва маслаҳатчиси бўлгани каби Фарғонийнинг Мисрда пайдо бўлганидан ажабланмаса ҳам бўлади.

Фарғоний ҳаётининг муддати ҳақида ҳам қиёслар қилиш мумкин. Агар унинг ҳаётини ал-Хоразмийнинг ҳаёти билан қиёс қилинса, қуйидаги хулосага келинади. Маълумки, ал-Хоразмийнинг номи ёзма манбаларда охирги марта 847 йили Халифа ал-Восиқнинг ўлими муносабати билан эслатилади ва шундан сўнг учрамайди. Шунга кўра, унинг вафот йили деб 850 йил қабул қилинган. Фарғонийнинг номи охирги марта 861 йили Нилнинг сатҳини ўлчагач усқунасини таъмирлаш муносабати билан эслатилади. Ҳар ҳолда Фарғоний 861 йилдан кўп яшамаган ва унинг вафот йили деб 865 йилни қабул қилиш мумкин. Агар у Маъмун билан 819 йили Маврдан Бағдодга кетаётганида 20-25 ёшлар чамасида бўлган десак, у ҳолда унинг туғилган йили деб 797 ёки 789 йилни қабул қилиш мумкин. У ҳолда унинг ҳаёт муддати 67-68 ёшни ташкил қилади. Демак, 1998 йили унинг туғилган йилига 1200 йил тўлди.

Мусулмон мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги экспедиция аъзолари 1997 йил 5 декабрда Миср Араб Республикасида бўлиб, Аҳмад Фарғоний ҳаётини ўрганишлари натижасида у Мисрнинг Фустат шаҳрида вафот этганлиги Мунаттам

тоғининг шарқий қисмидан сал нарида жойлашган Имом аш-Шофе қабристонига дафн этилганлигини аниқлашди. Вақт ўтиши билан у кишининг қабри йўқолиб кетган. У ердан олиб келинган тупроқ Фарғона водийсининг Қува шаҳрида 1998 йили барпо этилган рамзий қабри кўйилди.

Аҳмад Фарғонийнинг илмий мероси билан яқиндан танишган ҳар қандай киши у ҳам астроном, ҳам географ олим деган хулосага келиши табиийдир. Бироқ Аҳмад Фарғоний ўз умри давомида фақатгина осмон жисмлари ва ер тузилишини тадқиқ этиш билан чегараланиб қолмаган. Сабаби, у қомусий олимлар даврасида фаолият кўрсатганлиги ва ўша замоннинг талаби билан ҳар томонлама чуқур билимли бўлишга интиланлигидир. Шунинг учун у бошқа соҳаларда ҳам самарали ишлар олиб борди ва кўпгина муваффақиятларга эришди. Масалан, Аҳмад Фарғоний 850 йилларнинг охирида Халифа Мутаваккилнинг топшириғи билан Жаъфария шаҳрига борувчи канал қазилишига бошчилик қилганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди.

Аҳмад Фарғоний юнон астрономлари, жумладан, Птоломейнинг “Юлдузлар жадвали” асарида берилган маълумотларни кўриб чиқиш ҳамда ўша даврдаги барча асосий жойларнинг жўғрофий координатларини янгитан аниқлаш юзасидан олиб борилган муҳим тадқиқотларда фаол иштирок этди. Шу муносабат билан арб тилидаги илмий атамашуносликка доир ишларни, хусусан, фалакиёт, риёзиёт ва географияга оид атамаларни белгилаб чиқишдек махсус илмий ишларни амалга оширишда ҳам Аҳмад Фарғонийнинг хизмати жуда катта. Булардан ташқари, у айрим астрономик асбобларни ихтиро этиш, фалакиётшуносликка доир араб тилидаги бошланғич билимларни белгилаш ва тартибга солиш ишларига ҳам муҳим ҳисса қўшди.

832-833 йилларда Аҳмад Фарғоний Шом (Сурия) шимолидаги Синжор даштида Тадмур ва ар-Раққа оралиғида ер меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчашда қатнашди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Аҳмад Фарғоний Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо этиш учун Мисрнинг Қоҳира шаҳри яқинидаги Фустат шаҳрига келади. Илмий-техник ва меъморий жиҳатдан ғоят улуғвор бу қурилма Нил дарёсининг Сайёлат ул-Род мавзесида ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Шуниси қизиқки, айнан шу ускуна ёрдамида миср аҳолисидан олинадиган йиллик солиқ миқдори белгиланиб турилган. Яъни сув сатҳи экинларни суғориш учун қулай келиб, бир меъёрда оқса, солиқнинг миқдори шунга қараб кўтарилган. Ёки сув сатҳи камайиб қурғоқчилик бошланадиган, аксинча сув кўтарилиб, экинларни ювиб кетиши мумкин бўлган вақтларда солиқлар миқдори камайтирилиши мумкин эди. Бу миср аҳолисининг турмуши учун адолатли қонунлардан бири ҳисобланади. Аҳмад Фарғоний илк ўрта аср фалакиёт, риёзиёт ва география илмлари йўналишида бир қанча илмий ва амалий асарлар ёзиб қолдирган. Ҳозирги кунда Аҳмад Фарғонийнинг бир неча асари маълум бўлиб, уларнинг

хаммаси астрономияга алоқадор ва бирортаси ҳозирги замон тилларига таржима қилинмаган. Бу асарларнинг қўлёзмалари жаҳоннинг турли шаҳарларидаги йирик кутубхоналарда сақланмоқда.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари “Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавоми илми ан-нужум” (“Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби”) деб аталиб, “Астрономия асослари ҳақидаги китоб” номи билан ҳам маълумдир. Ушбу асар қўлёзмалари дунё кутубхоналарининг деярли барчасида бор. Бу асар астрономиядан араб тилида ёзилган биринчи китоблардан ҳисобланади. Аҳмад ал-Фарғонийнинг бу асари ХИИ асрда лотин тилига, ХИИИ асрда эса кўпгина Европа тилларига таржима қилинган. Шундан сўнг Фарғоний номи лотинлаштирилиб, исм-насаби “Фарғоний”ни лотинчасига “Альфраганус” деб атаганлар. Фарғоний дунёда шу ном билан машҳур ва маълумдир. “Астрономия асослар ҳақидаги китоб” асаридан бир неча асрлар давомида Европа университетларида астрономия фани бўйича асосий дарслик ва қўлланма сифатида фойдаланилган. Чунки бу китоб замонасидаги астрономия ҳақидаги энг муҳим ва зарур бўлган илмиларни ўз ичига олган бўлиши билан бирга астрономиядан энг содда дарслик ҳамдир. Унда мураккаб геометрик шакллар ва математик формулалар, ҳисоблашлар келтирилмаган. Бу эса астрономиядан бошланғич маълумотларни ўзлаштиришни анча осонлаштиради. Балки буюк Региомонтан асарнинг шу хусусиятини англаб, ўзининг университетлардаги маърузалари учун қўлланма сифатида Фарғонийнинг ана шу асарнинг танлагандир.

Унинг географияга оид бўлими Ер юзидаги мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақидаги энг бошланғич ва зарурий билимларга бағишланган, бўлиб (9-боб), “Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқлимдаги ҳодисалар ҳақида” деб аталади. Асарда фалакиёт ва география илмларининг асосий мазмуни, вазифалари ва қисмлари тушунарли далиллар асосида содда қилиб баён этилади. Хусусан, Ернинг шарсимонлиги, бир хил осмон ёриткичларининг турли вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу тутилишнинг ҳар бир жойдан турлича вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу тутилишнинг масофалар ўзгариши билан уларнинг кўриниши ҳам ўзгариши ҳақида қимматли мулоҳазалар билдирилади. Бундан сўнг, етти иқлимнинг ҳаммаси, улардаги мамлакатлар вилоятлар ва шаҳарлари билан бирга тавсифланади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўрта асрларда араб тилида ёзилган географик асарларнинг энг биринчиси ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат-ул-арз” (“Ернинг кўриниши”) асари эди. Унда ал-Хоразмий етти иқлимдаги денгизлар, мамлакатлар, тоғлар, дарёлар, қўллар ва шаҳарларнинг тавсифини келтирган эди. Бунда у тавсифни “рубъи маъмурнинг” энг чеккасидан, яъни Африканинг Антлантика океани қирғоғигача, яъни Тинч океанидаги Япония ороллари гача давом эттиради. Тавсиф кенглама йўналишида экваториал ерлардан то шимолий кутбий ерларгача давом этади. Иқлимларни Фарғоний келтирган тавсифлаш усули ал-Хоразмийникидан фарқ қилади. Ал-Хоразмий ўзининг тавсифлаш усулида птоломей анъанасига асосланган бўлса, Фарғоний ҳиндларнинг

анъанасига асосланиб, қуруқликнинг тавсифини энг шарқий чеккасидан бошлайди. Унинг иқлимлар тавсифида 3,4,5,6 ва 7- иқлимларнинг тавсифи диққатга сазовордир. Чунки буларда Марказий Осиёнинг ва унга туташ ерларнинг шаҳар ва вилоятлари тавсифланади. Шунинг учун олган парчани келтирамиз.

“Учинчи иқлим Шарқдан бошланиб, Хитой мамлакатининг шимолидан, сўнг Ҳинд мамлакатидан ва сўнгра Кобул ва Кемрон вилоятларидан ўтади.

Тўртинчи иқлим Шарқдан бошланади ва Тибетдан, сўнгра Хуросондан ўтади, бунда Хўжанд, Усрушона, Фарғона, Самарқанд, Балх, Бухоро, Ҳирот, Амуя, Марварруд, Марв, Сарахс, Тус, Нишопур шаҳарлари бор. Ундан сўнг Журжон, Қумис, Тарабистон, Девоманд, Қазвин, Дайлам, Рай, Исфахондан ўтади.

Бешинчи иқлим Шарқда Яъжуж мамлакатидан бошланади, сўнг Хуросоннинг шимолидан ўтади. Унда Тороз шаҳри – савдогарлар шаҳри бор, Навокат (Навкат), Хоразм, Исфижоб (Сайрам), Турарбанд (Ўтрор – ҳозирги Арис) ва Озарбойжон, Армения (Арманистон) вилояти, Бардаъа (Барда), Нашава (Нахчивон) шаҳарлари бор.

Олтинчи иқлим Шарқда бошланади ва Яъжуж мамлакатидан ўтади, сўнг Хазар мамлакатидан (Шимолий Кавказ ва Қуйи Волгабўйи), Журжон (Каспий) денгизининг ўртасидан кесиб ўтади ва Рум (Византия) мамлакатигача боради.

Еттинчи иқлим Шарқда Яъжуж мамлакатининг шимолидан бошланади, сўнг туркий мамлакатлардан (Марказий Осиё), сўнг Журжон денгизининг шимолидан, сўнг Рум денгизини (Қора денгиз) кесиб сақлаблар (славянлар) мамлакатидан ўтади ва Ғарб денгизида (Атлантика) тугайди”.

Келтирилган парчадан кўринадикки, Фарғоний катта кенгликдаги ўлкаларни тавсифлаган бўлса ҳам, ўзининг асл ватани Мовароуннахрни муфассалроқ тавсифлаган. Бундан ташқари, шуни ҳам таъкидлаш керакки, Фарғонийнинг рубъи маъмур (қуруқлик) ҳақидаги тасаввури анча аниқ бўлиб, ҳар хил афсонавийликдан холидир. Чунончи, у Яъжуж мамлакати деб Шарқдаги афсонавий мамлакатни эмас, балки ҳозирги Мўғулистоннинг шарқи ва Хитойнинг шимоли-шарқига мос келадиган аниқ географик ҳудудни айтган.

Асарнинг анчагина қисмини астрономик асбоблар яшаш ва улардан фойдаланиш методлари, хусусан, астрономик кузатувлар учун энг зарур асбоблардан бири – Қуёш соатнинг баёни эгаллайди.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг “Астрономия асослари ҳақидаги китоб” асари ўрта аср мусулмон Шарқи мамлакатларидаги, сўнг Испания орқали Европа мамлакатларидаги астрономия илмининг ривожини бошлаб берди. Қадимги юнон илми, жумладан, астрономик илмилар ҳам биринчи бор арабчадан таржима қилинган рисолалар орқали маълум бўлди. Бу асарнинг лотинча таржимаси илк бор 1493 йилда тошбосма усулида нашр этилди.

1669 йилда машхур голланд математиғи ва арабшуноси Якоб Галиус Аҳмад Фарғоний асарининг арабча матнини янги лотинча таржимаси билан нашр этганидан сўнг Аҳмад Фарғонийнинг шуҳрати янада ортди.

Аҳмад Фарғоний асарлари

“Устурлаб ясаш ҳақидаги китоб” (қўлёзма нусхалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Техрон кутубхоналарида сақланмоқда.)

“Устурлаб билан амал қилиш ҳақидаги китоб” (биргина қўлёзмаси Рампурда (Ҳиндистон) сақланмоқда).

“Фарғоний жадваллари” (қўлёзмаси Патнада (Ҳиндистон) сақланмоқда)

“Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш рисоласи” (қўлёзмаси Гота ва Қоҳирада сақланмоқда).

“Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб” (қўлёзмалари Ҳалаб ва Қоҳирада сақланмоқда).

“Ал-Хоразмий “Зиж”ининг назарий қарашларини асослаш” асари Беруний томонидан эслатилади, лекин қўлёзмаси топилмаган.

Шунингдек, Фарғонийнинг асарлари қаторига **“ал-Мадҳал ала илми ҳайъатил-афлок ва ҳаракатин-нужум”** (Фалакларнинг кўриниши ва юлдузлар ҳаракати илмига кириш) ҳам киради.

Фарғонийнинг бу рўйхат бошидаги икки асаридан бошқалари ҳали ҳеч ким томонидан ўрганилмаган. Шубҳасиз, улар ўрганилиб, таҳлил қилиниши билан Фарғоний ижодининг янги қирралари очилади. Ва олимнинг ўрта асрларда, ундан кейин Шарқ ва Ғарбда бу қадар машхур бўлиши сабаблар ҳам аён бўлади.

Аҳмад ал-Фарғоний рисола ҳам яратган, масалан, Птоломейнинг “Алмагест” асарининг шахрига бағишлаб “Алмагестнинг кириш бўлимлари ҳақида ўттиз бобдан иборат рисола” номли асар ёзган.

Самовий жисмлар ҳаракатини Ньютон ва Лаплас масса ҳаракатининг динамикаси шаклида, Кеплер эса геометрик йўсинда баён этган бўлса, Фарғоний улардан бир неча аср аввалроқ жадваллар қонунияти шаклида изохлаган. Жадвалнинг фазилати ва имтиёзи – унинг жонли мушоҳада очик эканлигидир.

Стереографик проекциялар назариясининг кашфиётчиси ҳам Фарғонийдир. Қуёш, Ой, сайёралар ва юлдузларнинг, бинобарин, умуман Осмоннинг бўлажак манзарасини билиш учун геометрик-кинематик усул астрономия фанининг умумий усули сифатида қабул қилиб олинган бўлса, жаҳон мунажжимлик фанининг бундай умуммахраж келишида Фарғоний топган ва асосланган устурлаб (Евпорачасига астролябия) асбобининг аҳамияти катта бўлган. Чунки осмон гумбазида мавҳум равишда жойлаштирилган меридиан, экватор, эклиптика, азимут, координата ўқлари ва тизимларининг, бурчакларнинг, нуқталарнинг доира асбобга проекцияларини, яъни фазовий шаклларнинг текисликдаги тасвирини тушириш фанга, астрономияга, денгизчиларга анча қулайликлар туғдирган. Бу асбоб илгари ҳам бор эди. Лекин унинг назариясини фақат

Фарғоний кашф этди. Бу кашфиётнинг аҳамияти ва илмий изчиллик билан асосланганлигини шундан ҳам билсак бўладики, Фарғоний давридан қарийб минг йил кейин, XVIII асрда буюк математик Эйлер бу назарияни жўғрофий хариталар тузиш назариясига татбиқ қилди ва “Россия империясининг бош жўғрофий харитаси”ни тузишда ишлатилди. Бу назария комплекс ўзгарувчан миқдорлар текислиги, ноевклид геометриялар, Лобачевский текислигининг Бельтрани-Клейн проекцияси, космик геодезия ва космографиянинг заминларида ётади.

Аҳмад Фарғоний мероси ва мустақиллик

Аҳмад Фарғонийнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш Ўзбекистонда мустақилликдан кейин бошланди. 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Фарғона шаҳрида Аҳмад Фарғоний номи билан аталадиган истироҳат боғи яратилди ва қадимий Қува шаҳрида Аҳмад Фарғоний хайкали ўрнатилди. ЮНЕСКОнинг 1998 йилдаги тадбирлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори (1997 йил 27 ноябрь)га кўра аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуманлар, бадий кўرғазмалар ўтказилди, янги китоблар нашр этилди, спектакллар саҳналаштирилди, фильмлар суратга олинди. Фарғона шаҳридаги майдон, кўча, мактабларнинг бирига Аҳмад Фарғоний номи берилди.

Бугунги кунда одамзоднинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимизга келтирар эканмиз, бехтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади.

Албатта, улуғ аждодимиз - Аҳмад Фарғоний инсоният тарихидаги илк уйғониш даврининг энг забардаст ва кучли намояндаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида башарият дунёқараши ва маънавиятининг ривожланишига беқиёс таъсир кўрсатади. Унинг бебаҳо мероси ўз даври олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилгани тарихий манбалар орқали яхши маълум.

Алломанинг “Астрономия асослари ҳақида китоб” номли асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилгани ҳам бу фикрнинг далилидир.

Европада Альфраганус номи билан машҳур бўлган бу алломанинг илм-фан ривожига нуфузи шу қадар юксак эдики, унинг исм-шарифи Ер қуррасидагина эмас, балки самода ҳам шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрда ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилгани бу фикрни исботлайди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган “Селенография” китобида Ойдаги кратерлардан икkitаси икки буюк ватандошимиз - Аҳмад Фарғоний ва мирзо Улуғбек номи билан аталади.

Аҳмад Фарғоний ҳаётидан ибратли воқеалар

Аҳмад маҳалла мажлисидаги мактабда ўқир эди. Ўқитувчи имом Аҳмаднинг қобилиятини сезди ва уни ривожлантирмоқ зарур эканлигини боланинг отасига айтмоққа жазм қилди. Бир куни жума намозидан сўнг одамлар тарқалишаётганида имом Аҳмаднинг отаси Муҳаммадни қолмоққа тақлиф қилди. Улар имомнинг масжидидаги хонасида қуйидаги мазмунда суҳбат курдилар:

- Ўғлингиз Аҳмад хўб истеъдодли бола. Уни таҳсил учун дорул-улумга юбормоқ керак. Бу тўғрида ўйлаб кўрганмисиз? – деди ўқитувчи Муҳаммадга.

- Жанобингизнинг хусни таважжуҳларидан ғоят миннатдорман. Мен бу тўғрида ўйлаган эдим. Аммо бу шаҳарларнинг бирортасида дорул-улус мавжудмидир?

- Бор, - деди ўқитувчи, - лекин Аҳмад халифаликнинг пойтахти дорус-салом – Бағдодда таҳсил олмоғи керак. Боланинг юксак қобилияти ўша ерда муносиб камол касб, этажак.

Муҳаммад ўйланиб қолди. Ўғли хали ёш, энди ўн бешни тўлғазиб, ўн олтига қадам қўйди. Узок, ўзга юртда бола не холларга тушади, кўзланган мақсад амалга ошадими, мусофирлик, ғарибликда овора бўлиб қолмайдими?

Ўқитувчининг гапида жон бор. Агар Аҳмад яхши билим олса, олим, фозил бир киши бўлиб етишади. Бу ерда эса болани қандай тақдир кутмоқда? Ҳозир Фарғона атрофлари нотинч. Муҳаммад бундан ўн беш-йигирма йил бурун бўлиб ўтган воқеаларни эсга олди. 775-785 йиллар орасида Фарғона халқи бош кўтарди. Кўзғалончилар Косон шаҳрини эгаллаб, уни ўзларига марказ қилдилар. Кўзғалон кенг ёйилиб, бутун Фарғонани қоплади. Халифа Махдий кўзғалончиларга қарши Аҳмад ибн Асад бошчилигида кўшин юборди. Қонли урушлар бўлиди. Кўп одам қирилди. Шаҳар ва қишлоқлар босқичлар томонидан ёндирилди, халқ кўзғалони эса шавқатсизлик билан бостирилди. Ана шу воқеалардан кўп ўтмай, Аҳмад дунёга келган эди. Фарғона ўлкаси ҳамон ўша урушлар дудини сезади. Араб ҳокимияти аста-секин ўз дини-исломга даъват жтмоқда. Шаҳар аҳолисидан кўпи ислом динини қабул қилган эди. Аммо атроф қишлоқларда яшовчилар, айниқса, кўчманчи халқларнинг қаршилиги кучли. Улар ҳатто шаҳарларга хужум ҳам қилиб турадилар. Шунинг учун Ўш яқинидаги тоғ устига равоат қурилган ислом аскарлари бу тоғдан туриб кўчманчи туркларнинг ҳаракатларини синчковлик билан кузатадилар.

Аҳмаднинг балоғат ёши келди. Уни ислом лашкари сафига тортмоқлари мумкин. У ҳолда бола ур-сур, сур-урга қўшилиб кетади, бирор жангда ҳалок бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Муҳаммад кечаси билан шу ҳақда ўйлаб чиқди. Эртаси эрталаб нонуштадан сўнг Аҳмад ўқишга кетгач, Муҳаммад хотинига ўз қарорини билдирди: Аҳмад Фарғонани тарк этиб, Бағдодга кетади. Бағдодда илм таҳсил олади. Бола катта бўлиб қолди. У

мустақил бўлмоғи, пешонасига не ёзилган бўлса, шуни кўрмоғи керак. Бу гапни эшитиб, онанинг кўзи жикқа ёшга тўлди. Аммо эрнинг қарорига қарши бир нима деб бўладими? Орадан бирмунча фурсат ўтди. Бир куни тонг пайти ота ва она ўғли Аҳмад билан хайрлашдилар. Аҳмад катта карвонга қўшилиб, Бағдод сари йўл олди.

1998 йил. Март. Тошкентда Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Унда олимлар, мутахассислар, талабалар, Тошкентдаги Миср маданий марказининг ходимлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари қатнашдилар.

Апрель. Дехлида “Аҳмад Фарғоний ва унинг даври” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистоннинг етакчи олимлари, дипломатик корпус вакиллари, журналистлар, шунингдек, мазкур мамлакат ўқув юртларида таълим олаётган ўзбек стажёрлари, аспирантлари ва талабалари иштирок этишди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош ассамблеяси Халқаро астрономия уюшмаси ва ЮНЕСКО (БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти) таклифини маъқуллаб, 2009 йилни Халқаро астрономия йили деб эълон қилди. Шу муносабат билан астрономия фани ютуқларини бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб этиш мақсадида “Ердан коинот сари” лойиҳаси асосида қатор мамлакатларда кўрғазмалар ташкил қилинди, кўчаларга кўчма телескоплар ўрнатилиб, одамларнинг коинотни кузатишларига имкон берилди, энг арзон телескопларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Фарғоний яшаган тарихий даврнинг ўзига хослигинимадан иборат?
2. Фарғоний дунёқарашнинг ўзига хос жиҳатларини айтинг?
3. Фарғоний таълимотида фалсафа нимани ўргатади?
4. Фарғоний таълимотида Фалсафа ва фаннинг ўзаро нисбати қандай?
5. Ўзбекистонда мустақилликдан кейин Фарғоний меъросининг чуқур ўрганилиши?
6. Ҳозирги кунда Фарғоний фалсафий меросининг ахамияти?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Ал-Фарғоний, Европада қайси тахаллус билан машҳур бўлган?

- а) Алфраганус (Алфраганус) тахаллуслари
- б) «Муаллим ас-соний»;
- в) « шайхул-Раис»;
- г) «Уюн ал-масойил».

2. Ал-Фарғонийнинг туғилган санасини аниқланг?

- а) 797-865;
- б) 787-855;

- в) 788-866;
- г) 787-869

3. Ал-Фарғонийнинг машхур асарининг номини аниқланг?

- а) «Китоб ал-масолик ва ал мамолик»;
- б) «Китоб ул-ишорат ва ат-танбихот»;
- в) «Жавоми илм ан-нужум вал харакат ас-самовия»;
- г) «Уюн ал-масойил».

4. Аҳмад Фарғонийнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш қачондан бошланди ...?

- А. 1996й
- Б. 1991й
- В. 1997й
- Г. 1998й

5. Ал-Фарғонийга бағишлаб қачон халқаро астрономия йили деб эълон қилди?

- А. 2009 йил
- Б. 2008 йил
- В. 2007 йил
- Г. 2010 йил



Имом Доримий (798-869)

Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Фазл ибн Баҳром ибн Абдусамад ат-Тамимий ас-Самарқандий Доримий. “Абу Муҳаммад” Муҳаммаднинг отаси, “Абдуллоҳ” муҳаддиснинг ўз исми, “Абдурахмон” отасининг исми, у киши ал-Фазлнинг ўғли, у киши Баҳромнинг ўғли, у киши Абдусамаднинг ўғли, “ас-Самарқандий Доримий” муҳаддиснинг нисбаси. Буюк муҳаддис, имом, муфассир, факих, археолог, мутафаккир аллома бўлган.

Юртимиздан чиққан буюк муҳаддислардан бири Имом Доримий ҳақидаги маълумотларни асосан ўрта асрларда яшаган машҳур араб муаллифларининг асарларида учратамиз. Мана шу асарлар жумласидан ал-Хати-й-б ал-Бағдодийнинг “Тарихи Бағдод” (“Бағдод тарихи”), Шамсуддин аз-Заҳабийнинг “Сийар альюм ан-Нубало” (“Олижаноб алломалар сийратлари”), “Тазкират ал-хуффо” (“Ҳофизлар ҳақида тазкира”), Ибн ал-Имод ал-Ҳанбалийнинг “Шазарот аз-заҳаб фи ахбори ман заҳаб” (“Дунёнинг ўтиб кетганлар ҳақида олтин парчалар”), Нажмиддин Умар ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи зикри уламон Самарқанд” (“Самарқанд олимлари ҳақида қанддек китоб”) кабиларни кўрсатиш мумкин. Мана шу асарлардаги маълум бўладики, Доримий хижрий 181 (милодий 798) йилда Самарқанднинг қадимий мавзеларидан бири Доримда таваллуд топган.

Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий ёшлик чоғларидан бошлаб фавқуллода ақл-заковати, ўткир зеҳни, айниқса, қувваи ҳофизасининг ўта кучлилиги билан ,барчани ҳайратга солган. Унинг ўз тенгқурларига нисбатан ғайритабиий иқтидори ва алоҳида салоҳияти шу қадар зўр бўлган эканки, ҳатто бу хусусда халқ орасида бир қанча ривоятлар юрганлиги ҳақида ҳам манбаларда қайд этилади. У диний ва дунёвий фанлар, айниқса, ҳадис илми бўйича дастлабки билимни ўз юрти Самарқандда олиб, сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараққий қилган марказлар: Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Макка, Мадина, шунингдек, Хуросоннинг турли шаҳарларидаги таниқли олимлардан олади. Бир неча йил давом этган илмий сафарлари давомида Имом Доримий Язид ибн Хорун ал-Воситий, Убайдуллоҳ ибн Мусо Абдулмуғийра ал-Фарёбий, Абдусамад ибн Абдулбори, Яҳё ибн Ҳасан, ал-Асвад ибн Омир, Бишр ибн Умар аз-

Захроний ва бошқа кўпдан-кўп ўз даврининг етук муҳаддисларидан ҳадислар ўрганади. Илм йўлида узоқ йиллар тинимсиз кўрсатган саъй-ҳаракатлари ва изланишлари натижасида Доримий ҳадис, тафсир ва фикҳ илмларининг алломаси даражасига кўтарилади. Имом Доримий ҳазратлари айниқса йирик муҳаддис олим сифатида катта шуҳрат қозонган. У ҳақда ёзган муаллифларнинг аксарияти Имом Доримийнинг Самарқандда ҳадис ва археология (ал-Осор) илмларининг равнақ топишида улкан ҳиссаси бор,, деб яқдиллик билан алоҳида таъкидлаганлар.

Имом Доримийнинг илмий-маънавий меросини “Ал-Муснад”, “ат-Тафсир”, “ал-Жомеъ”, “ас-Сулосиёт фил ҳадис”, “Китоб ас-Сунна фил ҳадис” ва “Китоб савм ал-мустохозотий вал мутаҳаййирот” каби асарлари ташкил қилади. Алломанинг энг машҳур асари, фикримизча, “ал-Муснад” бўлиб, бу асар “Сунан Доримий” номи билан машҳур. Асарнинг икки жилддан иборат нашри 1996 йилда Ливаннинг пойтахти Байрутдаги “Дор алкутуб ал-илмия” матбаасида чоп этилган. Ушбу икки жилдли асар муқаддимадан (қайсики, у 57 кичик “боб”ларни қамрайди), 23 “китоб”дан иборат бўлиб, ўз навбатида, ҳар бир “китоб” ҳам кўп сонли “боб”лардан ташкил топган. Эътиборли томони шундаки, Имом Доримий ўз асари “Сунан”да келтирган ҳадислардан деярли у яшаган даврда фаолият кўрсатган буюк муҳаддислар ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд ас-Сижистоний, Ат-Термизий, ан-Насафий, ибн Можа ва бошқа кўплаб таниқли муҳаддислар ўз асарларида келтирганлар. Масалан, Имом Доримий ўз асарида келтирган “Ҳовлисида хурмо дарахти бор хонадон аҳли ҳеч оч қолмайди” ёки “Энг яхши нонхуруш (приправа) - сиркадир” каби ҳадисларни юқорида зикр қилган кўпчилик муҳаддислар Имом Доримийдан ривоят қиладилар. Маълумки, Имом Доримий ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ҳазратларидан ўн уч ёш катта бўлган бўлса-да, улар бир даврда, яъни тўққизинчи асрда ҳадислар билан астойдил шуғулланганлар. Шу боис бу иккала буюк муҳаддис бир-бирларини шахсан билганлар, хатто, айтиш мумкинки, яқин илмий муносабатда ҳам бўлганлар. Бу фикримизга далил тариқасида тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабийнинг “Сийар аълом ан-нубало” номли асарида келтирилган қуйидаги маълумотни кўрсатиш мумкин: “Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Ҳалаф шундай деган: “Бир кун устоз Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг хузурларида ўтирган эдик. Шу пайт устозга бир мактуб келтирдиларки, унда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримийнинг вафоти (у олдинроқ – 869 йилда вафот этган) ҳақида қабар қилинган экан. Бу нохуш хабардан устоз чуқур қайғуга ботиб, бошларини қуйи эгдилар. Бир муддатдан кейин бошини кўтариб, кўзлари лиммо-ли ёшга тўлган ҳолда ҳасрату ғамгинлик билан “Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъун” (Биз ҳаммамиз Аллоҳга мансубмиз ва албатта унга қайтажакмиз) оятини айтиб, “Сенинг тирик бўлишинг учун дўстлар ҳаммаси жонларини фидо қилишга тайёр эдилар-ку”, деб юзларига дуои фотиҳа тортдилар”.

Муҳаммад ибн Иброҳим Шерозий айтадилар: Ибн Абдурахмон Доримий ақл идрокда, дину диёнатда етук киши эдилар. У зотнинг ҳадис

ва турли дарсларни ёдлашдаги қуввайи ҳофизалари, инсонларга хос ҳалимлик фазилатлари, комил мўминларга хос ибодатлари, зоҳидлик – тарки дунёликлари ва ҳадис илмига хос зийраклик-билидонликлари зарбулмасал қилингандир. Яна шу ровий: Имом Доримий ҳадисга, тафсирга ва фикҳга оид ва бошқа илмий ишларни Самарқандда пайтларидаёқ зоҳир қилган эдилар. Сўнгра, Хуросонгв, ундан кейин Шом, Ироқ, Маккайи мукаррама, Мадинайи мунаввара шаҳарларидаги ҳамда Миср мамлакатларидаги муҳаддис, муфассир ва фақиҳ уламолар хузурларида бўлиб, ҳадис, тафсир ва фикҳга тегишли илмларни тўпладилар. У киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадиси шарифларини четдан кўшилган ёлғонлардан кўриқловчи зотлар қаторида бўлиб, буюк муҳаддис, комил муфассир ва фақиҳ олим эдилар, деб зикр қиладилар.

Абу Ҳотим: “Доримий (р.а.) ўз замонаси имоми эдилар”, деб таъкидлайдилар. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайр: “Бу зот ҳифзда ва тақво, парҳезкорликда биздан ўзиб кетганлар”, деб айтади. Абу Ҳотим ибн Ҳиббон айтадилар: “Ибн Абдурахмон Доримий беками-кўст ҳофизлардан бўлиб, ханиф динимизда аҳли тақволардан саналганлар ва яна у зот Қуръони карим ҳамда Ҳадис шарифларни ёд олган, ёзиб жамлаган динда фақиҳ олим даражасини топган, бир қатор китоблар тасниф этган тингловчи мухлисларга ҳадис айтган, ўз шаҳри Самарқандда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суннатларини жорий қилган улуғ кишилардан бўлганлар. Ҳамда шу суннатга амал қилишга мўминларни чақирган ва шу – шариат топталган, амал қилинмаган жойларда уни ҳимоя қилган ҳамда унга хилоф иш қилганларни тўғри йўлга солиш мақсадида баъзи бир лоқайд кимсаларни савалаган зот эдилар”.

Исҳоқ ибн Роҳувайҳ айтадилар: “Бағдодда Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мубаррад Маҳромий бундоғ деганин эшитдим. У киши: “Эй аҳли Хуросон, модомики ораларингизда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий бор бўлсалар, бошқа муҳаддислар билан машғул бўлишнинг ҳожати йўқдир”, деб тайинладилар.

Бандорнинг зикр этишича: “Дунёнинг ҳофизлари тўрт киши: Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож Найсобурий, Абу Заръата ар-Розий (Рий-Розий Техрон яқинидаги шаҳар) ва Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий Самарқандий”. Нававийнинг тавсифлашича: “У зот ўз замонасининг ҳофизларидан бири бўлиб, ҳадисларни ёд олишда, хусни фазилатда у кишига тенглашадиган кам эди”, дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Аҳмад отасининг хузурига келиб, ҳадис ривоят қилувчи хуросонлик муҳаддисларнинг қайси бирлари ҳофизроқлиги ҳақида сўраганларида: Отаси – Аҳмад ибн Ҳанбал таъкидлаб: “Розий-Райлик Абдуллоҳ ибн Абдулкарим Абу Заръа ибораларда тўхтамасдан давом эттирувчироғи”. Боҳоролик: Муҳаммад ибн Исмоил бўлса шу сўзлар ҳадис ёки ҳадис эмаслиги жиҳатидан танувчироғи. Самарқандлик Абдуллоҳ ибн Абдурахмон эса беками кўст ёдловчироғи. Балхлик Ҳасан ибн Шужоъ бўлса ҳадисларнинг бобларини жамловчироғи” – дедилар.

Имом Доримийнинг устозилари кўпдир, жумладан: Яхё ибн Ҳаммад, Якуб ибн Иброҳим, Абдулваҳҳоб ибн Саид Димашқий, Абу Бакр Мисрий, Назр ибн Шамийл, Сулаймон ибн Ҳарб, Валид ибн Шужоъ, Саид ибн Омир, Хажжож ибн Минҳал, Язид ибн Хорун, Жаъфар ибн Авн, Марвон ибн Муҳаммад, Холид ибн Муҳаммад, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Раққоший ва яна бир қанча машхур зотлардир.

У зотнинг талабалари ва у кишидан ҳадис ривоят қилган машхур имомлар: Имом Бухорий (Саҳиҳ-жомеъ тўпламидан) бошқа китобларида, Имом Муслим (Саҳиҳихида 73 та) ҳадисни, Абу Довуд, Термизий ва Навоий (Сунанларидан ташқари) мусаннафотларида ривоят қилганлар. Ҳамда яна Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Ҳасан ибн Саббоҳ, ал-Баззор, аз-Зухалий, Абу Заръа, Абу Ҳотим, Умар ибн Муҳаммад, Жаъфар ибн Муҳаммад Фарёбий, Исо ибн Умар ибн Аббос Самарқандий ва бошқа муҳаддислар Имом Доримийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Ўз даврининг илм аҳллари ўртасида беқиёс обрў-эътиборга эса бўлган Имом Доримий бир қанча муддат Самарқандда Шайхул ислом бўлган. Шунингдек, манбаларда таъкидланишича, табиатан вазмин, адолатпарвар ва ҳақиқатгўй инсоф ва диёнати баркамол, ҳар қандай вазиятда ақл-идрок, чуқур тафаккур ва мулоҳаза билан иш юритгани боис, Султон томонидан Имом Доримий ҳазратлари Самарқанднинг қози калони (бош қози) лавозимига таклиф қилинади. Аллома аввалига рад жавобини берса ҳам, лекин Султон ўз фикрида қатъий туриб олганч, рози бўлади. Бироқ қозихонада атиги битта иш кўрилгач, у ўзини ушбу лавозимдан озод этишларини илтимос қилади ва пировардида у кишининг илтимоси қондирилади.

Имом Доримий Самарқандда хижратнинг 255 санаси, милодий 869 йил тарвия куни (зулҳижжанинг 8-куни) вафот этади. Арафа куни (зулҳижжанинг 9-куни), жума куни дафн қилинади. Айрим манбаларга кўра, Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманига дафн этилган. Шунда 74 ёшда эди. Аллоҳ у зотни раҳмат қилган бўлсин! Ва мусулмонларга беражак яхши мукофотини у зотга ҳам ато этсин!

Баъзи мавжуд китобларда у зотнинг Марвда (Туркменистоннинг Марий) шаҳрида вафот этганлиги айтилган. Лекин умрининг охириги пайтларида Самарқандда қозилик қилишлари эса юқоридаги “Марвда” деган далилга зид бўлмоқда.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Имом Доримий илмларнинг дунёқараш мазмуни нимада?
2. Имом Доримий фалсафасининг ўзига хослиги нимада ?
3. Имом Доримий энг машхур асари муаммолари нималардан иборат?
4. Ўрта Осиёда фалсафий тафаккур тарихида қандай ўринга эга?
5. Имом Доримий “фақиҳ олим” даражасининг аҳамияти нимада?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Имом Доримийнинг туғилган санасини аниқланг?

- а) 798-869;
- б) 777-895;
- в) 788-866;
- г) 787-899

2. Имом Доримийнинг машхур асарининг номини аниқланг?

- а) «Ал-муснад»;
- б) «Ал-жомеъ»;
- в) «Ат тавсир»;
- г) «Китоб ас сунатил хадис».

3. . Имом Доримий қайси шаҳарда шайхул ислом бўлган?

- а) Сакмарқандда;
- б) Бухорода;
- в) Марғилонда;
- г) Хоразмда

4. Имом Доримийнинг қайси асари “суннан доримий” номи билан машхур?

- а) «Ал-муснад»;
- б) «Ал-жомеъ»;
- в) «Ат тавсир»;
- г) «Китоб ас сунатил хадис»



Ҳаким Термизий (820-932)

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ал-Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий бўлиб, унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар ўрта аср араб муаллифларидан Тожуддин ас-Субкий, Ал-Хатиб ал-Бағдодий Ибн Ҳожар ал-Асқалоний, Ас-Суллабий ва бошқаларнинг асарларида, шунингдек, унинг ўзининг қаламига мансуб “Бадъу шаън Абу Абдуллоҳ (“Абу Абдуллоҳ ишининг бошланиши”) номли автобиографик рисоласида келтирилган.

Ҳаким Термизий исломий илмларнинг турли соҳаларида ижод қилганлар. Қайси соҳада ижод қилмасинлар, ҳар нарсанинг туб моҳиятига, яширин ҳикматига етиб боришга интилар эдилар. Зеро, борлиқдаги ҳеч нарса беҳикмат эмаслигини барчамиз ҳам сезиб турамыз, лекин уларни кўп ҳам кўра олмаймыз. Ҳаким Термизий эса ҳар нарсада, у илм бўлсин ёки Аллоҳ таоло бандалари учун яратган шариати бўлсин, ато этган шариати бўлсин, уларнинг барчасига илоҳий ҳикматни англашга, теварак-атрофда, бизни ўраб турган дунёнинг ҳикматли жиҳатларини ўзлари англаб етиб, бошқаларни ҳам уларни кўра билишга тарғиб этар эдилар. Шунинг учун ҳам аллома “ал-Ҳаким”, яъни “(борлиқдаги) ҳикматни англаган зот” номига мушарраф бўлганлар”.

Машхур мутасаввуф, муҳаддис ҳофиз-ул Қуръон ва олим бўлиб, ақида, тафсир, ҳадис илмлари тўғрисида асарлар ёзган. Ҳаким Термизий таваллуд топган сана хусусида ҳам ёзилган манбалар ва адабиётларда турли хил маълумотлар келтирилган. Одатда, ўрта асрларга оид ёзма манбаларда, аксар ҳолларда, муаллифнинг фақат вафот этган санаси келтирилмайди. Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва унинг таълимотини чуқур ўрганган мисрлик таниқли олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака Ҳаким Термизий 820 йили Термиз шаҳрида таваллуд топиб, узоқ умр кўриб, 932 йили 112 ёшида вафот этганлиги ҳақида ёзади. Мана шуларни хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу йўналишда келажакда олиб бориладиган чуқур илмий тадқиқотлар аллома Ҳаким Термизий таваллуди ва вафоти саналарини аниқлаш имконини беради, деб ўйлаймиз. Унинг мақбараси Термиз шаҳрининг яқинида, Амударё бўйида жойлашган. Термиз шаҳри ҳақидаги қимматли маълумотларни араб географлари ал-Муқаддасий (“Аҳсан ут-тақосим фи маъфират ал-ақолийм”), ал-Истаҳрий (“ал-Масолик ва ал-мамолик”), ал-Балазурий (“Футуҳ ул-булдон”) ва бошқа қатор

муаллифларнинг асарларида учратамиз. Ҳақим Термизий туғилган Термиз шаҳри ҳам ИХ асрда Мовароуннахрнинг энг йирик ва обод шаҳарларидан бири сифатида машҳур бўлиб, шаҳарда диний ва дунёвий илмлар ва маданият юксак даражада тараққий қилган. Илм-фаннинг турли соҳалари, жумладан, исломий илмлар бўйича Термиз шаҳридан етишиб чиққан кўплаб алломалар ат-Термизий нисбаси билан бутун дунёда машҳур бўлганлар. Жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган термизлик буюк сиймолардан бири Ҳақим Термизий дир. Афсуски, Ҳақим Термизийнинг болалик ва ёшлик йиллари ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Унинг ота-онаси ҳақидаги баъзи манбалардан маълум бўлишича, унинг отаси Али ибн Ҳасан ўз даврида ҳадис илмининг кўзга кўринган олимларидан бири сифатида машҳур бўлган. Араб тарихчиси Ал-Ҳатиб ал-Бағдодий ўзининг машҳур “Тарихи Бағдод” (“Бағдод тарихи”) номли асарида ёзишича, у мусулмон оламининг энг йирик марказларидан саналган Бағдод шаҳрида истиқомат қилиб, ўша даврнинг машҳур олиму уламолари билан ҳадис илмининг турли масалалари бўйича қизғин баҳс ва мунозараларда иштирок этган. Ҳақим Термизий ўзининг автобиографик рисоласи “Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ” ва “Ар*Радд аъла-л-муаттила” каби асарларида ёзишича, унинг онаси ва бобоси ҳам ўз даврида ҳадис илмининг етук билимдонларидан бўлган. Бу маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ҳақим Термизий илм-маърифат юксак кадрланадиган, зиёли бир хонадонда дунёга келиб, мана шу илмий-маънавий муҳитда ўсиб улғайган. Охир оқибатда, маънавий дунёси ва илмий тафаккури шаклланиб, камолга етган. Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳақим Термизийнинг илмий камолотида унинг отаси Абу ибн Ҳасаннинг хизматлари бениҳоя катта аҳамиятга моликдир. Чунончи, у ўз фарзанди учун нафақат меҳрибон ва ғамхўр ота, балки унга нисбатан талабчан мураббий ва маърифатли устоз мақомида ҳам бўлган. Бу хусусда Ҳақим Термизий ўз китобларидан бирида шундай ҳикоя қилади:

“Аллоҳ таоло мени устозим – падаримдан жудо қилганда мен саккиз ёшда эдим. Унинг саъй-ҳаракатлари боис мен илм олишга шундай берилиб кетгандимки, китоб мутолаа қилиш мен учун асосий машғулот бўлиб қолган эди. Ваҳоланки, менинг тенгқурларим ўйин-кулги ва вақтичоғлик билан банд бўладилар. Падаримнинг ижтиҳодлари туфайли мен шу ёшимда “Илм ал-осор” (ҳадис илми) ва “Илм ар-рай” (ҳанафий мазҳаби фикҳи) билимларини тўлиқ эгаллаб олган эдим...”. Отаси вафотидан кейин Ҳақим Термизий ўз шаҳридаги етук олимлардан исломий фанлардан, асосан, тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларидан сабоқ олади. унинг термизлик муҳаддислар Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Наср ат-Термизий, Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизийдан ҳадис илмини ўрганганлиги ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Фаридуддин Атторнинг ёзишича, ёши йигирма еттига етганда Ҳақим Термизий икки ўртоғи билан ўша пайтда бутун Шарқда илму маърифатнинг энг йирик марказларидан бири саналган Бағдодга бориб таълим олишни ният қилганда, бирдан

онаси бетоб бўлиб қолади ва унга: “Эй, ўғлим! Мен бир муштипар, заифа аёл бўлсам, менга сендан бўлак бошпаноҳ бўлиб ёрдам берадиган бирор кимса бўлмаса, менинг бутун борлигим фақат сен билан боғлиқ бўлса. Сен мени кимга ташлаб кетмоқчисан?” – деб унга илтижо қилади. Волидасининг бу сўзлари Ҳаким Термизийга қаттиқ таъсир қилиб, у илм талабидаги ушбу сафаридан воз кечади. Унинг икки ўртоғи эса Ўз сафарларига отланиб йўлга тушадилар. Сўнгра, ушбу воқеадан кейин маълум бир вақт ўтганч, Ҳаким Термизий Бағдодга боролмаганлиги учун ғоятда афсусланиб, мақбаралардан бирининг ёнида йиғлаб хафа бўлиб турганида, унинг ёнида юзидан нур ёғилиб турган бир шайх пайдо бўлади ва ундан йиғлашининг сабабини сўрайди. Ал-Ҳаким унга юз берган воқеани бирма-бир айтиб беради. Шунда шайх: “Истасанг, мен сенга ҳар куни турли илмлардан сабоқ бериб, сени ўқитаман”, - дейди. Ҳаким Термизий унинг бу сўзига дарҳол рози бўлади. Бу ҳол бир неча йил давом этади. Сўнг, у билса, у киши Хизр алайҳиссалом эканлар. Унинг бу садоқатли марҳаматга эришиши волидаи мушфиқасининг дуоси барокотидан бўлган эди. Айни шу воқеа бошқа манбаларда бироз бошқачароқ тарзда ҳикоя ҳақиқатми ёки афсонавий ривоятми, қандай бўлмасин, унинг оиласи ҳақида муайян даражада тасаввур беради. Чунончи, ушбу ҳикоядан маълум бўлишича, у ота-онасининг якка-ягона фарзанди бўлган, онасининг илтижосига қараганда, уларнинг оиласида ал-Ҳакимдан бошқа унга бошпаноҳ бўлиб қарайдиган кимса бўлмаган. У ўз онасига меҳрибон, уни боқувчисиз ташлаб кетишга журъат қилмаган – оилапарвар, қанчалик илм олишга иштиёқи кучли бўлгани билан ўз волидасининг сўзига қулоқ солиб, унинг дуосини олганлиги боис, охиروқибатда, у илм олишда ҳам ўз мақсадига эришади. Шунингдек, манбаларда унинг оилавий аҳволи ҳақида, унинг рафиқаси солиҳа, тақводор, покиза аёл бўлганлиги ҳақида, уларнинг олти фарзанди бўлганлиги ва шунингдек, Ҳаким Термизийнинг ўз фарзандлари билан муносабатлари ҳақида ҳам баъзи маълумотлар келтирилган.

Юқорида баён қилганлардан аён бўладигани, аллома Ҳаким Термизий ўзининг узоқ умри давомида бир қанча босқични босиб ўтган. Бинобарин, ёзма манбаларга, биринчи навбатда, унинг автобиографик тусдаги “Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ” номли асарига таянган ҳолда унинг ҳаётини куйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич – Ҳаким Термизийнинг саккиз ёшгача бўлган болалик даври. Афсуски, биз унинг мана шу даврдаги ҳаёти ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлмасак-да, лекин тахмин қилиш мумкинки, унинг болалик йиллари кўпчилик тенгқурлариники каби одатдагидай ҳар хил ўйинлару, машғулотларга тўлиқ бўлмаган, чунончи тасаввур қилиш мумкинки, агар шу алфозда бўлганда унинг яқин келажакда илм ирфон билан жиддий шуғулланиши учун (бу ўйинқароқликлар) имкон бермаган бўларди. У бир лаҳзада улардан воз кечиб ўз устозларининг жиддий сабоқларига маънавий тайёр бўлмаган бўларди. Шу боис комил ишонч билан айтиш мумкинки, у ўзининг ёшликдан мана шу зайлдаги ва илму

маърифатнинг чигал сўқмоқларини енгиб ўтадиган мураккаб имтиҳонларга ўзини маънавий ва руҳий жиҳатдан ҳар томонлама тайёрлай бошлаган эди. Иккинчи босқич Ҳаким Термизийнинг саккиз ёшидан то йигирма етти ёшгача бўлган умрини қамраб олади. Бу даврда унинг бир устози бўлиб, у бор имконияти ва маҳоратини ишга солиб Ҳаким Термизийни турли илмлардан чуқур билим олишга ундади, шунга астойдил раҳнамолик қилиб унга ўз иноятини кўрсатди. Гарчанд ушбу шайх (устоз) ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, у ўз шогирдининг бутун куч-қуввати, имкониятини ёшлигидан бошлаб фақат илм йўлига, хусусан, илм ал-осор (ҳадис) ва илм ар-рай (ханафий мазҳаби фикҳи) каби илмларни чуқур эгаллашга қаратдики, бу осон вазифалардан эмасди. Бу илмлар билан шуғулланши Ҳаким Термизий хатто Маккага – Байтуллоҳ ал-Ҳарамга ҳам ибодатини адо этиш учун бораётганида Ироқда тўхтаб ўтганида ҳам давом эттиради. Бу пайтда унинг ёши йигирма еттига яқинлашиб қолган эди. Айтиш керакки, айнан шу сафарлар давомида турли олимлардан олган билимлари унинг илмий ҳаётида сезиларли из қолдирган эди. Манбаларда кўрсатилишича, ўз ҳаётининг мана шу босқичида Ҳаким Термизий ҳадис ва фикҳ илмларига алоҳида эътибор берган.

Ҳаким термизий ҳаётининг учинчи босқичи Қуръони каримни ёд олиш ва уни чуқур ўрганиш билан бевосита боғланган. У Маккаи мукаррамага борганда, ёши ҳам йигирма еттига яқинлашиб қолган эди, у Аллоҳнинг каломини ёд олишга алоҳида иштиёқ билан киришади, кечани кундузга улаб унинг ёд олади, бу машғулотдан унинг қалб ҳаловати алоҳида завқ-шавққа тўлади. У энди илоҳий руҳдаги асарларга ғоятда берилиб, улардаги ибратли мавъизалар, охираат ишларига доир маълумотлар тариқатга бошловчи пири муршидларнинг ҳикоятларини алоҳида қизиқиш билан ўрганди. Шу омиллар таъсирида у ақлий йўналишдан (иттижоҳ) батамом руҳий йўналишга ўтиб кетди. Мана шу фикр-мулоҳазаларни жамлаб, бу босқични Ҳаким Термизий ҳаётида бурилиш даври (фитрат ат-таҳаввул) деб атасак айни ҳақиқат бўлур эди. Бинобарин, шу даврда у рўза тутши, намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш каби ибодатларга батамом берилди. Лекин шу билан бирга бу даврда у муайян бир усул ёки бирор-бир хос тариқатга эга эмасди. Унинг ўз таъбири билан айтганда, токи унинг қўлига Антокийнинг китоби тушгунга қадар шу йўсинда ҳаёт кечирган, кейин эса Антокийнинг фикрларидан таъсирланиб ўз нафсининг азият (риёзат ан-нафс) чекишига йўл қўйган. Мана шу пайтдан эътиборан унинг ҳаётида узоқ ва машаққатли бошқа бир давр бошланадики, бунда у ўзини ҳеч бир аямасдан риёзат чекишга, хилма-хил имтиҳон-синовларга мубтало қилди. У узлат ва хилват, одамлардан ўзини четга олиб узоқ тутишни ихтиёр қилди.

Мана шу жараёнлар оқибатида у ўз мактабини яратдики, натижада кечалари унинг атрофида кўплаб издошлари ва маслакдошлари тўпланишиб, баҳсу муноразалар уюштирардилар, дуо ва тазарруълар билан ўз шуурларини изҳор қилардилар. Афтидан, мана шу баҳсу муноразалар пайтида ўзининг чуқур мазмунга эга бўлган суфийлик тажрибалари

хақидаги ошкора баёнотлари туфайли диний масалаларнинг баъзи жиҳатлари, хусусан, илм ар-рай ёки илм ал-осор, ҳатто тасаввуф илмларига доир фикрлари билан ўз замонидаги қатор олимларнинг норозилигини кўзгаб, уларнинг шиддатли хужумларига дучор бўлди. Натижада Ҳаким Термизий устида гап-сўзлар кўпайиб, уни ҳавойи гапларга берилишлик ва бидъатда айблай бошладилар. Ҳаким Термизийга улар томонида қўйилган тухматларни умумлаштириб қуйидагиларни айтиш мумкин:

Уларнинг ҳаракатлари шу даражага бориб етдики, айбловчилар Балх ҳокимига хабар юбориб, Ҳаким Термизийга нисбатан ифвою тухматларини давом эттириб, уни Аллоҳга муҳаббат ҳақида гапиради, одамлар ўртасида фисқ-фасод тарқатади, уларни бидъатга етаклайди, пайғамбарликни даъво қилади, деб айбладилар. Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳам (Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ) номли автобиографик асарида уларнинг бу тухматлари ҳақида зикр қилган. Мана шу пайтдан эътиборан Ҳаким Термизийнинг ҳаётида бешинчи босқич бошланади.

Бироқ Ҳаким Термизий бу тухматлардан сўнг бир муддат узлатга чекинган, янада фаолроқ бўлиб унинг атрофида тўпланадиган халқнинг сони кундан-кунга ошиб, улар унинг ҳовлисига сиғмай кетди, йўлақлару масжид ҳам одамларга тўлиб кетди. Ана шундан кейингина одамлар унинг ҳақидаги тарқатилган миш-мишлар ноҳақ тухматлар ва ёлғон-бўхтонлардан бошқа нарса эмаслигини тушуниб етадилар ва унга нисбатан ўз ҳурмату эҳтиромларини намоён қилдилар.

Бу фикримизга қўшимча яна шуни айтиш мумкинки, Ҳаким Термизийнинг нафақат шогирдлари ва издошлари ҳақида маълумотлар кам, балки алломанинг ўзининг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида ҳам тарихий асарлар ва библиографик қомусларда афсусланарли даражада ғоятда оз маълумотлар келтирилган. Шу боис бўлса керак, XV асрда яшаб ўтган машҳур араб тарихчиси, юзлаб қимматли асарларнинг муаллифи Ибн Ҳожар ал-Асқалоний ҳам чуқур ўқинч билан: “Бу аллома (Ҳаким Термизий)нинг тўлиқ таржимаи ҳолидан воқиф бўлиш менга насиб этмади-да, Аллоҳ ўзи мададкор”, - деб ёзган экан. Бинобарин, Ҳаким Термизийнинг ўз ҳаёт йўли ҳақида ўзи ёзиб қолдирган маълумотлари фавқулодда аҳамият касб этади. Ҳар ҳолда, алломанинг асарларида унчалик мукамал, тўлиқ бўлмаса-да, унинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросининг тадрижий камолоти ҳақида, масалан, саналари аниқ кўрсатилган ҳолда маълумот бермаган, илм йўлида хориж юртларга қилган сафарлари, ўзи яратган асарлар, ўзи асос солган йўналиш ёки мактаб ҳақида ҳам аниқ кўрсатилмаган. Лекин бошқа баъзи манбалардан унинг Нишопурга борганлиги ва унда ҳадисдан сабоқ берганлиги; Нишопур олимларидан Яхъё ибн Мансур Қозий ундан ҳадислар ривоят қилганлиги; Термиздан чиқариб юборганлиги ҳақида ҳам хабарлар бор.

Манбаларга таяниб яна айтиш мумкинки, Ҳаким термизий фаолиятининг кейинги икки босқичи илмий ижодий нуқтаи назардан ғоятда самарали ва баракали бўлган. Чунончи, айнан шу даврда унинг

фаолиятида кенг омма билан мулоқот, унинг атрофида кўп сонли шогирдлари ва издошларининг тўпланиши ва энг муҳими, узоқ йиллар давомида шаклланган қарашлари, фикр-мулоҳазалари ва ҳаётий тажрибаларининг, агар таъбир жоиз бўлса, қаймоғини тўплаб ўзининг ўлмас асарларини яратдики, бу асарлар буюк бир маънавий мерос сифатида ислом маданияти, айниқса, тасаввуф илми тараққиётида салмоқли ўрин эгаллади.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ҳаким Термизий исломий илмларнинг ижод қилган соҳалари?
2. Термизий таваллуд топган сана ҳақидаги турли хил маълумотлар?
3. Ҳаким Термизийнинг ҳаётининг иккинчи босқичининг ўзига хослиги?
4. Ҳаким Термизийнинг ҳаётининг учинчи босқичининг ўзига хослиги?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Ҳаким Термизий тўлиқ исми?

- а) Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ал-Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий;
- б) Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳаким Термизий;
- в) Али Ал-Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий;
- г) Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий;

2. Ҳаким Термизий унинг таълимотини чуқур ўрганган мисрлик таниқли олимнинг номини аниқланг?

- а) «Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака Ҳаким Термизий»;
- б) «Ал-жомеъ»;
- в) «Ат тавсир»;
- г) «Китоб ас сунатил ҳадис».

3. Ҳаким Термизий ҳаётининг учинчи босқичини нима билан боғлиқ?

- а) Қуръонни каримни ёд олиш;
- б) ирфон билан шуғулланган;
- в) илм ал-осор (ҳадис) билан шуғуланган
- г) илм ар-рай (ҳанафий мазҳаби фикҳи) каби илмларни чуқур эгаллаган;

4. Ҳаким Термизийга қандай иғво тухматлар қилинган?

- а) суфийликни ошкора баёнот қилган;
- б) Аллоҳга мухаббат ҳақида гапирган;
- в) ўзини пайғамбар даражасига чиқарган;
- г) а), б), в) жавоблар тўғри;



Имом Термизий (824-894)

Хужжати қувватли ҳофиз муҳаддис – Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳож ас-Сулмий ал-Буғий Термизийнинг Жайхун дарёси ёқасидаги ҳозирги Термиз шаҳридан тақрибан етти фарсах узоқликда жойлашган Буғ қишлоғида 209 ҳижрий санада (824 м.) таваллуд топадилар.

Аввал бошлаб, Термизга улуғ саҳобий Ал-Ҳакам ибн Амр ал-Ғифорий томонидан фатҳи ислом 46 ҳижрий санада (655 м.) кириб келган. Сўнгра яна Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Ҳозим тарафидан 70 ҳижрий санада (689 м.) шу шаҳар қайтадан фатҳ қилинган.

Имом Термизийнинг кунялари Абу Исо, исмлари Муҳаммад, отасининг оти Исо, бобосининг исми Савра, ватанининг нисбати қадимдан араблар Помир тоғидан бошланиб Орол денгизига қуйилувчи, узунлиги 1550 мил (2495 км) бўлган Жайхун – Амударё орқаси – нариги томони, деб атаб келаётган Мовароуннаҳрдаги қадимги Термиз шаҳри номи билан боғлиқдир.

Бобоси Савра асли Марузий Туркменистоннинг Мари, эскича Марв шаҳридан бўлиб, Лайс ибн Сайёр даврида Термизга кўчиб келган ва набираси Абу Исо Муҳаммад шу ерда туғилганлар.

Аксар исломий уламолар зикр қилинган тарихий манбаларда, асосий урғу у зотларнинг амалга оширган фаолиятига берилиб, баъзи ёки номаълум сабабларга кўра оналари ва аҳли оиласининг исмлари ҳамда улар ҳақидаги маълумот жуда кам келиб ёки умуман айтилмаган ҳам бўлади. Шу боис, Имом Термизий волидаси ва аҳли оиласи – болалари борасида ҳам бизда хабар мавжуд эмас. (Аллоҳ Абу Исо Термизий қатори аҳли оилаларини ҳам раҳматига олган бўлсин!).

Аббосийларнинг ВИИ халифаси – ал-Маъмун (халифалик даври 813-833 м.) бағдодда Араб халифалигидаги ҳукмронлиги замонида имом Термизий дунёга келиб, ўн олтинчи халифа – ал-Муътазид биллаҳ (х.д. 892-902 м.) ҳукмронлиги даврида вафот этган. Абу Исо Муҳаммад

Термизий келтирган хужжати ишончли ҳадис имомларининг буюкларидан эдилар. Дастлабки таълим олиш ва ўқишни ёшлик пайтида ўз шаҳри ва минтақасида бошлаганлар. У зотга болалик чоғлариданоқ талаби илм ва ҳадис ривоятлари жуда ҳам маҳбуб саналган экан. Изоҳ: Бу ҳолатни худди устозу-д-дунё Имом Бухорийга ёшлигиданоқ илоҳий иноят кўз тикиб, соҳиби каромат оналарининг дуолари сабаб, гўдаклик чоғларида кўрмай қолган кўзлари яна қайтадан кўрадиган бўлиб, саккиз ёки тўққиз ёшларида ҳадис ёдлашга Аллоҳ томонидан илҳомланиб, ҳадис ривояти ва уни тезда ёд олиш маҳбуб саналиб қолганига ўхшатсак, тўғри бўлар, иншааллоҳ!

Имом Термизий муборак ҳаётларини ҳадиснинг олтин даври деб ном олган пурҳикмат замонда илмга амал қилиш билан уни тўлғазиб яшадилар. Яъни, илм ҳам, амал ҳам лиммо-лим тўла ҳаётда умргузаронлик қилдилар. Илм таҳсили йўлида ҳар қандай қимматбаҳо нарсаларни аямасдан сарфлаб, сўнгра унинг маҳсулини илм аҳли билан баҳам кўрдилар.

У зотнинг ўзлари ҳадис ва турли арабий фанлардан таҳсил олишлари, бошқаларга таълим беришлари учун бир неча маротаба талаби илм сафарларини уюштирганлар. Бунда холис ният билан йўлдаги баъзи хавф-хатарларда, гоҳида учраб қоладиган таҳликали вазиятларда Аллоҳнинг ўзигагина таваккал қилиб, ундан нажот сўраб, фақат илм талабида шаҳардан шаҳарга кўчиб юрардилар. Жумладан, Термиздан Марвга, унга Нисобурга, сўнгра Райга, у ердан Хуросонга, кейин Форис пойтахти Шерозга, ундан Ироқдаги Бағдод, Куфа ва Басра каби ҳамда Ҳижоздаги Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара сингари шаҳарларда туриб илмларини ривожлантирадилар. Ҳамда ўша даврдаги йирик илмий марказларнинг ҳадис имомларига ва улуғ устоз-шайхларига учрайдилар. У кишилардан ҳадисларни тинглаб, уларни ёзиб олиш ёки ёдлаш билан кифояланиб, ривоят қиладилар. Аммо у зот Миср билан Шом (Дамашқ)га сафар қилмаганлар.

Улуғ муҳаддис – Абу Исо Муҳаммад Термизий уламои киромлардан буюк муҳаддис Имом Бухорий, Имом Муслим Нисобурий, Имом Абу Довуд Сижистоний, Имом Насоий, Имом Доримий Самарқандий, Имом ибн Можа Қазвиний, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Бағдодий, Абдуллоҳ ибн Абул Ос ал-Хоразмий, Муҳаммад ибн Қутайба ал-Бухорий, Муҳаммад бин Наср ал-Марвазий, Саҳл ибн Шозавия ал-Бухорий, Ҳошид ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Бакр ибн Абу Довуд, Хусайн ибн Исмоил Маҳомил Бағдодий ва бошқа бир қанча кўзга кўриниб, ҳадис ривояти соҳасида танилган муҳаддис, мужтаҳид, алломалар билан замондош бўлиб, ҳадис илми дунёсида умргузаронлик қилганлар.

Имом Термизий кўпчилик шайхлар жамоасидан ҳадислар ривоят қилганлар. Жумладан: Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғайлон, Саъид ибн Абдурахмон, Али ибн Ҳажар, Аҳмад ибн Муниъ, Муҳаммад ибн Мусанно ва Суфён ибн Вакиъ бўлиб, устозларининг энг машҳури Имом Бухорий эдилар. Абу Исо Термизий бу зотдан, асосан, фикҳий-шаръий қонунчиликка оид ҳадисларни олар эдилар, яна Имом Муслим ва Абу Довудлар ҳам Термизийнинг шайхларидан ҳисобланиб, баъзида бу

кишиларнинг устозлари саналган Қутайба ибн Саъид, Муҳаммад ибн Башшор Зиёд ибн Яҳё ал-Ҳассоний, Аббос ибн Абдулазим ал-Анбарий, Абу Саъид ал-Ашаж, Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Кандий, Абу Ҳафз Амир ибн Али ал-Фулос, Яъқуб ибн Иброҳим ад-Дурақий, Муҳаммад ибн Маъмар ал-Қайсий ал-Бахроний, Насир ибн Али ал-Жаҳзамий ҳамда бошқа шу табақадаги зотлардан ҳам ҳадис эшитиб ривоят қиладилар. Устозимизнинг айтишларича: Имом Термизий раҳматуллоҳи алайҳи рихлат қилган шаҳарлардаги шайхларнинг раъйи ва воситаси орқали ҳам фойдаланган эканлар.

Абу Исо Термизийдан кўпчилик аҳли илмлар ҳадис ривоят қилишган. Уларнинг аксарияти эса, Термизий яшаган диёрлардан бўлишган. Талабаларидан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Маҳбубий фақат “Ал-Жомиъ” китобларидан ривоят қилган ва шунингдек, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Муҳаммад ибн Мунзир ибн Шукур, Макхул ибн Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳаммод ибн Шоқир, Абди ибн Муҳаммад ан-Насафийюн, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафий ва бошқа кўпчилик муҳаддислар Имом Абу Исодан ҳадисларни тинглашиб, ривоятлар қилишган. Шунингдек, яна икки ҳадис ҳақида зикр қилинадик, уни Имом Бухорий Термизийдан эшитган эканлар. Мана шунинг ўзи ҳам Абу Исога фахр жиҳатидан етарлидир.

Абу Исо Термизий раҳматуллоҳи алайҳ ўзларидан кейин ҳадис ва бошқа фанлар борасида ҳам ажойиб таълифотлар тузиб қолдирганлар. Бу эса, у зотнинг билими кўплигига ва илмий ишларининг юқори чўққида эканига далолат қилади. Жумладан, “Ал-Жомиъ” ёки “Сунани Термизий”, “Китоб ал-само ва-л-куна”, “Аш-Шамойл”, “Ат-Тарих”, “Ал-Илал ас-Сағир”, “Ал-Илал ал-Кабир”, “Саҳобийларнинг номлари”, “Вақф қилинган асарлар” китоби, “Катта тафсир” ва “Китоб аз-зуҳд”лардир.

“Таълифотлар ва илмлар соҳасидаги гумонларни очмоқ” китобининг соҳиби, истанбуллик Ҳожи Халифа (1608-1657 милодий) айтганидек: “Ҳадис йўналишидаги таснифотларидан энг машҳури “Ал-Жомиъ” бўлиб, у “Сунани Термизий” деб ҳам аталади ва яна бу мўътабар “Олти Саҳих” китобларининг “Саҳиху-л-Бухорий” ҳамда “Саҳиху Муслим”дан кейингилари ҳисобланади”.

Ушбу асар “Олти Саҳих” ичида ҳам чиройли тартибда ёзилганлиги, ҳадис илми ва истилоҳлари юзасидан амалий татбиқ учун фойдаси кўплиги ҳамда такрорланадиган ҳадислари камлиги билан шуҳрат топгандир.

Дарҳақиқат, бу манба “Ал-Жомиъ” номи ила дунёга танилганидек, унда ҳадис турлари ва саҳобаи киромлар ҳамда кейинги муҳаддисларнинг мазҳаблари ҳақида баён қилиши ва ундаги фивҳга оид ҳадисларнинг шарофатидан “Сунани Термизий” исми билан ҳам машҳур бўлиб кетгандир. Абу Абдуллоҳ Ҳоким ва ал-Хатиб ал-Бағдодий каби зотлар эса имом Термизийга илтифот кўрсатишиб, бу таснифотни “Ал-Жомиъ ас-саҳих” деб ҳам номладилар.

Имом Абу Исо Термизий “Ал-Жомиъ” китобини фикҳий ва бошқа боблар асосида ёзиб, унда ҳадис турларидан саҳих, хасан, заъиф, ғариб ва

иллатланганларини ҳам келтирган – китобга киритиб ёзганлар. Унда худди саҳобаи киромлар, тобеинлар ва шаҳарлардаги фақиҳ уламоларнинг мазҳабларини баён қилиб бергани сингари, келтирилган ҳадиснинг заифлиги ҳамда иллатлангани борасида ҳам ҳар бирини ўз ўрнида батафсил изоҳлаб ўтганлар.

Шунингдек, “мункар” – инкор қилинган ҳадис ва унинг ривоятчисини ҳам зикр қилиб, ундаги инкор этилганлик сабабларини ҳам шарҳлаб кетганлар. Ёлғончилик билан билиттифоқ, муттаҳам саналган ривоятчиларнинг ҳадисларини ҳам олмаганлар.

У зот амалга оширган моҳирона ишларида китобини кучсизлантирувчи салбий нарсалар йўқдир.

Ҳадиснинг тушунтириш йўллари, биргина ҳадисни зикр қилиб, шунинг ўзи биланоқ қолганларига ҳам кифоя бўладиган ишоралар қилган ҳолда қисқартирганлар.

Баъзи олимлар, жумладан, уни мутолаа қиладиган аҳли илмлар, Имом Термизий “Ал-Жомий”сини бошқа ҳадис китобларига нисбатан тушунарлироқ ва кўп жиҳатдан осонроқ қилиб ёзганликларини тасдиқлайдилар. Бу ва шу каби усулларини қўллашлари ҳадис дунёсида оламшумул маҳорат ҳисобланади.

Таснифотининг охирида ҳадис иллатлари учун муҳим фойдалар жамланган алоҳида китоб ҳам қилганлар. Шу боис ҳам, бобокалонимизнинг бу китоби асрлар оша ўз бобида ягона бўлиб келгандир. Бунда фикҳий ҳамда бошқасида топилмайдиган янгиликлардан иборат фойдалар мавжуддир.

Хулосамиз шуки, Имом Термизий розияллоху анҳу фикҳга оид ҳадисларни тўпладилар. У зот ҳадисни, унинг рижолларини танигани ва ҳадис ривоятидаги иллатларини ҳамда унинг илмларини пухта билганлари боис, буларнинг ҳаммаси “Сунани Термизий”да очиқ баён этилгандир.

Абу Исо Термизий айтадилар: “Бу китобни ёзиб, Ироқ ва Хуросон уламоларига тутқаздим. У зотлар рози бўлишиб, таснифотларимни маъқуллашиб, айтишдики: “Кимнинг уйида шу китоб бўлса, (яъни, уни олиб, тоқчага қўйиб қўймасдан, балки ўқиб, ундаги мазмунларни уқса) гўёки ана шу мўъмин (ҳар куни) Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи ва саллам билан гаплашаётгандек бўлади”.

Эътироф этилганидек, Имом Термизийнинг “Ал-Жомий”си амалий татбиқ учун яхши мисол экан. Мазкур татбиқни у зотнинг замондошлари ва кейинги муҳаддиси киромлар саҳиҳ ҳасан, заиф ва ҳадисдаги иллатларни кашф этишда амалда жорий қилар эдилар. Гоҳида эса ҳадислардан шаръий ҳукмларни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш, матруқлар орасидан ишончлиларини ажратиб олиш ва бошқа масалаларда ҳам бу услубларни қоим қилишар эди. Ушбу “Сунан” кўпдан-кўп фойдаси тегадиган нарсаларни ўзида жамлагандир. Баъзан бошқа китобларда унинг ўхшашини тополмаймиз. У манбалар фақат саҳиҳни олиб, кейингилар учун тегадиган бошқа фойдаларни тарк этишган. Термизий эса бундай йўлни тутмаганлар. Чунки у зотнинг китоблари таснифда мустақил мисол

бўлган. У кишининг китобига ва ундаги зикр қилинган томонларига ҳам хали унинг ўхшаши ўтмаган.

Дарҳақиқат, бизга бу “Ал-Жомиъ” китоби ровийлар ва ривоят қилинган ҳадисларнинг ҳукмлари борасида муҳаддисларнинг истилоҳларининг кўпини сақлаб етказди ва яна бу бизга ўз асридан олдинги ҳадис имлари қоидаларидан ҳам бир қисмини сўзлаб беради. Ҳамда бу мусталаҳлар ҳадис истилоҳлари илмининг ривожланишидаги қадамига бўлган ишонччи янада оширади ва бу ўз ўрнида жаҳон ҳадис ривояти фанига ҳисса қўшган бўлади.

Абу Исо Термизий баъзи мусталаҳларни тўпладики, шунинг учун бундай гаплари – истилоҳлари бошқа ҳадис китобларда учрамайди. Масалан: Бу ҳадис “ҳасан саҳиҳ”дир, ёки бу “саҳиҳ ғариб”дир деб, ривоят қилган ҳадисларининг охирига қўйиб кетганлар. Булар ўз йўналишида янгилик-кашфиёт ҳисобланади.

Имом Термизий китобларини саҳиҳ ва гўзал услубда тасниф этувчи ҳамда ёд олган ҳадисларини зеҳнлари билан қалбларида мустаҳкам сақлашлик ила машҳур бўлган буюк ҳофиз-муҳаддис эдилар. Сафдошлари у зотнинг ёдда сақлашликлари ва аниқликларига гувоҳ бўлишган.

Абу Саъд ал-Идрисий: “Абу Исо Термизийнинг (ўқиганларини) ёдда сақлашлари зарбулмасал қилинган”, - деб айтдилар. Ва яна ўз иснодини Термизийга бериб шундоқ дейди: “Абу Исо, мен Маккаи мукарраманинг йўлида бир шайхнинг ҳадисларидан икки бўлагини ёзиб олгандим. Ногоҳ олдимиздан ана шу шайх ўтиб қолди, мен эса унинг ҳақида сўраб-суриштирдим, ёнимдагилар у фалончи-ку дейишди.сўнг (кечроқ) унинг ортидан бордим. Ўйлабманки, ундан ёзиб олган ҳалиги икки бўлак оқ қоғоз ўзимда деб, ҳақиқатда эса шунга ўхшаш бошқасини олиб юрган эканман. У шайхни кўргач, сиздан яна ҳадис эшитсам майлими деганимда, у киши: “Бўпти”, - деб, ижозат қилди-да, ўзидаги ҳадисларини ёддан ўқий бошлади. Сўнгра, кўз қири билан назар ташлаб қолди-да, у : “Нега мендан хижолат бўляпсан?”, - деб сўради. Мен: “Икки бўлак қоғоз қиссасини айтиб бердим-да, унга: “Улардаги ҳадисларнинг ҳаммасини ёддан айтаман”, - дедим. У эса: “Ўқичи”, - деди. Мен уларни бирин-кетин ёддан айтиб бердим. Сўнг у: “Менга келмасингдан олдин уларни бошқача кўрсатганмисан?”, - деб сўради. Мен: “Йўқ”, - деб жавоб бердим. Кейин мен унга: “Бошқа ҳадислардан ҳам айтинг”, - деганимда, у менга ҳадисларининг ғарибларидан қирқтасини ўқиб берди-да, сўнг менга қараб: “Шуларни қайтариб айтиб бер-чи”, - деди. Мен эса уларни бошидан охиригача (ўзи айтганидек) такрор ўқиб берганимда, у: “Сенга ўхшашини кўрганман”, * деб, ҳурматини изҳор этди.

Замонасининг йирик уламолари бу кишининг буюклигига ва илм аҳлининг пешқадами эканликларига иттифоқ қилишган. Ибни Ҳиббон “Ас-Сикот” – “Ишончли муҳаддислар” китобида: “Абу Исо Муҳаммад ҳадисларни тўплаб, уларни чиройли ҳолатда тартибга солиб ёзган, барчасини ёд олган, музокара ва муҳокама қилган ҳамда унутганларга эслатган алломалардан эди”, - деб айтиб ўтган. Абу Яъло ал-Ҳалилий эса:

“Абу Исо Термизийнинг келтирган ривоятга таянса бўладиган муҳаддислигига уламолар иттифоқ бўлишган”, - деб таъкидлайди.

Ҳаммадан ҳам у зотнинг ишончли ҳамда олий мартабада эканлигига ҳадис ва муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий розияллоҳу анхунинг Имом Термизийга қарат айтган камтарона, ҳикматли сўзлари кифоя қилади: “Сиз мендан олган фойдадан кўра мен сиздан топган манфаатим кўпроқдир”.

У зот такво ва зоҳидликда улуғ мақомда эдилар. Охиратни эслаб ёки бирор-бир изтиробли ҳолатда йиғласалар, кўзлари оқариб кетгунга шу жараён давом этар экан. Кўп йиғлайверганликларидан, айниқса, кадрдон устози – имом Бухорийнинг бошларига тушган кўргуликлардан таъсирланиб, янада бардавом йиғлайверганларидан муборак умрларининг охирги йилларида икки кўзлари ҳам кўр бўлиб қолган экан.

“Ал-Мустадрок” китобининг соҳиби Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳоким ан-Насорубий (вафот 405 ҳижрий): “Имом Бухорий вафот қилдилар-у, ўзидан кейин Хуросон ва Мовароуннаҳрда илмда, ҳифзда, пархезкорликда ва зоҳидликда Абу Исога ўхшаганини қолдирмадилар”, - деб таъкидлайди.

Буюк аллома Муҳаммад Закариё айтадилар: “Менинг фикримча, ҳадис китобларини, жумладан: “Олти Саҳиҳ”дан, таҳсил олиш дастурини тартибли тузишда, дастлаб, Имом Термизийнинг “Ал-Жомий” китобини таълим беришдан бошлаш энг тўғри йўлни танлашдир”, - деб айтадилар. Чунки толиби ҳадис биринчи ўринда муҳаддисларнинг мазҳабларини ривоятларидаги услубларини таҳқиқ қилиб, ҳадис турларини билишга муҳтож бўлади. Ушбу “Ал-Жомий” эса толиби илмнинг ана шу муддаоси амалга оширади.

Иккинчи навбатда, талаба ҳадиснинг далилларига қизиқади. Бу истагига Имом Абу Довуд Сижистонийнинг “Сунани Абу Довуд” китоби тўлиқ жавоб бериши мумкин. Сабаби, бу “Сунан”да тўрт фикҳий мазҳаб имомларининг Қуръони каримдан ташқари, фақат ҳадиси шарифлардан, ўз ижтиҳодлари билан чиқариб олган далилларининг деярли барчаси жамланган. Яъни, иккинчи навбатда шу ҳадис китоби ўқилгани дурустрокдир.

Учинчи галда эса “Туруку-л-истинбот”ни, яъни ҳадиси шарифлардан шаърий ҳукмларни ишлаб чиқиш йўл-йўриқларини, ўқувчи ўргангиси ва улар билан танишгиси келади. Албатта, бу талабанинг иқтидорига ҳам боғлиқдир. Чунки мазкур дарслар даражама-даража мураккаблашиб бораверади. Бу талабга устозу-д-дунё Имом Бухорийнинг “Саҳиҳу-л-Бухорий” китоби мукамал жавоб бергувчидир. Яъни, учинчи галда ушбу саҳиҳдан дарс олиш энг мувофиқ ишдир.

Имом Термизий Ислом дунёсига тоабат манфаати кўп тегадиган “Ал-Жомий” ва яна бир неча бебаҳо китобларни мерос қолдириб, 279 ҳижрий (894 милодий) санаси, ражаб ойининг 13-кечаси, 70 ёшларида, ўзи туғилган Буғ кишлоғида вафот этдилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, Имом Ҳоким Нисобурийнинг айтишларича: “У зот кўп йиғлаганиданми

ёки бошқа сабабдан муборак умрларининг охирги йиллари кўзлари кўр бўлиб қолган ҳолларида Мавлоси – Роббиси ҳузурига рихлат қилган эканлар”.

Аллоҳ У зотни раҳматига олган бўлсин! Жаннатдаги жойлари набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ҳамда солих бандалар қаторида бўлсин! Омин! Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг шахсига ва у зотнинг беқиёс маънавий меросига Республикамизда эътибор давлат даражасига кўтарилган. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги у зот охир кўним топган жойлари обод қилинган.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов: “Яна бир улуғ ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, “Сунани Термизий” асари ҳам мусулмон оламида (Имом Бухорийнинг “Ал-Жомийъ ас-Саҳих” китобидек) юксак қадрланади. Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир”, - деб таъкидлашларидан шу нарса аён бўлмоқдаки, бобокалонимиз, Аллоҳ таоло у зотга ато қилган муборак умрларидан бирор лаҳзасини ҳам беҳуда ўтказмаганликларини ақлан илғаб олсак бўлур экан.

Юртимиздаги ёшлар ҳам шу буюк аждодларимиздан ибрат олиб ҳаётларининг бирор дақиқасини ҳам бесамар кетказмасалар, аввало Аллоҳ рози бўлиб, сўнг Имом Термизий руҳлари шодланур. Қолаверса, жамиятимизга ҳам манфаатли ва аҳамиятли бўлурлар.

Имом Термизий (р.а.) ривоят қилган ҳадиси шарифлардан намуналар

Расулуллоҳ (с.а.в.): “Киши ўз кўли билан меҳнат қилиб топганидан ҳам кўра яхшироқ таом емаган. Албатта, Аллоҳнинг пайғамбари Довуд (а.с.) ўз кўл меҳнатларидан тирикчилик қилар эди”, - деб марҳамат қиладилар.

* * *

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадилар: “Албатта, кишининг фарзандига одоб ўргатмоғи бир ўлчам нарсани садақа қилмоғидан кўра яхшироқдир”

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.): “Кимки одамларга ташаккур айтмаса, Аллоҳга ҳам шукр қилмас”, - деб марҳамат қиладилар.

* * *

Набий (с.а.в.): “Кўп намоз ўқиш меҳр кўрсатиш ва тежамкорлик пайғамбарликнинг йигирма тўрт бўлагидан биридир”, - деб марҳамат қилганлар.

* * *

Ибн Аббо (р.а.) ривоят қиладилар: Дарҳақиқат, Набий (с.а.в.): “Сурматош билан кўзга сурма қўйинглар, чунки у кўзни равшан қилади ва сочни ўстиради”, - деб марҳамат қилганлар.

Фикҳий масалаларга оид ҳадиси шарифлар

Саҳобалардан Али ибн Абутолиб (р.а.) ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Албатта, Аллоҳ таоло эмиқдошларнинг (никоҳланишини), худди туғишганларнинг (бир-бирига никоҳларини) ҳаром қилганидек тақиқлаган”, - дедилар.

* * *

Умми Салама (р.а.) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): “Эмиқдошлик фақат аёл кўкрагидан сут кириб, гўдак ичакларини очадиган даврда, яъни болани кўкракдан чиқазиш пайтидан олдин бўлсагина (бир-бирига никоҳланиши) ҳаром қилади”, - дедилар.

Изоҳ: яъни сут болани эмизиб боқиладиган давридагина унинг аъзои баданига сингади.

Абу Исо Термизий: “Бу ҳадис ҳасан саҳиҳ мантларига кўра ҳасан, иснодига кўра саҳиҳдир”, дейдилар.

* * *

Расулуллоҳнинг саҳобалари ва бошқа аҳли илмларнинг кўпчилиги шу ҳадисга амал қилишни бундоқ изоҳлайдилар. “Албатта, разоат-эмиқдошлик фақат икки йилгача бўлган муддатда (мазкур никоҳланишни) ҳаром қилади. Лекин икки йил тўлганидан кейинги даврдаги эмизиш ҳеч нарсани ҳаром қилмайди - тақиқламайди”, - дейдилар.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Имом Термизий ижод қилган соҳалари?
2. Термизий таваллуд топган сана ҳақидаги қандай ривоятлар мавжуд?
3. Имом Термизийнингжаҳон фани ривожигаги ўрни?
4. Мустақилликдан сўнг Имом Термизий меъросининг тикланиши?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Имом Термизий қайси халифа даврида дунёга келган


- а) ал-Маъмун халифалигида;
- б) ал-Муътазид халифалиги даврида;
- в) Аббосийлар даврида;
- г) Абдуллоҳ ибн Ҳозим даврида;

2. Ҳадис йўналишидаги асарларидан энг машхури

- а) «Ал-Жомий»;
- б) «Сунани Термизий»;
- в) Китоб ал-само ва-л-куна»;
- г) «Аш-Шамоил».

3. “Албатта, кишининг фарзандига одоб ўргатмоғи бир ўлчам нарсани садақа қилмоғидан кўра яхшироқдир” ҳадиси кимга тегишли

- а) Имом Термизийга;
- б) Ҳаким Термизийга;
- в) Имом Бухорийга;
- г) Имом Мотрудийга



Имом Мотуридий (870-944)

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий Мотуридий ас-Самарқандий. Имом Абу Мансур Мотуридий ҳақида ёзган тарихчилар унинг табаррук номини хилма-хил юксак ва шарафли лақаблар билан беаб зикр қилганлар. Таниқли муаррих ал-Кафавий ва бошқа қатор муаллифлар ёзишларича, имом Мотуридий ўз замонасидаёқ “Имом ал-худо” (“Рушди ҳидоятга бошловчи имом”), “Қудват аҳл ас-сунна ва-л-ихтидо” (“Суннат ва ҳидоят аҳлига ибрат зот”), “Рофиъ аълом ал ас-сунна ва-л-жамоа” (“Аҳли сунна ва жамоанинг байроғини баланд кўтарувчи”), “Қолиъ азолийўл ал-фитна ва-л-бидъат” (“Хурофот ва бидъатга ботган уйдирмаларни илдизи билан кўпорувчи”), “Имом ал-мутакаллимийн” (“Барча мутакаллимларнинг имоми”), “Мусахҳаиҳ ақоид ал-муслимийн” (“Барча мусулмонлар ақидаларининг тузатгувчиси”), аш-Шайх ал-Имом каби юксак лақабларга сазовор бўлган сифатида тан олинган. Имом, фикҳ олими, камол илмининг мотуридийлик оқими асосчиси.

870 (ҳижрий 256) йилда буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони имом ал-Бухорий ҳазратлари вафот топган йили азим Самарқанднинг Мотурид деган маҳалласида илоҳиёт илмининг ёрқин юлдузларидан бири имом Абу Мансур Мотуридий дунёга келади. Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий мероси, айниқса ёшлик йиллари ҳақидаги муфассал бўлмаган мухтасар маълумотлар, асосан, ўрта аср муаллифлари ал-Хатиб ал-Бағдодий, Абдукарим Саъд ас-Самъний, Абу-л-Фидо Зайниддин Қосим ибн Қутлуғуба, Муҳитдин ал-Қураший, ал-Кафавий, Абу-л-Муъин ан-Насафий, Тошкўпризода (Ҳожи Халифа)нинг асарларида келтирилган.

У дастлабки маълумотни ўз отаси Муҳаммад ибн Маҳмуддан, сўнгра ўша даврда бошланғич мактаб ҳажмида билим берувчи Қуттобда олади. Ундан кейин Самарқанддаги Работи ғозийён масжиди қошидаги мадрасада таълим олганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Алломанинг беназир салоҳиятини эътироф этган буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ўзининг “Насойиму-л-муҳаббат” номли

машҳур асарида: “Шайх Абу Мансур Мотуридий ўз замонининг аълам уламози эрмиш. Ул вақт уламози аларни “Султону-л-муиззин” дер эрмишлар”, - деб лутф қилган эканлар.

Бу ўринда таниқли тарихчи ат-Тамимийнинг ул зоти шариф ҳақида ёзилганларига ҳам эътибор қилинг: “Имом Мотуридий ўз замонасининг энг буюк алломаларидан бири сифатида тан олиниб, барча унинг илми ва маърифатига таҳсин айтиб, унинг таълимоти зиёсини кўзларига тўтиё сифатида суртганлар. Шу боис Имом Мотуридий нафақат унга хайрихоҳ кишилар, балки рақиблари наздида ҳам “Имом аҳл ас-сунна ва-л жамоа”, “Имом ал-худо” (“Рушди хидоятга бошловчи имом”) деган энг олий унвонга сазовор бўлиб, калом илмида ўзига хос бир мўъжиза сифатида доврўғи тилларда дoston бўлган”.

944 (ҳижрий 333) йилда вафот этиб, Самарқанднинг машҳур Чокардиза қабристониди дафн этилгани аниқ кўрсатилган.

Имом Мотуридийнинг илоҳиёт илмларида ўз даврининг етук алломаси бўлиб етишишида устозларининг ҳиссалари катта бўлган. Унинг устозлари жумласидан ўз даврининг таниқли олимларидан Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ибн ал Ҳусайн ал-Иёдий, Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Нусайр ибн Яҳё ал-Балхий, Муҳаммад ибн Муқотил ар-розий (у Рай шаҳрининг қозиғи бўлган).

Абу Бақо ал-Жузжоний Самарқанддаги ҳанафий мактабининг ривожига катта ҳисса қўшган олим бўлган. Агар Насафийга ишонсак, у бу мактабга асос ҳам солган. Унинг маълумотларига кўра, Абу Бақо аввал Самарқанддан анча узокда, Абу Сулаймон ал-Жузжонийдан таҳсил олган, сўннг олган билимларини ёйиш мақсадида Мовароуннаҳр марказига келган. Бошқа томондан масалага бундай қараш, яъни Самарқанд илоҳиёт мактаби Абу Бақонинг бу ерга келиши билан боғлиқ ҳолда IX асрнинг ўрталарида вужудга келган, деб таҳмин қилиш Жузжоний обрўсини ўта ошириб бориш демақдир. Ахир ҳанафийларнинг шаҳарда бундан анча аввал пайдо бўлгани бизга маълум-ку. Абу Муқотил ас-Самарқандий ўзининг “Китоб ал-олим”ини, таҳмин қилинишича, шу шаҳарда яратган, карромийларнинг муҳолифи бўлган Абу Бақо ас-Самарқандий эса айнан шу ерда ҳуқуқшунос ва ҳақиқий дин ҳимоячиси бўлиб етишган эди. Шунинг учун таълимотнинг энг бошида Жузжоний турган деб бўлмайди. Бироқ, эҳтимол, унинг даврида овозаларнинг тарқоқ иплари бир-бири билан чирмашиб кетиб, мустақил анъана юзага келдики, у кейинчалик қўллаб-қувватланди ва ривожлантирилди, деган фикрдан келиб чиқиш мумкин бўлар.

Абу Бақо ҳаётининг аниқ саналарини юқорида айтиб ўтганимиздек, кўлимизда мавжуд маълумотлар асосида аниқлай олмаймиз. Эҳтимол, унинг ҳаёти тўлиқ IX асрга тўғри келгандир, аммо манбаларда бунга аниқ далил йўқ. Лекин уларнинг ҳаммаси Абу Бақонинг қомусий олим бўлганини таъкидлайди. У фаннинг турли соҳаларини билган, фикҳ усулларида ҳам, унинг тармоқларида ҳам бирдек чуқур билимга эга бўлган. Бу эса унинг ҳуқуқшунос сифатидаги нуфузини белгиланган ва

таассуфки, бизгача етиб келмаган кўп сонли асарларида ўз аксини топган. Бизга улардан иккитасининг номи маълум. Биринчиси, “Китоб ал-фарқ ва т-тамйиз” (“Фарқ ва ўлчов китоби”), бирон-бир аниқ фан соҳасига тааллуқли эмас. Бу ном остида, эхтимол, ҳуқуқшуносликка оид рисола яширингандир.

Жузжонийнинг иккинчи рисоласи “Китоб ат-тавба” кўпроқ шуҳрат қозонган. У ҳақда бизга Ҳожи Халифа маълумот беради, бироқ, унинг мазмунига тавсиф бермайди. Номидан қиёс қилсак, бу панд-насихат мазмунидаги рисола бўлган. У, шунингдек, бир асрдан сўнг Абу Лайс ас-Самарқандий тақдим этган машҳур “Китоб танбиҳу-л-ғофилийн”ни эслатади. Бундай қиёслар кўпроқ мавҳум мушоҳадалар меваси, холос. Биз фақат шуни таъкидлашимиз мумкинки, асарда гап калом ҳақида бормайди. Демак, Абу Бақо ас-Самарқандийни мутакаллим деб аташ мумкин бўлмас. Ундан Мотуридий назарий илоҳиётдан кўра ҳанафий ҳуқуқшунослигини ҳамда ҳанафий тақвоси эътиқоди деб аталувчи таълимотни ўрганиши мумкин эди. Мотуридийнинг иккинчи устози Абу Наср ал-Иёдийга келсак, у бизни каломга анча яқинлаштиради. Гарчи у ҳам Абу Бақо ал-Жузжонийнинг шогирди бўлса-да, лекин илоҳиётчи олим сифатида ўз мустақил йўналишига эга бўлган кўринади. Бироқ унинг мутакаллим сифатидаги ютуқлари ислом анъанасини унча қизиқтирмаган. Унинг шаҳид бўлиш тафсилоти шарофат топишига кўпроқ сабаб бўлган. Айтиб ўтганимиздек, у Наср ибн Аҳмад Сомоний кўшини билан туркларга қарши урушга кетган. У ерда Иёдий асир тушган ва шаҳид бўлган. Бу уни дин йўлидаги абадий қаҳрамонга айлантирган. Шу боис олимнинг хотираси ҳамиша эъзозланган. Унга ниҳоятда жасур ва иродаси букилмас шахс сифатида таъриф берганлар, уни нафақат жангчи, балки олим сифатида мадҳ этганлар. Биографлар Иёдийдан қанча узоқроқ вақт ажратса, олимнинг намунавий шаҳидлигининг тафсилотлари уларга шунча аниқроқ маълум бўлиб борган. Ниҳоят, улардан бирининг хабар беришича, олимнинг ўлими Исфижоб шаҳри яқинида содир бўлган. Навбатдаги биограф ҳатто олим умрининг сўнгги соатларида нималар содир бўлганигача билган ва бизга Иёдийнинг ўлими олдидан айтган васиятларини ҳам маълум қилган.

Иёдийнинг олимлигини мадҳ этувчи гаплар ҳам худди шундай кўтаринки руҳ касб этган. Бу тўғрида биз асрдан-асрга ўтиб юрган кўплаб андозаларга дуч келишимиз мумкин. Масалан, олимнинг илмига келсак, бу соҳада у тубсиз денгиз мисол бўлган ва йигирма ёшлигидаёқ ўзининг барча тенгдошларидан ўзиб кетган. Бундан ташқари, у нафақат ақлу заковати, балки диний мажбуриятларга нисбатан қатъий сабр-тоқати ва диққат-эътибори билан ҳам ажралиб турган. Ҳаким ас-Самарқандий маълумотига кўра, Иёдий Қуръон оятларини онгли равишда сохталаштириб, халқни йўлдан оздирмоқчи бўлган ҳар қандай ашаддий бидъатчи ва қизиққон баҳслашувчини бир неча сўз билан жим бўлишга мажбур эта олган.

Дарҳақиқат, Иёдий ўз муҳитига катта таъсиир ўтказган нуфузли олим бўлган кўринади. Манбаларда айтилишича, у ўзидан сўнг 40 шогирд қолдирган экан. Бу сон, адолат юзасидан айтадиган бўлсак, ўта аниқ ва тўлиқ. Бироқ шуниси ҳам аниқки, уларнинг сони ҳақиқатда ҳам кўп бўлган, биз шулардан камида тўрттасининг исмларини аниқ айтишимиз мумкин: Мотуридий билан бир қаторда, бу аввало, Ҳаким ас-Самарқандий ва шунингдек, устозининг икки ўғли Абу Аҳмад Наср ал-Иёдий ва Абу Бақо Муҳаммад ал-Иёдийлар бўлиб, кейинчалик, улар ҳам таниқли олим бўлиб етишганлар.

Абу Наср ал-Иёдийнинг илоҳиётдаги йўналишига келсак, бу ерда учта муҳим нуқтани батафсилроқ кўриб чиқишга тўғри келади. Биринчидан, у анъанавийчилар доирасига ва динни анъанавийчиларга тушуниш борасида ўзини анча сипо тутар эди, деб тахмин қилиш мумкин. Хабарларга кўра, у ўзидан биронта нақл ёки биронта ҳадис қолдирмаган. Бундан ташқари, бошқа бир манбадаги маълумотларга кўра, у Муҳаммад аш-Шофиъийга салбий баҳо беради. Бироқ шарқий Эрондаги анъанавийчилар фикр усулларининг олим томонидан берилган талқинини илғор ғоя сифатида қабул қилганлар ва ёқлаганларки, бундан Иёдий ҳақиқатни фақат парҳезкор хикматлардан излаган олимлар ҳақида унча яхши фикрда бўлмаган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Шунга қарамай, у илк жамоага муносиб ҳурмат изҳор этмаган, деб бўлмайди, албатта. Аксинча, иккинчи муҳим нуқта сифатида шуни таъкидлаймизки, Иёдий пайғамбар саҳобаларини ғоят қадрлаган ва турли туҳматлардан ҳимоя қилган. Ақлодлари ундан “Ас-Сайф ал-маслул ала ман сабба асҳоб ар-расул” номли китоб учун миннатдор бўлмоқлари лозим. Зеро, бу рисола Ҳожи Халифага ҳам маълум эди. Уни бундай асар яратишга даъват этган сабаб, эҳтимол, у ўзини Мадинадан чиққан пайғамбарнинг авлоди деб ҳисоблаганидандир. Умуман, бунинг учун алоҳида сабабнинг ўзи ҳам шарт эмас. Ҳанафийлар Муҳаммаднинг илк жамоаси аъзоларининг беистисно ҳаммалрига ҳурмат бажо келтиришга катта аҳамият берганлар. Демак, Усмон ва Алига ҳам чексиз ҳурмат кўрсатиш лозим бўлган. Шундай қилиб, Иёдий ушбу мавзуда асар яратган дастлабки муаллиф бўлган тақдирда ҳам, у фақат бу анъанавий мавзунини давом эттирувчилардан бўлиб қолади.

Учинчи нуқта эса шимоли-шарқий Эрондаги биз билган ханафия ўтиш мумкин эмас. Бир пайтнинг ўзида, у бизга Иёдийнинг диний йўналишини баҳолашда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Абу Наср яна бир рисола муаллифидирки, биз унинг мазмуни ҳақида муайян фикрга келишимиз мумкин. У Аллоҳ сифатларига бағишланган ҳамда муаллиф аниқ таъриф берганидек, унда муътазийларнинг диний қарашлари талқин этилган. Демак, олимнинг калом билан ҳам шуғулланган аниқ бўлиб чиқдики, бу, ўз навбатида, Мовароуннаҳр ханафийлиги учун катта эътиборга лойиқ далилдир. ВИИИ ва ИХ асрларга оид барча матнлар, ислом таълимоти масалаларини баён этган. Бироқ, улар ҳеч қачон илоҳиётга оид яхлит тадқиқот шаклига эга бўлмаган, балки ҳамиша устоз

ва шогирд ўртасидаги таълимий суҳбат ёки раддия ва иқрорнома шаклларида яратилган, яъни муаллифлар мутахассисларга эмас, балки кенг омма учун мўлжалланган адабий шакллари танлаган.

Шундай экан, Иёдийнинг Аллоҳ сифатлари ҳақидаги асари Шарқ ханафия каломининг, энг биринчи бўлмаса-да, ҳар ҳолда, илк намуналаридандир. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, у Мотуридий учун нафақат намуна вазифасини ўтаган, балки, эҳтимол, унга катта таъсир ҳам кўрсатган. У ўз диний ақидаларини фақат анъана асосига қуриш етарли эмаслигини айнан Иёдийдан ўрганган. Ундан илоҳий мунозаралар ва баҳсларда ақл билан мулоҳаза юритиш лозимлигини ўрганиши мумкин эди. Шу сабабли Мотуридий асаридауслуб жиҳатидан ўта такомиллаштирилиб, мукамал шаклланган каломи учратиш мумкин. Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил, Абулҳасан Али ибн Саййид ар-Рустуғфаний, Абу Муҳаммад Абу-л-Карим ибн Мусо ал-Паздавий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Абул-Ҳасан ал-Паздавий. Абу-л-Йирс ал-Паздавий, Абу-л-Муъин ан-Насафий, Ас-Сафар ал-Бухорий, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Ас-Сабуний ал-Бухорий, Умар ал-Ҳанафий.

Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад ал-Иёдий мансуб, иёдийлар хонадони Мотуридий билан яқин муносабатда бўлгани ҳамда унинг ўзидан кейинги авлод ҳам илоҳиёт назарияларини ишлаб чиқишда олим билан ҳамкорликда иш олиб борганидан далолат беради. Абу Аҳмад юқорида зикр этилган Абу Насрнинг катта ўғли бўлиб, аввал Мотуридий билан биргаликда ўзининг собиқ мактабдоши тарафига ўтгунга қадар ўз отаси кўлида таҳсил олган. У ҳақидаги энг сўнгги маълумотларга аҳамият берсак, у ҳам катта шуҳрат қозонган. Бу маълумотлар одатдаги мадҳиялардан иборат бўлиб, воизлик санъати қоидаларини эътиборга олмаган ҳолда, ғоятда сермазмун руҳда ёзилган. Масалан, унинг замондоши Абу ҲАфс ал-Бухорийнинг айтишига кўра, ханафия таълимоти унга Абу Аҳмад эътиқод қўйгани учунгина тўғри деб қабул қилинмоғи лозим, зеро унинг пок виждони, хоҳласак-хоҳламасак, сохта фикр билдиришга йўл қўймайди. Бизга қатор мадҳиялар муаллифи сифатида таниш бўлган Ҳаким ас-Самарқандий бу ўринда ҳам ғоят жозибали ибора топган: “Иёдийнинг ўғли мозийга из тутган барча аср ва ҳатто, яхшироқ ўйлаб кўрилса, барча кейинги давр мобайнида Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўтган олимларнинг энг буюғи бўлган”.

Эҳтирос тўла бу мадҳиялар ёнига Абу Аҳмад илоҳиётга оид асарлар битган ёки битмаганлигига гувоҳлик берувчи аниқ далиллар етишмайди, Абу Аҳмад муътазийлар билан “Ал-Масойил ал-ашр ал-Иёдия”, деб айтилгани баҳсли масала бўйича мунозара олиб борганки, у ўз мавзуига кўра, аввало, Мотуридий асарларига, шунингдек, отаси ҳақидаги маълумотларга мос келади. Абу Аҳмад айниқса, ўзидан кейин асрлар оша ҳаёт йўли ёзилаётган даврда машҳур бўлган биронта матн қолдирмаган кўринади.

Шунга қарамай, у илоҳиётчи сифатида катта ҳурмат қозонгани, шубҳасиз. Бу эса, бизни Мотуридий фаолиятига оид масаламиз учун ғоят

муҳим бўлган бир нуктага яқинлаштиради. Иёдийнинг ҳам, ўз навбатида, шогирди бўлиб, нақл қилинишича, у бир асар муаллифи бўлган. Бу муаллиф – Абу Салома Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий – унга танилмаган ва у ҳақдаги маълумотларнинг озлиги туфайли ҳаёт саналарини аниқроқ белгилашнинг ҳам имкони бўлмади. У Мотуридий шогирдининг шогирди бўлгани Х аср ўрталари ёки охирларида яшагани маълум, холос.

Унинг асари бўлмиш “Жумал усул ад-дин” ҳақида муаллифдан кўра кўпроқ маълумот мавжуд. Асар қўлёзмаси Истанбулда сақланади. Ушбу қўлёзма асосида Туркия нашри амалга оширилган. Асарга диққат билан қарасак, унинг мутолааси анча фойдали экани аён бўлади. Матн тахминан Мотуридийдан сўнг ёзилган дуолар тўпламининг қадимий ва бизгача етиб келган намунаси бўлибгина қолмай, у илоҳиётчимизнинг бутун фикрлаш тарзига ўзига хос яқинлиги билан ҳам ажралиб туради. Эндиликда, Абу Салома ҳанафий таълимотини бошқа муаллифлар, масалан, ўз замондоши Абу Лайс ас-самарқандий каби (“Китоб ас-саводал-аъзам”) эски анъаналар йўлида ифода этмайди. Барча муҳим тафсилотларда ва ҳатто айрим таърифларда у Мотуридий таълим берган фикрларга амал қилган. Шунинг учун айнан “Жумал усул ад-дин” Мотуридий анъанасининг ўзига хос энг илк ёдгорлиги деб ҳисобланмоғи керак.

Бироқ, аввал айтиб ўтганимиздек, Абу Салома буюк устознинг бевосита шогирди бўлмаган. У устознинг фикрлаш тарзи билан билвосита Абу Аҳмад ал-Иёдий орқали танишган. Шундай қилиб, бурилиш даври бошланди, деган хулосага келиш мумкин. Айнан Иёдий устоз фикрларини ўзлаштирган ва кейинчалик, уларни катта аниқлик билан келгуси авлодга етказган олим бўлиши мумкин.

Мотуридийнинг тилга олиш лозим бўлган иккинчи шогирди Абулҳасан Али ибн Саййид ар-Рустуғфаний (вафоти тахминан 961 йил) эди. Унинг нисбасидан маълум бўлишича, олим Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирида туғилган. Анча кейинги манбаларда ҳам у ҳақда маълумотлар учрайди. Бу Рустуғфанийнинг машҳур устози соясида қолиб кетмаганидан, балки мустақил қарашларга эга олим сифатида замондошлари хотирасида қолганидан далолат беради.

Рустуғфаний фикҳ, аввало, ҳуқуқ соҳасида ўз мустақил йўлини топган кўринади. Бу ўринда кенг маълум бўлган иккита масала мавжуд эдики, улар бўйича фақат унинг шахсий фикҳи келтирилар эди. Биринчиси, ҳар бир мусулмон ўзининг кундалик ҳаётида муттасил дуч келиши мумкин бўлган амалий муаммоларга тегишли эди ва қуйидагича ифода этиларди: унча катта бўлмаган сув ҳавзасининг бир томонидан кириб, иккинчи томонидан чиқилса, бу таҳорат олиш ҳисобланганими, Рустуғфаний бу саволга қандай жавоб бергани бизга маълум эмас. Бироқ у жавоб йўлини кўрсатиб бергани аниқ, чунки бир неча асрдан кейин ҳам ушбу масаланинг муҳокамасида у хашиша ёдга олинган.

Иккинчи масала кўпроқ илоҳиётга оид бўлиб, ҳатто, манбаларнинг хабар беришича, Рустуғфаний ва устози Мотуридий ўртасида зиддият

пайдо бўлишига олиб келган. У ижтиҳод, аниқроғи, мужтаҳид, агар у бирон нарсанинг асл моҳиятини аниқлашда (мантиқий) хатога йўл қўйса, ижтиҳодда ҳамма вақт хато қилган бўладими, деган мулоҳазага тегишли эди. Биз бу масалда Рустуғфанийнинг тутган мавқеидан беҳабармиз. Қоласверса, Мотуридийнинг бу масалага муносабати ҳам бизга номаълум. Бироқ шундай бўлса-да, бошқалар қаторида Абу Ҳанифага ҳам нисбат берилган эски Куллу мужтаҳид мусиб шиорининг муноразага йўл очиб бергани ва ханафийлар томонидан очик муҳокама этилгани ғоят диққатга сазовор ҳодиса эканини таъкидламоғимиз лозим.

Шундай қилиб, Рустуғфаний ўз мустақил ўрнини фақатгина фикрда эмас, балки илоҳиётда ҳам намоён этганки, бу биз учун каттароқ аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳам эътиборимизга лойиқ бир нечта далиллар мавжуд. Биринчи далил, бир баённинг адабий маъносидан бошқа нарса эмас. Рустуғфаний кўрган бир тушини хикоя қиладики, гўё унда гуноҳларнинг авф этилиши ҳақида Мотуридий билан баҳс юритган эмиш. Устоз кутилганидек, Аллоҳ ҳар қандай мўминни, ҳатто бирор марта бўлсин ўзига сиғинмаганини ҳам авф этади, деган фикрда туради. Шогирд эса, аксинча, Аллоҳнинг бу қадар ишончига шубҳа билан қарар эди. У “нега бўлмаса Аллоҳ (Қуръонда) тоат қилишга даъват этади” деган савол воситасида бундай фикрнинг заиф томонини кўрсатиб беришга интилган.

Ушбу мавзу билан боғлиқ ҳолда келтирилган бундай жонли хикоялар уйдирмадан бошқа нарса эмас, албатта. Аммо мавзунинг ўзи моҳият-эътибори билан ғоят жиддий бўлиб, шу жумладан, Мотуридий билан Рустуғфаний ўртасидаги мунозарага бемалол сабаб бўлиши ҳам мумкин эди. Аллоҳнинг гуноҳкорга муносабати тўғрисида гап кетганда, муржибий-мотуридий доираларида ҳамма вақт оптимистик нуқтаи назар устун турар эди. Бу нуқтаи назар анчадан бери турли танқидлар тўқнашувига учраб келар эди. Бора-бора ханафийларнинг ўз ичида ҳам ушбу масала бўйича зиддиятлар бошлагани ҳеч бир ажабланарли ҳол эмас. Иккинчи далил эса, аксинча, ўзининг ниҳоятда ақлий тиниқлиги билан ажралиб туради. Уни биз Баёзийнинг “Ишорат ал-маром” асарида учратамиз. Бу ерда муаллиф яратилиш (таквин) ва яратилган амаллар (афъол) ўртасидаги фарқи масаласида Абулҳасан қандай фикрда бўлганини унинг ўз сўзларини ҳам айнан келтириш орқали ифодалайди. Баёзий кайдлари ниҳоятда қисқа, ханафия-мотуридий илоҳиётининг бош йўналишидан четга чиқмайди. Аммо унинг бевосита Рустуғфанийдан иқтибослар олгани бу олимнинг илоҳиёт илми тарихида муҳим ўрин тутгани ва унинг асарлари ХВИИ асрда ҳам ўқилганидан далолат беради. Насафийнинг “Тафсира”си кўрсатиб турганидек, бу ишнинг беш аср аввал ҳам қилингани ўз-ўзидан маълум. Рустуғфаний исми бу ерда тез-тез тилга олинади ва ҳар гал унинг илоҳиёт масалаларига оид фатволари ва тутган йўли аниқ ифода этилгани билан ажралиб туради. Бир мавзуда айтилишича, Рустуғфаний, Мотуридий каби фақат ваҳийга асосланган имон билан яратилишининг белгили экани тўғрисидаги мулоҳазаларга таянган имоннинг ҳар иккиси тенг қийматга эга деган фикр тарафдоридир.

Бошқа бир мавзуда биз Рустуғфаний дуалистларни нима қилмоқчи бўлгани ҳақида билиб оламиз, учинчи ўринда эса, ажал масаласи билан ризқ масаласи ўртасида, олим фикрича, ҳеч қандай фарқ йўқ эканини билиб оламиз ва ниҳоят, гап охирида Насафий яна шуни хабар қиладики, Рустуғфаний, масалан, вафот этган кишини, унга у дунёда жазо берилаётган пайтда, қай даражада тирик деб ҳисоблаш мумкин (шу билан бирга, оғриқ азобини сезиш даражаси қандай) каби чалкаш масала ҳақида ёзган.

Афсуски, бу маълумотлар ҳозирги вақтга қадар йўқолган деб ҳисобланмоқда. Мазкур масалани икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги “Фатво ар-Рустуғфаний” Абдулҳасан Ашъарийнинг фикҳига оид масалаларнинг мажмуи бўлиб, биз учун анча катта аҳамият касб этмайди, “Китоб ал-хилоф” ва унинг мазмуни ҳақида биз ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Иккинчи гуруҳ асарлари бизни қизиқтирган мавзуга бағишланган бўлиб, биз учун аҳамиятлидир.

“Китоб иршод ал-мутадий” камолга бағишланган бўлиб, Рустуғфанийнинг, эҳтимол, асосий асари бўлган, сўнгги давр биографларининг ҳаммаси уни биринчи ўринга қўядилар. Бундан ташқари, Баёзий Абдулҳасаннинг сифатлар ҳақидаги таълимотга оид қарашларидан иқтибослар олар экан, манба сифатида ушбу матнга таянади. Тўртинчи матн “Китоб аз-заводий ва-л-фавойид”нинг илоҳиётга алоқаси йўқ, бироқ, у ғайриоддийлиги билан ўзига янада кўпроқ жалб этади, зеро, уни бирийўла бир нета манба яқдиллик билан илм соҳаларига оид асар (*аснаф ал-улуш* ёки *анво ал-улуш*) деб таърифлайди.

Бундай таъриф нимани назарада тутгани ихтиёримизда асар қўлёзмаси бўлгунга қадар номаълумлигича қолаверади. Аммо айнан Мовароуннаҳрда фанлар таснифига оид рисоалар яратиш анъанасини мавжуд эди. Булардан энг машҳури X аср сўнггида Бухоррода сомонийлар саройида хизмат қилган Ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум”ини асарлари эди. Бироқ Ал-Хоразим ёлғиз эмас эди, зеро, ундан эллик йил аввал Ибн Фарирун ўзининг “Жавомиъ ал-улум”ини ундан яна бир авлод олдин Абу Зайд ал-Балхий “Ақсом ал-улум” асарини яратган. Шундай қилиб, Рустуғфанийнинг “Китоб аз-завойид”и тасниф ва мазкур китобларнинг илмий таҳлилига бағишланган асар бўлиши мумкин. Мабодо ҳанафий устознинг ёки Мотуридий шогирдининг қаламига мансуб шундай асарга эга бўлсак, бу ғоят қизиқарли бўлур. Аммо бу матн тўғрисида номидан бошқа ҳеч қандай далил йўқ экан, биз учун у ҳақида тахмин ва ақлий мушоҳадалар қилишдан бошқа иш қолмайди. Бизга унинг номи маълум холос. У турли тарихий далиллардан келиб чиққан мулоҳазаларимизни тасдиқлайди, яъни Абдулҳасан ар-Рустуғфаний кенг қамровли ва ўзига хос олим бўлган, Мотуридий ғояларини кейинги авлодларга етказишда ва умуман, X аср Мовароуннаҳр ҳанафийлиги ривожига сезиларли из қолдирган.

Мотуридийнинг учинчи шогирди сифатида тилга олиш лозим бўлган Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо ал-Паздавий (вафоти 999 йил)

тахминларга кўра, на ҳуқуқшунос ва на мутакаллим сифатида юқорида номлари зикр этилган шогирдлар каби шуҳрат топмаган. Биз унинг биронта таълимот яратувчиси эканини ҳам ёки бирон асар муаллафи эканини ҳам билмаймиз. Унинг номини бу қаторда атаганимизнинг сабаби унинг шахси ҳам ўзига хос белгиланганидир. У устоз ғоялари ва асарларини кейинги авлодларга етказиш жараёнида муҳим ўрин тутган кўринади. Унинг исми “Китоб ал-олим ва мутааллим”даги ушбу асар матнини Абу Мансур Мотуридийдан қабул қилиб олган ҳамда ўз навбатида, Муҳаммад ан-Нафасийга етказиб берган шахс сифатида тилга олинади. Бунга яна биографлар уни шунчаки умумий маънода анъана ташувчиси эмас, балки мотуридийнинг шогирди бўлганини таъкидлаганларини қўшимча қилиш лозим бўлади. Бундан эса у устознинг шахсий қарашларини ҳам етказган олим бўлган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Ушбу ҳол Паздавийнинг шахсан ўзи учун унча катта аҳамият касб этмаган бўлса-да, бироқ муҳим оқибатларга олиб келган, зеро, келгусида, уч авлод оша дунёга келган Абул Йўср ал-Паздавий (вафоти 1100 йил) Фахрулислом Абдулҳасан ал-Паздавий (вафоти 1089 йил) каби машҳур мотуридия илоҳиётчилари етишиб чиққан. Улар илоҳиёт анъанасининг узлуксиз ворислари бўлганлар ва ўзаро алоқадорликни ўзлари ҳам жуда яхши хис этганлар. Масалан, Абу-л Йўср, бошқа бир ўринда кўриб ўтганимиздек, ўзининг катта буvasини “Усул ад-дин”да тилга олиб ўтади ва унинг Мотуридий ҳақидаги ҳикоялари авлоддан-авлодга ўтиб бораётганини таъкидлайди.

Абдулкарим Паздавийдан унинг ҳеч бўлмаганда қамраб олим мумкин бўлган тор доирасида таъсир кучига эга бўлган ички турткилар тарқалар эди. Мовароуннаҳрдаги каби нисбатан муайян барқарорликка эга бўлган илмий муҳитда бу каби турткилар бошқа ердагига нисбатан кўпроқ аҳамият ва таъсирга эга бўлган. Калом соҳасидаги бу узлуксизликка, албатта, аҳамият бермоқ лозим, битта шажаравий чизиқ бизни Макҳул ан-Насафийдан (вафоти 930 йил) Абу-л Муъин ан-Насафийга (вафоти 1114 йил) олиб келган. Паздавийлар наслида ҳам билимларни авлоддан-авлодга етказиш анъанаси кўзга ташланади. Бу насларнинг ҳар бири Мотуридия ривожига қандай ўрин тутгани масаласини алоҳида кўриб чиқиб, аниқлаш лозим бўлади. Ҳозирча эса ХИ асрда яшаган ака-ука Паздавийлар аждоди Мотуридийнинг бевосита шогирди бўлган, деб таъкидлаш мумкин.

Бугунги кунда, Имом Мотуридийнинг бизга маълум бўлган асарлари сони ўн бештага етиб қолади. Улардан фикҳ илми ва унинг усулига бағишланганлар қуйидагилардир: “Китоб ал-жадал” (“Диалектика ҳақида китоб”), “Китоб моаҳаз аш-шариъа” (“Шариат асослари манбаи”). Шу билан биргаликда калом илмининг турли масалалари ва тўғри йўлдан адашган ҳар хил оқимларга раддиялар билдиришга бағишланган асарлар Имом Мотуридий ижодининг асосини ташкил қилади. Бу асарлар бугунги кунда ҳам диний ақидапараст оқимларига зарба беришда катта аҳамиятга эгадир. Улардан “Китоб ат-тавҳид”, “Китоб ал-мақолот”, “Китоб радд

аъло-л қаромита”, “Китоб баён ваҳм ал-муътазила”, “Китоб радд усул ал-хамса ли-Аби Муҳаммад ал-Боҳилий”, “Китоб Китоб радд авоил ал-адиллат лил-Каъбий”, “Китоб ваъид ал-фуссоқ ли-л-Каъбий”, “Китоб радд таҳзийб ал-жадал ли-л-Каъбий”, “Китоб радд ал-имомат ли баъз ли-л-Каъбий” кабиларни кўрсатиш мумкин. Ушбу асарлардан “Китоб ат-Тавҳийд” калом илмига оид энг дастлабки асар “Таъвийлот аҳли ас-сунна” ёки “Таъвийлот ал-Қуръон” деб аталади. Мазкур асарнинг илмий ва амалий аҳамияти жуда катта бўлиб, у аҳли сунна уламолари томонидан Қуръони каримни шарҳлаш (таъвил) бўйича қилинган дастлабки жиддий уриниш бўлган. Бу шарҳ ақл ва нақл нуқтаи назаридан амалга оширилганлиги билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, Қуръони карим Имом Мотуридийнинг калом илмига оид таълимотлари нуқтаи назаридан туриб тафсир қилинган.

Юқорида зикр этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Имом мотуридийнинг бизгача етиб келган икки йирик асари – “Китоб ат-Тавҳийд” ва “Таъвийлот аҳли ас-сунна” буюк аллома меросини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур асарларда ислом динининг фалсафасини ташкил этувчи калом илмининг турли масалаларида тўғри фикрлар илгари сурилган, ақидавий ҳақиқатдан адашган фирқалар илмий нуқтаи назардан танқид қилинган.

Суннийлик оқимида калом илмининг намояндалари Имом Мотуридий ва имом ал-Ашъарийдир. Бу иккала йирик аллома, бир даврда яшаган бўлсалар ҳам адабиётларда улар бир-бирларини яқиндан билмаган, деган фикр мавжуд. Улар таълимотида сезиларли фарқлар ҳам мавжуд. Чунончи, Моутридий ўз таълимотини ҳанафий мазҳабига асосланиб яратган бўлса, ал-Ашъарий шофиъи мазҳабига асосланган. Лекин иккала алломанинг ҳам асосий мақсади ягона, унга эришиш йўллари ҳам деярли муштарак бўлган. Имом Мотуридий илгари сурган ақида ақл ва нақл асосига, аниқроғи улар ўртасида қурилган.

Абу Мансур Мотуридийнинг калом ва фикҳ илмлари соҳасида қарашлари унинг икки - “Китоб ат-Тавҳийд” ва “Таъвийлот аҳли ас-сунна” номли асарларида баён этилган. Бу борадаги муҳим маълумотлар алломанинг вафотидан кейин мотуридийга таълимотига бағишлаб яратилган қатор асарларда ҳам ўз аксини топган.

Имом Мотуридий фикрича, инсонларнинг ёмон хулқли ишлари, гуноҳлари Аллоҳнинг иродаси билан (чунки Аллоҳ шу ишларни тақдир қилган), лекин унинг розилигисиз амалга оширилади. Аллоҳ таоло инсонларга ўз эркини қўлига берган ҳолда, яратган, яъни унинг ҳаракатлари азалдан тақдир этиб қўйилган бўлса-да, инсоннинг баъзи ишларига соҳиб ихтиёрлигини ҳам бергандир. Бу ишларни Имом Мотуридий “афъоли ихтиёрий, яъни инсонда ирода эркинлиги мавжуд”, деб атайди.

Буюк ватандошимиз энг аввало калом илми соҳасида том маънода тарихий ишлар қилган бўлиб, ўзига хос мактаб яратган ва бу мактаб унинг табаррук номи билан мотуридийга мактаби (йўналиши) деб аталади.

Калом илмига таъриф берадиган бўлсак, бу илм диний ақидалар ва уларнинг усулларини ақлий далиллар ва исботлар асосида талқин қилиб, улардаги ҳар қандай шубхали, бир томонлама қарашларга барҳам берадиган илмдир. Калом илми билан шуғулланадиган олимлар мутакаллимлар дейилади.

Имом Абу Мансур Мотуридий яшаган тўққизинчи асрнинг иккинчи, ўнинчи асрнинг биринчи ярми исломий илмлар ва ғоялар гуркираб тараққий қилган бўлиб, бу илм таркибий қисмларидан бирини ташкил қиладиган калом илми ҳам ўз тараққиёт босқичининг айна гуллаган даврига кирган эди. Айна вақтда барча илмлар қатори исломий илмларда ҳам ҳурфикрлилик, ўз нуқтаи назари ва қарашларини далил ва исботларга таяниб эмин-эркин ифода қилиш тенденцияси кучаяди. Бу ҳол, ўз навбатида, жаҳмийлар, қаромитийлар, рофизийлар, муржибийлар, карромийлар ва бошқа ҳидоят йўлидан адашган оқим ва гуруҳларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келганди. Айниқса, бундан анча олдин пайдо бўлиб, кўпчилик ўлкалар каби Мовароуннаҳрни ҳам қамраб олган муътазила оқимининг хато қарашлари жамият аъзолари ўртасида хилма-хил зиддиятлар ва ихтилофларга сабаб бўлган эди.

Мана шундай шароитида аҳли ва-л-жамоа (суннийлар) таълимотининг ғоялари ажойиб ютуқларга эришди. Тўққизинчи асрнинг охирларида сунний йўналишидаги имом Абу Мансур Мотуридий Самарқандда, имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий Бағдодда ва имом Абу Жаъфар ат-Таҳовий Мисрда муътазила оқимми тарафдорларининг асосий куроли бўлиб келган ақл-идроқка асосланган ҳолда аҳли сунна ақидасини ҳимоя қилиб чиқдилар. Улар ўз нуқтаи назар ва қарашларини асослаш учун энг аввало ақлий далил ва исботларга таяниб, улкан ютуқларга эришдилар. Имом Абу Мансур Мотуридий шу жараёнда, яъни сунний оқимидаги ҳанафийя мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ҳазратлари таълимотининг нафақат толмас давомчис, балки сунний йўналишидаги калом илмининг асосчиси сифатида шуҳрат қозонган. У, агар таъдбир жоиз бўлса, аҳли сунна ва-л-жамоа ақидасининг ғалабасига ақл-идроқ воситасида эришган буюк алломадир. Мавриди келганда, айтиш керакки, имом Мотуридийгача калом илми фақат нақлга (ривоят, ахборот) таяниб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Имом Мотуридий илгари сурган калом илмини кузатар эканмиз, у асосан иккита асосий манбага: ақл ва нақлга таяниб иш тутганини, агар фикримизни аниқроқ айтадиган бўлсак, у ўз назариясини мана шу икки манба ўрталиғида (арабча тавассут) яратган. Бинобарин, муборак ислом динимиз таълимотларида ҳам диний, ҳам дунёвий ишларда ўртача бўлишлик ғояси илгари сурилган. Бу ўринда Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 143-оятдаги “Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), Сизларни ўрта (адолатли) бир миллат қилдик”, деган кенг тарқалган “хайру-л-умури авсотуҳо” (“ҳар бир ишнинг ўртачаси яхшидур”) деган пайғамбаримиз алайҳиссаломга мансуб азалий ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган.

Имом Абу Мансур Мотуридийнинг калом илмидаги бу ғоялари унинг бизгача етиб келган икки йирик асарида “Китоб ат-Тавҳийд” ва “Таъвийлот аҳли ас-сунна” (бу асар “Таъвилот ал-Қуръон” деб ҳам юритилади) батафсил баён қилинган. Умуман олганда, тарихий манбаларда зикр қилинишича, Имом Мотуридийнинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бештага етади. Юқорида номлари келтирилган икки асардан ташқари Имом Мотуридийнинг илмий-маънавий меросида ўша даврда фаолият кўрсатиб, диннинг асл мазмун-моҳиятини нотўғри талқин қилиб, эътиқод, билиш (маърифат) масалаларида чалкаш ва хато қарашларга эга бўлган турли оқим ва гуруҳларга қарши раддиялар билдириш асосий ўринни эгаллайди. Аллома асарларининг номлари ҳам, уларнинг мазмун-моҳиятини ифода этади. Масалан, “Китоб радд аъло-л-қаромита”, “Китоб баён ваҳм ал-муътазила”, “Китоб радд усул ал-хамса ли-Аби Муҳаммад ал-Боҳилий”, “Китоб радд авоил ал-адиллат лил-Каъбий”, “Китоб радд ал-имомат ли-баъз равофиз” ва бошқа асарларни кўрсатиш мумкин. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Имом Мотуридий ўз рақиблари билан мунозара қилиб, уларга раддия берганда, ҳар доим исломий одоб-ахлоққа оғишмай риоя қилган ҳолда ғоятда андиша ва камтаринлик билан, айтилиши вақтда, ўз нуқтаи назарини собитқадамлик ва қатъият билан изчил ҳимоя қилган тарзда олиб борган. Тавассут (ўртасида бўлиш) ғояларни амалга ошириш учун ақл аҳкомларини ҳам, нақл қўллашни ҳам мукаммал билиш талаб қилинган. Имом Мотуридий мана шу талабларга тўлиқ жавоб берган, ақл ва нақлга асосланган ўз қарашларини ғоятда адолат юзасидан баён қилган. Ўзи илгари сурган ғояларга мана шу мезондан ёндашиб, фикрий (ғоявий) мустақилликка ҳам алоҳида эътибор берган, қандайдир бирор тоифа ёки оқимга оғиб кетиш ёки оз бўлса-да, мутаассиблик изҳор қилиш каби иллатлардан узоқ бўлган.

Билиш (маърифат) назарияси калом илми билан шуғулланган олимларнинг ҳар доим ҳам диққат-эътиборида бўлган. Лекин шу билан бирга алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу масала билан илмий асосда жиддий шуғулланганлардан бири Абу Мансур Мотуридийдир. Унинг қаламига мансуб иккала йирик асар – “Китоб ат Тавҳийд” ва “Таъвийлот аҳл ас-сунна” дастлабки қисмлариданоқ билиш назариясига бағишланган. Айниқса буюк алломанинг “Китоб ат Тавҳийд” асари калом илмидаги билиш назариясига бағишланган энг дастлабки манба бўлиб, ушбу масалани ғоятда нафис услубда ифода этади. Имом Мотуридий таълимотига кўра билишнинг учта асосий манбаи бор: ҳиссий (сезги) аъзолар воситасида, нақл-ривоятлар воситасида ва ақл-идрок воситасида. Мавриди келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Имом Мотуридийнинг билиш назариясида ақл-идрокнинг алоҳида ўрни бор.

Гарчанд, имом Мотуридий бир қатор исломий илмларда сезиларли муваффақиятлар қозонган бўлса-да, лекин унинг ислом дини равнақиға қўшган улкан ҳиссаси калом илми соҳасидаги таълимотидир. Чунончи, Имом Мотуридий Ҳанафийя мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа

ҳазратлари таянган ҳолда барча амаллар – меъёрлар, эътиқодлар, қоидалар, фаолиятларни Аллоҳ яратади, лекин уларга муносабатни инсон ўз инон-ихтиёри билан амалга оширишига ишорат қилади. Мана шу жараёнда инсоният учун Имом Мотуридийнинг “афъоли ихтиёрий” бўлиши, яъни “инсонда ирода эркинлиги мавжуд” деган фикри ғоятда долзарб аҳамият касб этади. Бу талқин, гарчанд барча ишлар Аллоҳ таоло томонидан муқаддар (тақдир) этилган бўлса-да, лекин инсоннинг баъзи ишларига соҳиби ихтиёрликни ҳам бергандир.

Буюк аллома бундан қарийб ўн икки аср муқаддам илгари сурган бу тарздаги илғор ғоялар бир томондан инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари олдида масъуллиги ва эътиқодий жавобгарлигини оширса, иккинчи томондан инсон тафаккури, унинг ақл-идроки ва салоҳиятининг имкониятлари чексиз эканлигини кўрсатади.

Алломанинг маънавий мероси билан танишар эканмиз, унда ҳаётий масалалар ҳам мукамал суратда ўз аксини топганини кўрамиз. Жумладан, инсон ўз ҳаёти давомида турли хил имтиҳонлар ва синовларга дуч келиши табиий эканлиги, айна вақтда, инсон ўз ақл-заковати ва ҳидоят йўлига амал қилиши орқали ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиш имкониятига эга эканлиги ҳам таъкидланган. Имом Мотуридийнинг ижодида, айниқса унинг билиш назариясига оид таълимотлари муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, Аллоҳнинг зоту сифатлари, унинг каломи Қуръони каримни чуқур идрок этиш, оламнинг яратилиши, Аллоҳ ва инсон ўртасидаги муносабатлар, инсон фаолиятини белгиловчи омиллар каби масалалар тўғрисидаги алломанинг ўзига хос таълимотлари аниқ далиллар ва исботларга асосланганлиги билан ажралиб туради.

Имом Мотуридий фаолиятида муборак ислом динининг ҳаётбахш ғояларининг софлиги, эътиқодий масалаларини бир томонлама ва хато талқин, залолатга ботган ҳар хил тоифалар ва оқимларга қарши кураш, Қуръони карим Ҳадиси шарифга таянган ҳолда асосли раддиялар бериш салмоқли ўринни эгаллайди. Шу боис алломанинг ўлмас таълимоти бугунги кун учун ҳам катта амалий аҳамият касб этиб, ҳидоят йўлидан адашган баъзи бузғунчи гуруҳларни фош этишда муносиб хиссасини кўшиши шубҳасиздир.

Буюк ватандошимиз, аллома Имом Мотуридий ҳазратларининг бундан ўн бир аср муқаддам берган таълимоти бугунги кунда ҳам ғоятда долзарб бўлиб, инсон ақл-заковати ва тафаккурининг имкониятлари чексиз эканлигига ишоратдир. Аллома фаолиятида юқорида айтилганидек, муборак ислом динимизнинг ҳаётбахш мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, турли бидъат ва хурофотларга ботган гуруҳ ва тоифаларга қарши кураш алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ҳам Имом Мотуридий илгари сурган ғоялар бугунги кунда ҳам ғоятда долзарб бўлиб, нафақат илмий, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга.

Имом Мотуридий яшаган давр – тўққизинчи асрнинг иккинчи, ўнинчи асрнинг биринчи ярми том маънода исломий илмлар ва маърифатнинг турли соҳалари, жумладан калом илми ҳам гуллаб-яшнаган,

айтиш мумкинки, олтин асри бўлган эди. Замон тақозоси билан айна шу даврга келиб илм-фанда хурфикрлик алоҳида аҳамият касб этади. Олиму уламолар қарашларидан келиб чиқиб, диний эътиқод ва унинг усуллари ҳақида фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода қила бошлайдилар. Бу ҳол, ўз навбатида, турли-туман гуруҳлар ва фирқалар, уларнинг тарафдорларига ўз ақидаларини ошқора изҳор қилиш имкониятини яратади. Айна шу асрларда Мовароуннаҳрда турли-туман диний гуруҳлар ва фирқалар пайдо бўлади. Улардан кенг тарқалганларидан бири маътузила оқими эди. Аслида, муътазила оқими калом илмидаги дастлабки йирик йўналиш сифатида ВИИИ-ИХ асрларда араб халифалигининг диний-сиёсий ҳаётида салмоқли ўринга эга бўлган. Ундан кейин пайдо бўлган қатор оқимлар – жаҳмийлар, қарамийлар, муржийлар ва бошқа тоифалар иймон-эътиқод ва билиш назариясидаги хато қарашларга эга эдилар. Бинобарин, имом Мотуридийнинг илмий-маънавий меросида ақлий далил ва исботларга таянган ҳолда ислом дини ақидасининг софлигини ҳимоя қилиш ва хидоят йўлидан адашган мазкур оқимларга қарши кураш алоҳида аҳамият касб этган.

Мамлакатимизда Имом Мотуридийнинг меросини ўрганишга фақат мустақилликдан кейингина киришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2000 йили Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Самарқандда аллома хотирасига ёдгорлик мажмуи дунёд этилди. Тошкент ва Самарқандда Имом Мотуридий таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқеига бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. Имом Мотуридий ҳаётининг турли қирраларини ёритувчи мақолалар, рисоалар ва тадқиқотлар чоп этилди. Имом Мотуридий меросини ўрганган хорижлик олимлар билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. 2001 йилда Гёттинген (ГФР) университетининг профессори Улрих Рудольф қаламига мансуб “Имом Мотуридий ва Самарқан суннийлик илоҳияти” китоби ўзбек тилида нашр этилди.

Имом Мотуридий ҳақида бошқалар

“Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имом Бухорий вафот этган йили, яъни милодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо Имом Мотуридий таваллуд топган экан. Бу воқеа замирида шахсан менга илоҳий бир боғлиқлик, Аллоҳнинг буюк марҳамати бордек, бамисоли Имом Бухорийнинг нурли қаламини Имом Мотуридий олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боғлагандек туюлади. Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодалрга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрстаиб, ислом олмида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради.

Ул зот солган мотуридия мактаби Шарқ мамлакатларида бундай катта шуграт топишининг сабаби шундаки, унда илгари сурилган ғоялар ислом динимизнинг асосини тўғрилиқ, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қараш ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди.

* * *

Шайхнинг Мотурид қишлоғида бир боғи бор эканим, кўпинча ёлғочларини ва ниҳолларини ўз қўли билан ўтказар эмиш. “Ҳайрат у-л-фуқаҳо” китобида бордиким, (бир кун) шайх Абу Мансурнинг хизматчиси кетмон чопар ва шайхнинг ўзи ток ўтказар эди. Шу чоғда муаззин азон айта қолди. Шайх ишни тўхтатиб масжидга бормоқчи бўлди, лекин ток ўтказгани ошиқиб боролмади. Бир йилдан кейин подшоҳ ҳар бир боққа бир неча (кўза) ичкилик бидъат солиқ солди. Ҳазрат шайх “Ушбу бидъат менинг ток ўтказишга машғул бўлиб, намоз ишини кейинга қолдириш ишимнинг шумлигидан юзага чиқди”, - деб муборак салласини ерга уриб йиғлар эди. Айтадиларким, шайх бир кун боғда эди, Бағдод халифаси томонидан шайхдан бир масалани сўрагани Самарқандга юборилган элчи келиб боғ эшигини қокди. Шайх йиртиқ кийим кийинган ҳолда чиқди. Элчи: “Мавлоно қайдадир?” – деб сўради. Шайх: “Мавлоно тангридир”, - деб жавоб берди. Тағин элчи: “Хожа қайдадир?”, - деб сўради. Шайх: “Хожа Мустафодир”, - деб жавоб қайтарди. Яна элчи: “Абу Мансур қайдадир?”, - деб сўради. Абу Мансур: “Ушбу тиланчи кекса”, - деб ўзини кўрсатди. Айтишларича, унинг ёронлари дарс таълим олиш учун (шайхнинг) боғига келар эдилар. Иттифоқо, ҳамал ойи эди, шайх ёронлари учун бир ўрик дарахтининг шохини қокди. Унинг кароматидан ер ўрик меваси билан тўлди. Ёронлар еб “У шундай зотки, илм уммонининг энг қаърига шўнғиб, ундан дуру гавҳарларни олиб чиқди ва диний хужжатларни ўзининг фасоҳати, мислсиз заковати билан зийнатлади. Шунинг учун у вафот этганда, аш-Шайх Абу-л-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий унинг қабри устига: “Ушбу қабр илмларни ўз нафсларигача камраб олган, уни тарқатишда кўп заҳматлар чеккан, у қолдирган мерос кўп мадҳ қилинган ва ўзининг умр дарахтидан кўплаб мевалар тера олган шахснинг қабридир”, - деб ёзишларига буюрган эди”.

* * *

“Мотуридий агар бирор бир мажлисда иштирок этмай қолса, хатто унинг устози Абу Наср ал-Иёдий ўз шогирдига нисабатан чексиз хурмат ва муҳаббатининг изҳори сифатида ўша мажлисда бирор сўз ҳам айтмас эди. Агар Мотуридийни узоқдан бўлса-да, мажлисга келаётганини кўриб қолса, таажжуб билан унга тикилиб турар ва “Роббинг сени ўзи хоҳлаган ва ихтиёр қилганидек яратган”, - деб жилмайиб қўяр эди”.

* * *

“Мотуридий имомларнинг улуғи ва миллатнинг устуни эди. Унинг Қуръонга ёзган тафсири барча чигалликларни очиб берувчи, инсон қалбидаги шубҳали қора булутларни ҳайдовчи ҳамда ниҳоятда болиғ васф ила яратилган асардир. Аллоҳ шундай китобни ёзган зотга ўз саломини йўлласин”.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Имом Мотуридий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар келтиринг?
2. Имом Мотуридий таълимотининг мустақилликдан сўнг тикланишининг тарихий аҳамияти?
3. Имом Мотуридийнинг жаҳон фани ривожигаги ўрни?
4. Имом Мотуридийнинг таълимотининг фалсафий аҳамияти?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Имом Мотуридий қандай номлар билан машҳур бўлган?

- а) “Имом ал-худо” (“Рушди ҳидоятга бошловчи имом”);
- б) “Қудват аҳл ас-сунна ва-л ихтидо” (“Суннат ва ҳидоят аҳлига ибрат зот”);
- в) “Рофиъ аълом ал ас-сунна ва-л-жамоа” (“Аҳли сунна ва жамоанинг байроғини баланд кўтарувчи”) асарида;
- г) Барча жавоблар тўғри;

2. Мамлакатимизда Имом Мотуридийнинг меросининг неча йиллиги нишонланди?

- а) « 2001 йили Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги »;
- б) «2000 йили Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги »;
- в) «2003 йили Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги »;
- г) «2004 йили Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги ».

3. Имом Мотуридий қайси асарларида ўз рақиблари билан мунозара қилиб, уларга раддия берган?

- а) “Китоб баён ваҳм ал-муътазила”;
- б) Китоб радд усул ал-хамса ли-Аби Муҳаммад ал-Боҳилий;
- в) “Китоб радд ал-имомат ли-баъз равофиз”;
- г) “Китоб радд авоил ал-адиллат лил-Каъбий”



Абу Наср Фаробий (873-950)

Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Узлоғ Форобий ат-Туркий бўлиб, кунялари Абу Наср. Шарқда “Муаллими соний” (иккинчи муаллим) номи билан машҳурдир. Абу Наср Форобий 873 йили Арис сувининг Сирдарёга қуйилиш яқинидаги Ўтрор деган жойда, ҳозирги Қозоғистон Республикасининг жанубида жойлашган Фороб туманида таваллуд топган. Абу Насрнинг болалиги ҳам шу жойда ўтган. Унинг отаси зиёли амалдор бўлиб, отлик кўшинда саркардалик қилган. Онаси ҳақида манбаларда маълумот кўрсатилмаган.

Ислом уйғониш даврининг илк намояндаси, йирик мутафаккир аллома Абу Наср Форобий мусулмон файласуфлари ичида энг аввалгилардан биридир ва дунёда Аристотелдан кейинги “Иккинчи муаллим” деб эътироф этилган. Ҳикмат, балоғат, фалсафа, мантиқ, мусика ва тиб илми соҳасида етук файласуф бўлиб, турк, араб, форс, юнон, сурёний ва бошқа 80 дан ортиқ тил ва лаҳжаларни мукаммал билган. Баъзи ривоятларда келтирилишича, у етмишта тилда сўзлаша олган.

Абу Наср Форобий ёшлигидан илмга чанқоқ, сермутолаа одам бўлган. Илк таҳсилни туғилган маскани Фороб ва Шошда олиб, Самарқанд ва Бухорода ўқишни давом эттирди. Ўша вақтларда Бағдод илм-маърифат маркази бўлгани учун у илк илмий сафарини Бағдоддан бошлайди. Форобий у ерда араб тили ва адабиётини мукаммал даражада эгаллаб, ўз эътиборини асосан калом, фалсафа ва мантиқ илмларига қаратади. Унинг зеҳни ўткир ва хотираси кучли бўлганлиги боис бу соҳани жуда тез ўзлаштириб, устозлари ва атрофидагиларни доим лол қолдирар эди.

Илк таълимни ўз она юртида бошлаб, кейин Бағдод шаҳрида замонасининг машҳур олими, файласуф, мантиқ илмида етук аллома Абу Башар Матто ибн Юнус ал-Қуннойдан (IX-X асрларда яшаган) араб тили, мантиқ ва адабиётдан таҳсил олади. Бу олим Арастунинг асарлари шахрига оид етмишга яқин китоблар битган, жумладан, Арастунинг машҳур “Поэтика” асарини илк мартаба араб тилига ўгирган, замонасининг кўзга кўринган файласуф алломаси эди.

“У маҳаллара, - деб ёзади Ибн Халликон, - бу фанда Абу Башар ал-Қуннойга тенг келадиган бирорта олим бўлмаган. У ўз асарларида

жумлаларни чиройли ва равшан қилиб ёзар, ишоратларини эса назокат билан битарди. Ўзи ҳам содда ифодали, лўнда фикрли киши эди. Шунинг учун ҳам, бу фан аҳлидан бўлмиш бир файласуф: “Менимча, Абу Наср Форобий ибораларида ўз фикрларини содда ва лўнда қилиб ифодалашни фақат ўша Абу Башардангина ўрганган бўлиши керак”, деган эди.

“Абу Башар, - деб ёзади бошқа бир араб олими ибн Абу Усайбия, - Абу Насрдан ёши каттароқ эди. Абу Наср бўлса зехнда ягона, ширинсўз эди. Абу Башар Матто эса мантиқ илмини файласуф Иброҳим ал-Марвазийдан ўрганган”.

Шунингдек, Форобий тиб илмини ўрганиш учун ҳозирги Суриянинг шимолида ва Туркиянинг жанубида жойлашган Ҳаррон шаҳрига, христиан динига мансуб Юҳанно ибн Ҳайлон ҳузурига боради ва ундан тиб ҳамда мантиқ илмидан таълим олади. Бу ҳақда Ибн Халликон шундай дейди:

“Абу Наср (Бағдодда) доимо ўз шогирдлари даврасида бўлар, уларнинг йиғинларида катнашар эди. Шу тариқа бирмунча вақт ҳаёт кечириб, кейин Ҳаррон шаҳрига йўл олади. Чунки бу ерда Юҳанно ибн Ҳайлон ан-Насроний бор эди. Абу Наср ундан мантиқ илмидан таълим олади, кейин Бағдодга қайтиб, у ерда фалсафий илмларни ўрганadi. Аристотелнинг барча китобларини ўрганиб, улардаги нуқталар (яширин, кенг қамровли сўзлар) маъноларини очишда ва муаллифнинг бу борадаги мақсадини ифолашда бениҳоят маҳорат қозонади”.

Сўнг Абу Наср Шом (ҳозирги Сурия)га йўл олади ва Ҳалаб хукмдори Сайфуддавла Абу Ҳасан Али ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамадон ат-Тағлибий ал-Ҳамадоний билан учрашади. Бу ҳақда Жамолуддин ал-Қифтий шундай маълумот ёзиб қолдирган: “Абу Наср Ҳалаб шаҳрига бориб, у ернинг амири бўлган Сайфуддавла ибн Ҳамадон ҳузурида тасаввуф аҳлининг намоядаси сифатида эътибор топади. Амир унинг билим даражасини ва масалаларни тушунишдаги салоҳиятини билиб, хатто ўзининг Дамашққа қилган сафарида ҳамроҳ қилиб олиб келади”.

Сайфуддавла ибн Ҳамадоннинг Абу Наср Форобийга ихлоси баландлигидан унинг ҳомийлигида узоқ муддат илмий фаолият юритади ва хатто бу амир билан Дамашқ фатҳида иштирок этиб, шу жойда милодий 950 йили саксон ёшида вафот этади.

Илмий фаолияти

Абу Наср Форобийнинг Арасту (Аристотел) асарларини шарҳлаши уни машҳур қилиб, хатто “Муаллим соний – Иккинчи муаллим” деб ном қозонишига сабаб бўлади. (Арастунинг “Биринчи муаллим” деб танилгани кўпчиликка маълум). Чунки Арастунинг фалсафий асарларини шарҳлаш учун аввало у эгаллаган илмини эгаллаш лозим. Форобий “ал-Мақулот” (Айтилган сўзлар), “ал-Ибора”, “ал-Қиёс”, “ал-Бурҳон” (Далил-хужжатлар), “ал-Жадал” (Мунозара), “ал-Муғолатах” (Ҳато сўзлар), “ал-Хатоба” (Нотиқлик) ва “аш-Шеър” каби йигирмадан ортиқ асарларга шарҳлар ёзган. Одоб-ахлоқ бобида Арастунинг “Ахлоқ” асарини, табиий фанга тааллуқли “Табиийёт Арасту” – Арастунинг табиат ҳодисалари

хақидаги асари (Физика) ва унинг “Ал-Асору-л-улувияти”, “Олий битиклар” ҳамда “Само ва олам” асарларига шарҳлар битган. Жумладан, Форобий Батлимуснинг асарларига ҳам шарҳлар битган. У фақат юнон тилидаги асарларни ўрганиб, шарҳлаш билан чекланиб қолмасдан, балки ўзи ҳам насф ва илоҳиётга оид кўплаб таълифотлар – асарлар муаллифи ҳисобланади. “Ақл ва маъқул” – “Ақл ва ақл доирасидаги нарсалар”, “Нафс”, “Насфнинг қуввати”, “Ал-Воҳиду ва-л-вахда”, “Ал-жавҳар”, “Аз-Замон”, “Ал-Макон”, “Мабодиу-л-мавжудот”, - “Борликнинг пайдо бўлиши” ва “Ал-Муқобис” – “Иқтибослар” каби асар ва рисолалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Жамолуддин ал-Қифтий ўз китобида Форобийнинг етмиш иккита асари номини келтирган. Ибн Али Усайбия эса унинг юз ўн иккита асарини номма-ном санаб ўтган. Кейинги маълумотларга кўра, Форобий асарларининг сони юз олтмишдан ортади. Лекин дунё кутубхоналарида Форобийнинг асар ёзиш тарихи тўғрисида шундай деб ёзади: “Абу Наср олдида илм аҳллари доимо навбатма-навбат келиб турар, у ёзган асарлари аксари парча-парча рисолалардан иборат бўлиб, ёу ўз асарларини камдан-кам ҳоллардагина катта дафтарларга ёзар эди. Шунинг учун унинг асарлари маълум фасллардан ва тадқиқот (изоҳли иборалар)дан иборат бўлиб қолган. Шу сабабли бу асарларнинг аксари сочилган холда бошлангану тугалланмай қолган”. Балки Форобий асарларининг кўпчилиги етиб келмаганининг сабаби ҳам шу бўлса керак.

Форобийнинг турли илмларни бирлаштиришга қаратилган фалсафаси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Форобий бугунги кунда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган бир фикрни илгари сурадики, у турли йўналишларга сочилиб кетган шарқ фалсафасини ягона йўналишга бирлаштиришдир. Чунки қадимий фалсафа илми ягона бўлиши лозим ёки камида фалсафанинг икки қутби – Арасту ва Афлотуннинг фикрлари бир-бирига қарама-қарши бўлмайдиган назарияда бўлиши керак. Уларнинг тутган йўли иккита қарама-қарши услублар билан ягона ҳақиқатдан бурилиб кетмаслиги лозим. Гўёки пайғамбарлар каби бўлган қадимги файласуфларнинг улуғлиги ҳам шу билан зоҳир бўлади. Улар дин уламолари каби “етакчи” деб аталадилар. Уларнинг таълимоти гўёки вахийнинг бир тури каби бўлиб, хато ва нуқсонлардан холи бўлиши керак. Форобий бу каби маъноларни ўзида ифода этган бир неча рисолаларни ёзди. “Икки ҳаким – Афлотун ва Арастунинг фикрларини жамлаш китоби”, “Арасту ва Жолинус ўртасидаги умумий фикрлар китоби” ва “Арасту ва Афлотуннинг мақсадлари” шулар жумласидандир. Мулоҳаза қилиб кўриладиган масаланинг яна бири – бизнинг файласуфларимиз “Аснулижиё” асари муаллифлигини Арастуга нисбат бериб келишган, холбуки, “Тосуот - Тўққизликлар” асарида бу асрнинг муаллифи Афлотун деб кўрсатилган бу хатто Абу Насрнинг ўзбошимчаликдан йироқ алоҳида фикри топилгунга қадар сақланиб келди.

Европалик файласуф Дейтерисий Форобийга тегишли тўққиз рисолаи нашр эттирган бўлиб, унинг энг машҳури “Рисолату фусуси-л-

хикам – Доноларнинг қимматбаҳо рисоалари” асаридир. У мажозий йўл билан битилган кўплаб мулоҳаза ва муноразаларни ўз ичига олади. Бу рисоланing энг кўп тарқалган жойи Шарқ бўлган. Унга XV асрда яшаган Исмоил ал-Хусайнийнинг ёзган шаҳри ҳам мавжуддир. Бу шарҳ милодий 1874 йили (х. 1291 й.) босмахонада нашр этирилиб, хатто унинг мавзулари Европа олийгоҳларида дарслик сифатида қабул қилинган. Шунингдек, Дейтерисий Форобийнинг яна бир асари “Расоил - Рисоалар”ни нашр эттирган бу рисола 34 фаслдан иборат таснифот бўлиб, унда бизнинг исломий файласуфимиз Форобий Афлотун каби ўчмас из қолдирган. Бу рисолада шаҳар низомини ишлаб чиқишда нималарга эътибор бериш кераклиги муфассал холда баён этилган.

Абу Наср Форобий ислом фалсафасида янги бир мактабга асос солдики, биз унинг тимсолида исломий фалсафани кўрамиз. Яна шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, унинг издошларидан бири, ватандошимиз Абу Али ибн Сино эса бу илмни янада мукамалроқ қилиб ривожлантирди. Форобий ва ундан бошқа файласуфларнинг асосий мақсади барча илмларни ўзида мужассам этиш бўлган. Шунинг учун баъзи манбаларда Форобий моҳир математик ва табиб деб ҳам келтирилади.

Форобий – шоир

Шарқнинг улуғ мутафаккири Форобий файласуф – донишманд бўлиш билан бирга етук адабиётшунос, шоир бўлиб, ижоднинг бу соҳасида ҳам унинг бир қанча асарлари мавжуддир. У фақат она тилидаги ижод билан чекланиб қолмай, балки форс ва араб тилларида ҳам қалам тебратиб, шеърлар ёзган. Шунингдек, араб олими ибн Усайбиянинг келтиришича, Форобийнинг шеърият назариясига оид “Калом фи-ш-шеър ва-л-қавофий – Шеър ва қофиялар тўғрисидаги сўз” ва “Мақола фи қаванийн синоат аш-шуаро – Шоирлар санъатининг қонунлари ҳақида мақола” асарлари ҳам бўлган.

Шеър ва унинг ёзилиши ҳақида Форобий шундай назарияни олдинга суради: “Шоирнинг яхшироғи табиатан шоир бўлгани саналади. Баъзан шеър санъатида унчалик уста бўлмаган одам ниҳоятда маҳоратли шоирлардай ажойиб шеърлар ижод қилади. Бу, албатта, тасодифий бир ҳолатда юз беради. Лекин бу шоир қанчалик улкан шеър ёзган бўлмасин, у битта ажойиб шеъри билан ўткир шоир саналмайди.

Аммо кимки туғма шеър битиш санъатини эгаллаган бўлса, унда жуда катта бойликка эга бўлган бўлади”.

“Шоирлар чиндан туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади, уларда ташбеҳ ва тамсилга лаёқат яхши ишлайдиган бўлади. Бу хил шоирлар шеър турининг турли навида, ё бўлмаса бир турида ишлашга лаёқатли бўладилар. Лекин бу хил шоирлар шеър санъатидан керак бўлганича хабардор бўлавермайди, балки улар туғма қобилиятларининг яхшилиги билангина қаноат ҳосил қиладилар, уларнинг ўзлари мўлжалланган ҳозирликларига кўра иш тутадилар. Бундай шоирлар чинакам мулоҳазакор шоирлардан саналмайдилар. Чунки уларда

шеър санъатини ўзлаштириб олиш учун камолот етишмайди ва бу санъатда улар турғун бўлмайди. Кимки ундай одамнинг шеърини кўриб, у қобилиятли одам экан, деб ўйлаган бўлса, бу шунинг учунки, унинг феъл-атворида шоирларга хос бўлган турқ-кўриниш мавжудлигидангина шундай мулоҳазага келинган. Ё бўлмаса бу хил одамлар чинакамига шоирлик санъатини эгаллаган бўлишади, ҳатто шеър ижодига хос бўлган хусусиятлардан бирортаси ҳам – у қайси шеър турига алоқадор бўлмасин, барибир, бу қонун-қоидалар ундан қочиб қутула олмайди. Улар шеърият санъатида ташбеҳ ва тамсилларни жудаям маҳорат билан ишлатишади. Бу хил шоирлар чиндан ҳам қобилиятли шоирлар дейилишга сазовордирлар”.

Форобий – бастакор, мусиқачи

Форобий ҳақида сўз юритганда унинг мусиқа соҳасида қилган ижодини эсга олмай илож йўқ. У нафақат қомусшунос олим – файласуф, шу билан бирга, мусиқашунос олим ҳам бўлган. У мусиқа соҳасида ўз назариясини яратиб, амалий ижод намунасини ҳам кўрсата олган. Форобийнинг ўз замонаси учун янгилик бўлган мусиқа асбоби “қонун”ни яратгани ва халқ орасида донғи кетган моҳир созанда ҳамда бастакор бўлганлиги ҳақида ривоятлар бор. Форобийнинг мусиқа соҳасида “Мусиқа ҳаикда катта китоб”, “Иҳсо ал-улум – Илмлар саноғи” асарлари ҳозиргача мусиқанинг назарий соҳасида қўлланилиб келинмоқда. Форобий инсоният тарихида биринчи бўлиб куйларни қоғозга ёзиб олиш усулини кашф этган. Форобий куйларнинг турлари ва уларнинг инсон руҳиятига таъсири ҳақида гапириб, уларни уч турга ажратади: бири кўнгилга лаззат ва роҳат бағишлайди; бошқа бир тур куйлар кўнгилни хаёлот оламига олиб киради. Бу жараёнда нарсаларнинг суратлари гўёки чизилаётган янглиғ кўнгилда гавдаланади. Учинчи хил куйлар ҳайвоннинг лаззати ёки азияти билан боғлиқ бўлиб, бунда инсон ва товуш чиқарувчи ҳайвон табиатлардан лаззат ёки азият чекиш ҳоллари кўзда тутилади.

Форобий ўзининг “Мусиқа ҳақида катта китоб” асарида мусиқани уч турга ажратади.

Унинг фикрича, бир хил мусиқа инсонга ҳузур-халоват бахш этади, иккинчи хили эса эҳтиросларни кўзғаб, жўшқин қилади ва ниҳоят, учинчи хил мусиқа борки, у ўйга толдиради, фикрлашга мажбур этади. Шундай қилиб, Форобий мусиқанинг ривожланиш босқичларини, унинг инсон руҳига у ёки бу ҳолда таъсир қилиниши, маънавий озиқ бериб, уни яхши ишларга руҳлантиришни, хурсандчилик ва қайғуда одамга ҳамдам бўла олишини ҳамда катта ишларни амалга ошириш учун курашга чорлай олишини башорат қилган.

Форобийнинг катта хизматларидан яна бири унинг идеал, ҳар томонлама мукамал, саодатли жамият ҳақидаги ўйлари асосида ёзган асарларидир. “Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб”, “Шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш” асарлари мана шунга бағишлаб ёзилгандир. Донишманд олим бу асарларида адолатли тузум, фаровон жамият, одил

хукмдорлар ҳақида сўз юритади. Ана шу асарнинг икки нусхаси Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Ундан ташқари, бу институтнинг қўлёзмалар хазинасида Форобийнинг анчагина қўлёзма асарлари сақланади. “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар”, “Масалалар булоғи”, “Жисм ва акциденцияларнинг бошланиши”, “Ақл маънолари ҳақида рисола”, “Яҳё ан-Наҳавийнинг Аристотелга билдирган раддиясига қарши ёзилган раддия”, “Аристотелнинг “Метафизика” асари мақсадлари ҳақида” каби асарлари шулар жумласидандир.

Форобий хикматлари

Ҳаким Абу Наср Форобий шундай деган: Кимки хикмат илмига киришмоқчи бўлса, аввало ёш бўлиши, тўғри мижозлик, одобли олижаноб одам бўлиши керак. Ундай кишилар одамларга меҳрибон, покиза, садоқатли бўлиши, фисқу-фужур, гина, хиёнат, мақр ва ҳийладан холи бўлиши керак. Илмига киришган киши тирикчилик масаласидан хотиржам бўлиши керак. Ҳикмат илмига киришмоқчи бўлган илм аҳли ва олимларни хурматлайдиган одам бўлиши керак. Ундай киши илм аҳлидан бошқа нарсани қадрлайдиган бўлмаслиги лозим.

Илмини касб-ҳунар қилиб олмаслиги ва мол топишга восита қилиб олмаслиги керак. Кимда-ким бунинг аксини қилгудек бўлса, у кўзбўямачи саналади. Сохта пул ҳисобланмаганидек, ёлғон сўз пишиқ гап бўла олмайди. Борди-ю, ахлоқли биз айтганларга тесқари бўлган кишилар топилиб қолса, у ҳеч маҳал ҳакимлар қаторига кирмайди. Дарахтнинг камолга етгани меваси билан бўлганидек, бахт-саодатнинг мукамал бўлиши яхши хулқлар билан намоён бўлади. Кимки ўзини ўзи даражасидан юқори кўтарса, ундай кишига камолот йўли тўсилиб қолади. Абу Наср Форобийдан: Фалсафа соҳасида ким ўтқир? Сизми ёки Аристотелми? – деб сўрашибди. Шунда Абу Наср: - Агар мен у кишининг кўлида таълим олишга муяссар бўлганимда эди, у ҳолда мен у кишининг энг катта шогирдларидан бири бўлган бўлар эдим, - деб жавоб берган экан. Форобий фикрича, олам ягона мавжудот, Аллоҳ ҳамма нарсанинг ибтидоси, барча мавжудотлар унинг нурланиши асосида келиб чиқади. “Фозил одамлар шаҳри” асарида қайд этишича, фақат Худо ўз зотига кўра тафаккур қилади, фақат Угина энг яхши илмиларни билади. Назарий хикмат Аллоҳ таолонинг зотини билиш бўлмай, балки у яратган нарсалар ҳақидаги илмдир ва шу яратилган нарсаларга қараб Унинг жамолини, кудратини, хикмат ва адолатини билиш мумкин. Ақл шариатнинг таянчи в мададкори бўлиб, моҳиятан у билан бирдир. Шариатни тушуниш учун ақл ишлатиш зарур. Инсоннинг тасаввурий қувват орқали эришиш мумкин бўлган “энг мукамал босқичи” пайғамбарлик бўлиб, пайғамбарликнинг энг мукамал босқичи эса тасаввурий қувват воситасида ҳосил қилинадиган ваҳийдир.

Жумладан, Абу Наср Форобий “Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида” каби асарларида барча аҳолини бахт-саодатга, илм-маърифатга олиб борувчи, уларни комил инсон фикрни олға суради. Форобийнинг диний, фалсафий қарашлари кейинги давр олимларига ҳам муҳим таъсир кўрсатди.

Форобий айтади: Афлотун руҳ энг эзгу олам бўлгани учун инсон аввало ўзининг руҳини камол топтириши зарурлиги ҳақида гапиради. Руҳни эъзозлаш – унинг эҳтиросини қондиришдан иборат эмас. Агар шундай бўлса, болалар ва жохил одамларда пайдо бўлувчи руҳий эҳтиросларини қондириш истаги руҳни эъзозлашга интилишдай туюларди. Улар эса нимани яхши ва лаззатли деб билсалар, руҳлари ҳам ўша нарсани хоҳлайдилар, ваҳоланки, бу эҳтиросларни қондириш кишига улкан зарар келтиради. Аслида эса руҳнинг кадр-қиммати унинг покланишидан ва илоҳий қонунларда мақтовли ҳисобланган истакларни қондиришдан иборат бўлиши керак.

Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади.

Ҳар кимки илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, яхши одоб ва ахлоқли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат ва макр-хийладан узоқ бўлсин. Диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин. Билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм аҳли ва илмдан мол-дунёсини аямасин, барча реал ва моддий нарсалар тўғрисидаги билимни эгалласин.

Таълим сўз ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш ва тажриба билан ўрганишдир, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган шу ҳаракатга ва касб-ҳунарга берилган бўлишдир.

Ёшлар юқорида айтиб ўтилган нарсалар: касб-ҳунар, иш ва тажриба, жаҳд ва ғайратга эга бўлганлари ва шу нарсаларни ўз вужудларига сингдирганларидан кейин уларни аста-секин эгаллай бошлайдилар ҳамда юқорида айтиб ўтилган фазилатларни аниқлаб бориб, назарий билимларнинг ҳаммасида мантикий фикрлаш йўлини ишлатишга одатланидилар. Шу тартибда болаларга ўргатиш йўли билан улар камолга етгунча ана шу фазилатлар аниқланади ва тарбия қилинади.

Амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб-ҳунар)лар ва уларни бажаришга одатланиш масаласига келганда, бу, одатда, икки йўл билан ҳосил қилинади: булардан биринчиси – қанотбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, қасд-интилиш ҳаракатга айлантиради. Иккинчи йўл (ёки усул) – мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқ саҳройи халқларга нисбатан ишлатилади. Чунки улар ўз истаклари билан ғайратга кирадиганлардан эмаслар. Улардан бирортаси назарий билимларни ўрганишга киришса, унинг фазилати яхши бўлади. Кимда касб-ҳунарларни ва жузъий санъатларни

эгаллашга интилиш бўлмаса, бундай одамларни мажбур этмаслик керак. Чунки шахар халқларига тарбия беришдан мақсад – уларни фазилат эгаси қилиш ва касб аҳлларига айлантиришдир.

Дарҳақиқат, ҳар бир моддий нарса, сўзсиз ўз вужудга, ўзига хос бўлган мартаба, энг юксак камолотга эришиш учун борлиққа келган. Инсонга хос бўлган бу камолотнинг номи энг етук бахт-саодат деб аталади. Бу бахт-саодат шу юксак камолотга эришиш йўлида бўлган ҳар турли жузъий нарсаларни ўзида бирлаштиради. Халқлар ва шахар аҳлларини тарбиялаш касб-ҳунарни эгаллашга ва камолотга эришишга ўз ихтиёрлари билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари, ҳақиқий санъат аҳллари дир.

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли, яшаш учун зарур бўлган кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпаядилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашадилар, натижада инсон жамоаси вужудга келади.

Улуғларнинг Форобий ҳақидаги сўзлари

Ибн Халликон: Абу Наср Дамашққа келгач, шахар ҳокими Сайфуддавланинг хузурига киради. Шунда амир одатига кўра теварагига олиму фозилларни тўплаб, суҳбатлашиб ўтирган экан. Абу Наср амир даргоҳига кириб келганида, у ўзининг туркийча кийимида эди. Одат бўйича, бу кийимни доим ўзи билан олиб юрар эди. У аста-секин юриб келди-да, амир рўпарасида тик туриб қолади. Шунда амир Сайфуддавла унга қараб:

- Ўтиринг! – дейди.

Абу Наср унга:

- Қайси жойга, ўз даражамга қарабми ёки кийинишимга қарабми? – дейди.

- Ўз даражангизга қараб ўтиринг, - дейди Сайфуддавла.

У далил юриб, ўтирган одамлар ўртасини ёриб ўтиб, тўғри тўрга қараб равона бўлади, кейин Сайфуддавла ўтирган курси олдида тўхтади. Ҳатто амирни ўтирган жойидан сал нарига суриб ҳам юборади.

Одатда Сайфуддавла доимо гапириб бўлмайдиган яширин сўзларни ўзи ва баъзи хизматкорлари биладиган, ён-атрофдагилар эса тушунмайдиган махсус тилда гаплашувчи амир эди. Шунда амир ўша тилда ўз одамларига қараб:

- Бу бир беадаб чолга ўхшайди, мен ундан баъзи нарсаларни сўрайман, уларга тўғри жавоб беролмаса, унинг адабини бериб қўясизлар, - деди.

Амир шундай деган заҳоти Абу Наср ўша тилда унга қараб:

- Эй амир, бироз сабр қилинг, - деди, чунки, ҳар бир ишнинг оқибатига қараб ҳукм чиқарилади.

Абу Насрнинг бу гапидан Сайфуддавла хайратга тушади, кейин унга:

- Бу тилни биласизми? – деди.

Абу Наср унга жавобан:

- Ҳа, - деди, - мен етмиш тилни биламан.

Абу Наср шу гапни айтиши билан амир унга бошқача қаради ва унинг назарида унинг обрўси ошиб кетди. Кейин амир йиғинда ҳозир бўлган олимлар билан ҳар хил фанлардан гаплашиб кетди. Шунда нуқул Абу Насрнинг сўзлари устун чиқиб, бошқа олимлар гапи паст келарди. Ҳатто бора-бора йиғилганларнинг ҳаммаси суҳбатга аралаша олмай, жим қолдилар, унга фақат Абу Насрнинг ўзигина суҳбатни давом эттирар эди. Абу Наср нима деган бўлса, мажлисдагилар уни ёзиб олар эдилар. Кейин Сайфуддавла мажлисдагиларнинг ҳаммасини жўнатиб юбориб, якка ўзи Абу Наср билан суҳбатлашиб қолди. Кейин амир файласуфга қараб:

- Бирор нарса ейишга қалайсиз? – деб сўради.

Абу Наср унга:

- Ҳеч нарса емайман, - деди.

- Бирор нарса ичишга-чи? – деди амир.

- Йўқ – деди Абу Наср.

- Бўлмаса, бир латиф куй эшитишга рағбатингиз борми? – деди амир.

- Ҳа, бор, - деди Абу Наср.

Сайфуддавла анвойи куй ва нағмалар чаладиганларни чақириб келишни буюрди.

Шу билан санъатда моҳир бўлган барча ажойиб машшоқлару ашулачи қизлар олиб келинди. Чорланган машшоқликларнинг қайси бири бирор куйни чалса, Абу Наср йўл қўйдинг, деб унинг камчилигини кўрсатиб турарди. Буни кўрган Сайфуддавла Абу Насрдан:

- Бу санъатдан унча-мунча хабарингиз борми, дейман? – деб сўради.

- Ҳа, - деди Абу Наср.

У шундай деди-ю, белига тугилган тўрвасини олди, кейин уни очиб, ичидан бир неча чўп олди. Уларни бир-бирига улаб, сўнг уни чалган эди, бундан даврада ўтирганларнинг ҳаммаси ўзини тута олмай хохолаб кулишга мубтало бўлдилар. Кейин ўша мусиқа асбоби чўпларини бошқача қилиб бириктириб чалган эди, йиғилганларнинг ҳаммаси пиқ-пиқ йиғлашга тушди. Сўнгра у ўша чўпларни ўзгартириб, асбобни бошқача тартибга келтирди ва уни чалган эди, йиғилганларнинг ҳаммаси то дарвозабонгача ухлаб қолишди. Абу Наср бўлса фурсатдан фойдаланиб, ҳаммасини ухлатганича, саройдан чиқиб кетди.

Айтишларига қараганда, “қонун” деган мусиқа асбобини тузган ва биринчи бор ихтиро қилган ҳам тузган ҳам айнан Абу Наср Форобий бўлган экан.

Заҳириддин ал-Байҳақий: Шайх Абу Наср Форобийнинг исми Муҳаммад ибн тархон бўлиб, асли Туркистоннинг Фароб деган жойидан.

Бу киши “Муаллими соний – Иккинчи муаллим” деб тахаллус олган. Ислол олимлари орасида ундан олдин бунчалик ўткир одам бўлмаган эди. Ибн Абу Усайбия: Форобий етук файласуфлардан, фозил донишмандлардан бўлиб, хикматга оид фанларни мукамал билар эди. У аниқ фанларнинг моҳири, покиза, йирик аллома, мол-дунё билан иши йўқ, хокисор одам эди. У очликка чидаб тура оладиган, қаноатли бўлиб, унинг хулқи қадимги файласуфлар одобига ўхшар эди.

Абу Наср табобатдан ҳам дурустгина хабардор бўлиб, тиб илмининг назарий қисмини яхши билар эди. Аммо тиббиётнинг амалий-тажриба қисми ва жузъий бўлакларига келганда, унга чуқур киришолмаган эди.

Бу киши асли турк бўлиб, ўз юртида туғилиб ўсган. Кейин ўз юртидан чиқиб, бошқа ўлкаларга илмий саёҳат қилади, ҳатто Бағдод шаҳрига етиб келади. Форобий ўша вақтда турк тили билан бир қаторда, араб тилидан ташқари, бир неча тилни билган. Абу Наср Бағдодда араб тилини ўрганишга киришиб, уни жуд мукамал билиб олади (ҳатто араб тилида шеърлар ёзган!). кейин бу тил орқали у хикмат – фалсафий илмларни ўрганишга тушади.

Форобий доимо якка ўзи ўтарар экан. Бир қанча вақт у Дамашқда яшади. Кўпинча у серсув жойлар, боғ-роғли кўкаламзорлар, баҳаво ерларда бўлар экан. Ўшандай жойларда ўтириб олиб, китоб таълиф қилар экан. (таъриф-мутола)

Абу Насрнинг ўзи дунёпараст одам бўлмаган, у на тирикчиликка, на уй-жой қуришга эътибор берган. Сайфуддавла унга ҳар куни тўрт дирҳам ажратиб қўйган эди. Абу Наср қаноатли одам бўлганлиги учун шу билан кифояланар эди. Унинг ҳаёти шу тариқа давом этиб, ниҳоят хижрий уч юз ўттиз тўққизинчи (950) йили Дамашқда вафот этди.

Айтишларига қараганда, - деб ёзади ибн Абу Усайбия, - Абу Наср кўзи юраги ва райҳон шарбати билан овқатланар экан. Абу Наср дастлабки вақтларда қозилик билан шуғулланган, дейишади. Илм-маърифатга чуқур киришгач, бу ишини ташлаб, бор-будини илм ўрганишга қаратибди, мол-дунё билан ҳеч қизиқмас экан.

Айтишларича, у қоровуллик қилиш учун кечаси манзилидан чиқар экан-да, чироғини ёқиб, ўқишга тушар экан. У мусиқа соҳасида ҳам билимдон киши эди. Бу соҳада ҳам унинг ишлари жуда маромига етган, у ниҳоятда баркамол, илмда шундай бир даражага етганки, ундан ошиш мумкин бўлмаган.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Абу Наср Форобий яшаган давр: ижтимоий - сиёсий вазият, маънавий –маданий тараққиёт?
2. Абу Наср Форобий ҳаёт йўли ва илмий-фалсафий мероси?
3. Абу Наср Форобий қайси йилларда яшаб ижод этган?
4. Абу Наср Форобий қандай асарларини биласиз?
5. Абу Наср Форобий ўрганган асосий асарлар қайсилар?

6. Абу Наср Форобий антик давр мутафаккирларининг қайси асарларига шархлар ёзган?
7. Фаробийнинг жамият ҳақидаги қарашларини таҳлил қилиб беринг?
8. Фаробийнинг борлиқ ҳақидаги қарашларининг ўзига хослиги нимада?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Абу Наср Форобий таснифи бўйича илмлар 5 та гуруҳга бўлинади ва шу гуруҳларни аниқланг?

- а) фалсафа, табиий, ижтимоий, санъат, ахлоқ-одоб;
- б) тил, мантиқ, математика, табиий ва илохий, сиёсат;
- в) илми нужум, муқаддиматул адаб, илми ижтимоия, илми мантиқ, илми табиа;
- г) фалсафа, мантиқ, ахлоқ, табиатшунослик, сиёсий муносабатлар.

2. Форобийнинг ўзбек тилида чоп этилган китобининг номи қандай аталади?

- а) «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида»;
- б) «Илмларнинг таснифи ҳақида»;
- в) «Арасту фалсафаси»;
- г) «Фозил одамлар шахри».

3. Абу Наср Форобий фалсафанинг предмети ва мазмуни деб нимани тушунган?

- а) фалсафа - борлиқнинг умумий қонуниятлари ва хусусиятлари ҳақидаги фан;
- б) фалсафа - барча аниқ фанларни ўз ичига оловчи универсал фан;
- в) аниқ фанлар доимо фалсафанинг таъсирида мавжуд бўлади;
- г) ҳамма холларда.



Абу Райхон Беруний (973-1048)

Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973-1048). Бу исмнинг “Абу Райхон” қисми Райхоннинг отаси эканлигини, “Муҳаммад” мутафаккирнинг ўз исми, “ибн Аҳмад” Аҳмаднинг ўғли эканлигини англатади. Беруний нисбаси эса унинг тахаллуси.

Абу Райхон Беруний ўрта асрнинг буюк қомусий олими – энциклопедисти. У бир вақтнинг ўзида астроном, астролог, математик, геолог, географ, ўлкашунос, биолог, медик, ўсимликшунос, маъданшунос, тарихчи, манбашунос, диншунос, адабиётшунос, файласуф, социолог, мантиқшунос, илоҳиётчи, олим ва шоир бўлган. У ҳақда унинг ўз даврида шуғулланган соҳасини санашдан кўра шуғулланмаган соҳасини санаш осонроқ эди, дейиш мумкин. Беруний астрономияга, астрологияга (осмон жисмларини кузатувчи асбоб), геодезияга, минералогияга, фармокогнозияга, географияга, астрологияга, топономикага, диншуносликка, тарихга оид махсус асарлар ёзган.

Беруний 973 йил 9 сентябрда (ҳижрий 362 йил зулҳижжа ойининг 3-кунида) Хоразмнинг қадимий пойтахти ҳисобланган Кот (Кат) шаҳрида туғилган. Айрим манбаларда Беруний Кот шаҳрининг ташқарисида туғилган, шу сабабли у “Беруний”, яъни “ташқарилик” деган тахаллус билан аталган дейишади. Абдулкарим ас-Самъоний (ваф.1165) “Насаблар китоби” номли асарида шундай деб ёзади: “Беруний деган нисба Хоразмнинг (яъни, унинг пойтахти Кот шаҳрининг) ташқари қисмига оиддир. Кимки шаҳардан ташқарида туғилган бўлса, бундай одамни “фалончи беруний” дейдилар. Мунажжим Абу Райхон шундай нисба билан машҳурдир”. Кот шаҳри X асрда хоразмшоҳлар – африғийлар сулоласининг пойтахти, Ўрта Осиёнинг энг йирик савдо марказларидан бири эди. Бу даврда Хоразм билан Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Эрон, Кавказ ва Европа давлатлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар анча ривожланган эди. Хоразмликлар асосан мўйна, қорамол, балиқ ва ҳунармандчилик буюмлари билан савдо қилишган. Хитойдан чинни ва ипак буюмлар, Ҳиндистондан зираворлар харид қилишган. Европалик, рум ва суриялик савдогарлар турли-туман

хунармандчилик, заргарлик буюмларини келтиришган. Хоразмда хунармандчиликнинг кулолчилик, шишасозлик, заргарлик, тўқувчилик, кандакорлик ва ёғоч ўймакорлиги турлари ривожланган. Қадимги Хоразмда математика, астрономия, геодезия, математика география фанлари тараққий этиб келган. Бу илмларга қизиққан кишилар дунёнинг узоқ-узоқ бурчакларидан Хоразмга келишган. Кот шаҳрида хитойлик, суриялик, румлик, юнонистонлик ва ҳатто андалусиялик (испаниялик) кишиларни ҳам учратиш мумкин эди, деб ёзишади тарихчилар. Улар нафақат илм ўрганиш учун, балки ўз илмларини ёйиш учун ҳам келишарди. Бу ҳолат Хоразмда илм эгаллашга кенг шароит яратилганидан далолат беради. Беруний ана шундай муҳитда ақлини таниди ва ёшлигидан илмга меҳр қўйди. Беруний ўзининг ёшлиги ҳақида хотирлаб: “Мен бир Юнонистондан келиб қолган олимдан турли хил ўсимликларнинг юнончада қандай аталишини сўраб, бир дафтарчамга батафсил ёзиб борар эдим ва уларни ёдлаб олардим”, - деб ёзади. Кот шаҳри бир неча бор истилочилар томонидан қайта-қайта вайрон қилинган ва ҳар сафар янгитдан тикланганда бошқа номлар билан атала бошлаган. Яқин тарихда бу шаҳар 1957 йилгача Шаббоз (Шайх Аббос Вали) деб атаб келинган ва 1957 йили Беруний шаҳри ҳозир Қорақалпоғизтон Республикаси ҳудудида жойлашган.

Берунийнинг оила аъзолари, ота-боболари ва насл-насаби ҳақида маълумотлар сақланмаган. Берунийнинг ёзишича, унинг онаси ўтин териш билан тирикчилик қилган. Бу маълумот Берунийнинг муҳтожликда кун кечирувчи оилада вояга етганилигидан далолат беради.

X асрнинг иккинчи ярми ва XI аср Хоразмда илм-маърифат ниҳоятда ривожланган бир давр эди. Бир томондан Хоразмда Авесто ғоялари ва зардуштийлик дини билан боғлиқ қадимий илмлар равнақ топган бўлса, иккинчи томондан Қадимги Юнонистондан келган фалсафий таълимотлар, Эрондан келган мажусийлик, коҳинлик анъаналари, исавийлик, мусавийлик, Кушонлар даврида тарқалган буддавийлик ва ниҳоят ислом дини ва маданияти халқнинг маънавий дунёсига таъсир қилган давр эди. Беруний яшаган даврларда араб олимларининг таълимтолари, Қуръон ва ҳадисларга асосланган ғоялар кенг тарқалган эди. Шундай бир синтетик маданиятлар ривожланган шароитда халқнинг илғор зиёлилари турли тилларни эгаллашга интилишган. Беруний ҳам қадимги хоразм тилидан ташқари, араб, суғдий, форс, юнон, сурёний ва қадимги яхудий тилларини пухта билган ва шу тилларда ёзилган адабиётларни ўқий олган. Кейинчалик Маҳмуд Ғазнавий билан Ҳиндистонга борганида санскрит (қадимги ҳинд тили) тилини ҳам ўрганиб олган. Беруний яшаган даврда Қуръонни ёд олиш одати кенг ёйилган эди. Бу одат кишиларнинг хотирасини чиниқтирган ва турли тилларни ўрганишга рағбатни кучайтирган. Бундан ташқари, хоразмликларнинг хотирага зўр беришларининг сабабини Беруний шундай изоҳлайди: “Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни халок этиб,

буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди... Кейин Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг котибларини халок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдирганлиги сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар”. Араблар ВИИ-ВИИИ асрларда бутун Марказий Осиёни босиб олиш учун юриш бошлаган. Араб саркардаси Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий ўта шавқатсизлик билан юриш қилиб, Қадимий Хоразмнинг маданий ёдгорликларини, ибодатхоналарини вайрон қилади, китобларини гулханда ёндиради. Қадимий Хоразм фан-маданиятини яхши эгаллаган. Қадимий кўлёмаларни ўқий оладиган олимларни қатл қилади. IX-X асрларга келиб сомонийлар салтанати вужудга келгач, фан ва маданият яна юксала бошлайди. Туркий халқларнинг шарқий ҳудудларида мустақил давлатчилик анъаналарини тиклаб олган Қорахонийлар 995-997 йиллари сомонийлар давлатига қарши юриш қилади. Кот шаҳри Урганч амири Маъмун И (995-997) томонидан босиб олинади ва африғийлар сулоласи барҳам топади. Қорахонийлар аста-секин бутун Мовароуннаҳрни эгаллайди. Улар араб ҳукмдорлари билан келишиб, Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларни бутунлай ўзларига қаратиб олади. 997-1017 йилларда ҳокимият Маъмун биринчининг ўғли Маъмун иккинчи қўлига ўтади. У пойтахтни Урганчга кўчиради ва анча маърифатпарвар инсон бўлганлиги сабабли илм-фан тараққиётига раҳнамолик қилган. Урганчда “Маъмун академияси” ташкил этилади. Кўп мамлакатлардан илм-фан билан шуғулланувчи олимларни бу ерга олиб келиб, уларга яхши шароитлар яратилади. Беруний шу олимларнинг етакчиларидан бири эди. Унинг атрофида яхши илмий жамоа тўпланган. Бу даврда юртимизда илм-маърифат, фан ва маданият яна юксала бошлаган. 1017-1018 йиллар Хоразмда яна нотинчлик даври бошланди. Бир томондан Мовароуннаҳрда қорахонийлар ҳукмронлиги, иккинчи томондан Хуросон ва Афғонистонда ўрнатилган Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлиги (998-1030) ўртасидаги низолар Хоразмда шаклланган маърифат ўчоғининг барбод бўлишига олиб келди. Беруний умрининг охиригача ғазнавийлар қўлида хизмат қилади. ХИИИ асрнинг иккинчи ярмида яшаган машҳур ҳаким ва хаттот Ғазнафар ат-Табризийнинг ёзишча, Абу Райҳон Беруний 1048 йилнинг 13 декабрида (440 ҳижрий йил ражаб ойининг 3-кунида) Ғазна шаҳрида вафот этган. Бу олим Берунийнинг сўнгги асари “Сайдана”ни кўчирган. Берунийнинг таржимаи холини ёзган тарихчи олим Абу Абдуллоҳ Шаҳобиддин Ёқуб (Ёқут) ибн Абдуллоҳ ар-Румий Ҷамавий (1179-1229)нинг ёзишча, Беруний вафот этганида, анча кексайиб, 80 ёшдан ўтиб қолган эди деб, унинг вафотини ҳижрий 443 йил (милодий 1051-1052) деб ёзган.

Беруний ёшлигида устози машҳур олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур ибн Алидан (?-1036) таълим олиб илм сирларини ўрганган. Беруний бу устозини кўпгина асарларида хурмат билан тилга олиб ўтади. Ибн ироқнинг ҳам Берунийга меҳри кучли бўлган. У астрономия, геомертия ва

математикага оид 12 та асарини шогирди Абу Райхон Берунийга бағишлаб ёзган ва бу улуғ шогирдини кўп асарларида ҳурмат билан тилга олган. Ибн Ироқ Берунийни Евкалид геометрияси ва Птоломейнинг астрономик таълимоти билан таништирган. У ўз шогирдининг ниҳоятда истеъдодли эканлигини таъкидлаб, Берунийнинг ёшлигида мустақил астрономик кузатиш ишларини олиб борганлигини (994-995 йиллар), бунинг учун махсус астрономик асбоб ҳам ихтиро қилганлигини ёзиб қолдирган. 995-997 йиллари Кот Маъмун И томонидан босиб олинганидан кейин африқийлар сулоласи тугатилади. Шу даврда тахтдан туширилган амир хизматида бўлган Берунийнинг ҳаёти ҳам хавф остида қолади ва у 22 ёшида Хоразмни тарк этишга мажбур бўлади. У дастлаб Каспий денгизнинг жануби-шарқида жойлашган Журжон шаҳрига бориб, у ерда муҳожирликда яшайди. Сўнгра Эроннинг Рай шаҳрига бориб истиқомат қилади ва у ерда ниҳоятда фақирликда кун кечиради. Ҳатто илмий муноразаларда ҳам пулдор олимлар унинг муҳтожлиги устидан масхара қилиб кулишарди. Бу ҳақда Беруний шундай эслайди: “Рай шаҳрида бир олим астрономия соҳасида мен билан баҳсга киришади ва гарчи у илмда мендан анча паст турса-да, мендан ўзини юқори олиб, ҳатто каминани ҳақорат ҳам қилди. Ваҳоланки, орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди., холос. Чунки мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришонҳол эдим”. Беруний Рай шаҳрида исфаҳонлик бир савдогар дўстининг уйида меҳмон бўлиб яшаган. Ўрта Осиёда вазият мўътадиллаша бошлагач, олим Райдан яна Журжонга қайтиб келади ва бу жойда иккинчи устози – табиб, астроном ва файласуф Абу Салх Исо бин Яҳё ал-Масихий ал-Журжоний (?-1010) билан танишади, ундан таълим олади. Шунингдек, Берунийнинг Абдул Аввал ибн Абдусамад исмли устозини султон Маҳмуд Ғазнавий карматликда айблаб қатл эттирган. Бу ҳақда Ёқуб Ҳамавий ёзиб қолдирган.

928-1042 йиллар жануби-ғарбий Хоразм ва Каспий денгизи олди вилоятларига зиёрийлар сулоласининг машҳур вакили Қобус ибн Вашмгир ҳукмронлик қилган. Бу ҳукмдор Берунийга вазирлик лавозими таклиф қилган, аммо Беруний бу лавозимни рад этиб илм билан шуғулланишга жазм қилади. 1000 йили Беруний жаҳон фани тарихида қимматбаҳо манба ҳисобланган “Осори ал-боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарини ёзади ва мазкур асарни “Шамс ал-Маолий” (“Олий мартабалар куёши”) лақаби билан машҳур бўлган ҳукмдор Қобус ибн Вашмгир (1012 йили ўлдирилган)га бағишлайди. Қобус ибн Вашмгир ҳукмдорлар орасида илм-маърифатга берилган, адолатпарвар инсон бўлган. Берунийнинг ёзишича, у “халққа адолатли, тангрининг дини ва ҳақиқа ёрдамчи, мусулмонлар ҳарамларини кўриқловчи, улар мулкларини талон-тарожлардан асровчи йўлбошчи қилиб, бандаларини ўзидан миннатдор этди”. Ушбу ҳукмдор шиа мазҳабининг тарафдори бўлган. Беруний унинг саройида яшаган даврларида ўзини шиа мазҳабига ён босгандай қилиб кўрсатади, аммо “Осори ал-боқия” асарида шиаларни

танқидий баҳолаган. Беруний динда мўътадилликни ёқлаган ва барча мазҳабларга нисбатан бағрикенглик билан қараш тарафдори бўлган. 1005 йили Беруний ўз юртига – Хоразмга қайтади. 1010 йили Абул Аббос Маъмун ИИ ибн Маъмун (?-1017) Берунийни Хоразмнинг янги пойтахти Урганчга олиб келишга фармон беради. У Берунийни устоз сифатида хурмат қилади. Беруний ҳам “Хоразмнинг машхур кишилари” деган асарда Абул Аббос Маъмун И нинг ўғли Маъмун ИИ аббосийлар халифалигининг 3-авлоди эди. У ўзининг бобоси Хорун ар-Рашид изидан бориб илм-фан тараққиётига ҳомийлик қилади. Хоразмда илмий академия ташкил қилади. Бу “Хоразм Маъмун академияси”да Абу Саҳл ал-Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, табиб Абул Ҳасан Ҳаммор, машхур тарихчи Ибн Мискавайҳ (ваф.1030), Ибн Сино ва Беруний сингари замонасининг таниқли олимлари тўпланган эди. Беруний Маъмун ИИ саройида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган ва у ўз мавқеидан фойдаланиб, қимматбаҳо тошлар, камёб металллар устида кузатишлар олиб бориб, минералогия соҳасида катта китоб ёзади. “Китоб ал жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир” (“Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами”) минералогияга оид йирик асар бўлган. Маъмун саройида Беруний 7 йил ишлайди. Замонасининг етук олими Абу Али ибн Сино (980-1037) билан илмий ҳамкорлик қилган, муноразалар олиб борган. Берунийнинг Ибн Сино билан физик қонуниятларга оид ёзишмаларининг бир қисми сақланиб қолган. 1017 йили Хоразмга ғазнавийлар ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий хужум қилади. Маҳмуднинг келишидан хабардор бўлган Маъмун II сарой аъёнлари ва олимларни тўплаб, уларга, агар хоҳласа Маҳмуд Ғазнавий саройида хизмат қилишни давом эттириши, хоҳламаса вақт борида Урганчдан кетиши лозимлигини уқтиради. Кўпчилик амалдорлар ва баъзи олимлар, улар орасида Ибн Сино ҳам, саройдан кетишга қарор қиладилар. Бу вазиятдан фойдаланган муҳолиф кучлар 1017 йили Маъмунга суиқасд уюштиришади. Маъмун ўлимидан сўнг Беруний ҳам саройдаги бошқа олимлар қатори Маҳмуд Ғазнавийнинг асири сифатида Ғазна шаҳрига олиб кетилади. Бу Беруний учун жуда таҳликали аҳвол эди. Маҳмуд Ғазнавий фармонида кўра, Беруний билан Абдусамад Аввал қатл этилиши лозим эди, чунки улар Маъмун ИИ нинг садоқатли амалдорлари қаторига кирар эди. Маҳмуднинг вазири Хўжа Ҳасаннинг орага тушиши туфайли Беруний омон қолади. 1017 йилдан то 1030 йилгача Беруний Ғазнавий кўл остида таҳликали ҳаёт кечиради. Маҳмуд доимо ўзининг барча юришларида, Ҳиндистонни забт этишида мунажжим сифатида Берунийни ўзи билан бирга олиб юрарди. У Берунийни бир неча бор ўлимга ҳукм қилади, зиндонга ташлайди, хуллас, Беруний Маҳмуднинг қош-қовоғига қараб яшашга мажбур эди. Маҳмуд саройида ҳам Беруний ўзининг илмий изланишларини тўхтатмаган, Ғазнавийнинг Ҳиндистонга юриши даврида тўплаган маълумотлари асосида йирик “Ҳиндистон” (“Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш”) номли асарини ёзган. Бу асар ҳозиргача ўзининг илмий-назарий қийматини йўқотмаган. 1030 йили Маҳмуд вафот этгач, унинг васиятига

кўра кичик ўғли Муҳаммад тахтга ўтиради. Аммо бир неча ойдан кейин Маҳмуднинг катта ўғли Масъуд (1030-1040) укасини тахтдан ағдариб, ҳокимиятни ундан тортиб олади. Масъуд даврида Берунийнинг аҳволи яхшиланади, чунки, Масъуд Берунийга хайрихоҳ бўлиб, ундан кўп нарсаларни ўрганган эди. Беруний Масъуднинг араб тилини ўрганишига ёрдамлашган, астрономия асосларини эгаллашига кўмаклашган. Масъуд эса Берунийнинг хурматини жойига қўйиб, унинг илм билан шуғулланишига яхши шарт-шароитлар яратиб, ҳар доим инъом ва ҳадялар билан тақдирлаб турган. Масъуднинг ҳомийлигидан миннатдор бўлган Беруний унга бағишлаб “Масъуд конуни” деган асар ёзган. Шу асарнинг сўзбошисида Масъуд ҳақида “у... илмга хизмат қилишим учун очиқ юз билан имконият берди, чунки у менга зийнат либосини кийгизиб иноят кўрсатди”, - деб ёзади Беруний. Бу асар астрономия ва математика илмларига оид мукамал қўлланма сифатида ўша даврдан илгарилари шу соҳаларга оид яратилган барча асарларнинг энг аълоси эди.

Берунийнинг шогирдлари ҳақида қуйидаги маълумотлар бор. Аввало, Абул Аббос Маъмун ИИ ибн Маъмун ўзини Берунийга яқин тутиб, ундан сабоқлар олган ва ўзини Берунийнинг шогирдиман деб ҳисоблаган. Айрим манбаларда Берунийнинг Масихий ва Абу Али Ҳасан исмли шогирдлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Шунингдек, Қобус ибн Вашмгир саройида ҳам Берунийдан сабоқ олган шогирдлари бўлган, аммо уларнинг номлари сақланиб қолмаган. Маҳмуд Ғазнавий ҳам баъзан Берунийга устозим деб мурожаат қилган. Унинг катта ўғли Масъуд ҳам Берунийни энг улуғ устозим деб билган ва унга ҳомийлик қилган. Беруний бу шогирдига бағишлаб “Ал-Қонун ал-Масъудий” асарини ёзган Беруний билан Ибн Сино бир-бирига устоз ва бир-бирига шогирд бўлишган. Уларнинг бир-бирига ёзган саволларидан 18 таси бизгача етиб келган. Бу ёзишмалар икки забардаст олимнинг бир-бирига бўлган эҳтиромининг нақадар кучлилиги сезилиб туради.

1035-1036 йиллари Беруний ўзи ёзган асарлари рўйхатини узган ва мазкур рўйхатда 113 та асарнинг номини келтиради. Бу асарлардан 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси география ва геодезияга, 3 таси минерологияга, 4 таси картографияга оиддир. Агар олимнинг шундан кейин яшаган 13 йил ичида ёзган 50 дан зиёд асарларини ҳам қўшадиган бўлсак, уларнинг умумий сони 160 дан ошади. Айрим манбаларда Беруний 200 дан зиёд асар ёзганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди. Беруний ёзган ҳар бир асар ўзига хос эндциклопедия эди. Масалан, унинг дастлабки асарларидан “*Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар*” (“Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия”) асари қадимги Хоразмда ўтган халқларнинг, қадимги яхудийлар, насронийлар, мажусийлар, ва мусулмонларнинг урф-одатлари, анъаналари, байрамлари, тақвимлари, дини, пайғамбарлари, муқаддас китоблари ҳақидаги барча маълумотларни ўзида тўплаган яхлит энциклопедия бўлиб, у Европада “Хронология” номи билан машҳурдир. Бу асарни олим 27 ёшида, яъни 1000 йили ёзиб тугаллаган. Асар араб тилида ёзилган ва Қобус ибн Вашигирга бағишланган. Бу асарнинг биринчи

нашрини немис олими, берунийшунос Эдуард Захау 1876-1887 йилларда Лейпцигда босиб чиқаради. 1879 йили унинг инглизча таржимасини нашрдан чиқаради. 1950 йили шарқшунос олим А.Расулов асарнинг бир қисмини ўзбекчага таржима қилади, 1957 йили бу асар арабшунос олим М.А.Салъе томонидан рус тилига таржима қилинади ва нашр этилади. 1968 йили А.Расулов томонидан бу асарнинг ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси “Фан” нашриётида босилиб чиқади. Берунийнинг **“Китоб ул-мақолот вал-арз вад-диёнот”** (“Мақолалар, эътиқодлар ва динлар ҳақида китоб”), **“Китоб фи ахбори Хоразм”** (“Хоразм хабарлари ҳақида китоб”), **“Китоб тарихи айём ас-султон Маҳмуд ва ахбори абиҳи”** (“Султон Маҳмуд даври тарихининг китоби ва отаси ҳақидаги хабарлар”) каби китоблари ҳали топилмади. Уларни жаҳон кутубхоналари ва шахсий китоб хазиналаридан ахтаришни давом эттириш лозим. Беруний Журжон ҳукмдори Вашмгир саройида яшаб юрган даврида қимматбаҳо тошлар ва минераллар ҳақида “Минерология” асарини (“Китоб ал жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир” – “Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами”) ёзган. Бу асар ҳозирга қадар ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмаган. Бу асарда муаллиф 300 дан зиёд минераллар ва уларнинг физик (қаттиқлиги, солиштирма оғирлиги, ранги, қирраларининг тузилиши ва бошқалар), химиявий (таркибида қандай моддалар борлиги, сув ва оловга чидамлилиги) хусусиятларини тушунтириб берган. Берунийнинг “Минерология” асарини 1963 йили СССР Фанлар академияси нашриётида москвалик шарқшунос А.М.Беленицкий рус тилида нашрдан чиқарди. Китоб шундай номланади: **“Беленицкий А.М. Очерк жизни и трудов Бируни, “Собрание введений для познания драгоценностей” (минералогия) “ М., Изд-во АН СССР, 1963.** 1025 йил 18 ноябрда Беруний “Геодезия” (“Таҳдид ниҳоёт ил-амокин ли тасҳиҳ масофот ал-масокин” – “Турад жойлар орасидаги, масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш”) асарини ёзиб тугатган. Геодезияда математик география асослари муфассал баён қилинади. Бу асар 1966 йили Тошкентда Истанбул нашридан рус тилига таржима қилиб нашр қилинди. **“Мунажжимлик, санъатдан бошланғич тушунчалар”** асари 1029 йили Ғазнада ёзилган бўлиб, унда астрологияга оид асосий тушунчалар содда қилиб изоҳлаб берилган. Уни Европача қилиб, “Астрология” деб атасак бўлади. Бу асарни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу РАйхон Беруний номидаги шарқшунослик институти олимлари ва Москва шарқшунослари А.Аҳмедов, Б.А.Розенфельд, М.М.Рожанская, А.Абдурахмонов ва Н.Д.Сергеевалар ҳамкорликда рус тилига таржима қилишиб, “Книга вразумения начаткам науки о звездах” деган ном билан 1975 йили “Фан” нашриётида нашр этилди. У даврда астрология тушунчасини қўллаш китобнинг нашр этилишига халақит берар эди. Шу сабабли китоб номи ғалатироқ бўлиб қолган. **“Ҳиндистон”** (“Таҳқиқ молил ҳинд мин мақбула фи-л-ақл ав марзула” / “Ҳиндларнинг ақлга сиқадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш”) деб номланган асари 1030 йили ёзиб тугатилган. Бу китоб Ҳиндистон халқлари

тарихининг турли соҳалари (аниқ фанлар, адабиёт, фалсафа, элшунослик, этнография, география, демография, қонунлари ва урф-одатлари, дини, диний ривоятлари, ҳинд ёзувининг турлари) ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Шунингдек, Беруний бу асарида санскрит тилидаги манбалардан кенг фойдаланган. Бу тил бизгача етиб келмаган. Беруний эса бундан минг йил илгари бу тилни махсус ўрганган. Китобнинг арабча матни 1887 йили, инглизча таржимаси эса 1888 йили Лондонда Э.Захау томонидан нашр этилади. Арабча матн 1858 йили Ҳайдарободда ҳам нашрдан чиқарилган. Бу китоб 1963 йили рус тилида, 1965 йили эса ўзбек тилида нашрдан чиқарилган. **“Масъуд қонуни”** (“Ал-Қонун ал-Масъудий”) номли асарни 1030 йилдан кейин Ғазна султони Масъудга бағишлаб ёзади. Унда математик астрономиянинг асосий қоидалари, ёритқичларнинг координаталари, уларнинг ҳаракатланиш тартибларини ҳисоблаб чиқариш йўллари батафсил тушунтирилган. Бу китобда баён этилган таълимотларнинг аксариятини Беруний “Қуръон” оятлари билан солиштирган. Бу унинг “Қуръон”ни яхши билганлигидан далолат беради. Шунингдек, мазкур китобда Беруний тузган юлдузлар жадвали – Беруний зижги ҳам илова қилинган бўлиб, мазкур жадвалда 1029 та юлдузнинг координаталари ва юлдуз катталиклари Птоломей ва араб астрономи ас-Сўфи жадвалларига асосланиб берилган. Бу асар биринчи бор бир қанча араб қўлёзмалари асосида Ҳайдарободда нашр қилинади. Рус тилида Москвада 1962 йили босиб чиқарилган. Ўзбекистонда эса 1973 йили рус ва ўзбек тилларида 2 китобдан иборат қилиб “Фан” нашриётида босилди. Беруний “Ҳиндистон” асарида Ернинг ҳаракатланиши ҳақидаги мулоҳазаларини баён этар экан, бу асарни ёзишдан илгари Ернинг ҳаракатланиши тўғрисида “мифтоҳу илми-л-хайъа” (“Астрономия калити”) деган асарида чуқурроқ тўхталганлигини баён этган. Лекин бу асар бизгача етиб келмаган. Беруний умрининг охирида, яъни 1045-1048 йилларда **“Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”** (“Китаб ас-сайдана фи-т-тибб”) асарини ёзган. Бу асар тарихга “Сайдана” (“Фармкогнозия”) номи билан кирган бўлиб, унинг тўлиқ қўлёзмаси XX асрнинг 20-30 йилларида Туркияда топилган. Бу асарда Шарқда, хусусан Туркистонда ўсадиган барча доривор ўсимликлар ва уларнинг фармокологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган. Бу асарни таниқли шарқшунос олим У.И.Каримов рус тилига таржима қилиб, 1974 йили “Фан” нашриётида босмадан чиқарган. Берунийнинг ўзи “Ҳиндистон” асарида ёзишича, унинг “астрономия калити” номли рисоласи бўлган ва мазкур рисолада Ер шари ҳаракатланишининг хусусиятларини батафсил тушунтириб берган. Бундан ташқари, Берунийнинг адабиётшуносликка, динлар тарихига, калом таълимотига, ҳадисларга оид мақолалари, бадий йўналишдаги, асарлари – ҳикоялари, ривоятлари ва шеърлари ҳам бўлган. Уларни ҳам қидириб топиш, тўплаш, нашр этиш манбашунослар, тарихчилар, шарқшунослар қаршисида турган хайрли ва табаррук вазифалардан биридир.

Ҳозирги замон фанларининг барчасида Берунийнинг илмий кашфиётларидан у ёки бу тарзда фйодаланишади. Беруний ўз кашфиётлари билан ҳисса қўшмаган фан соҳаси бўлмаса керак.

1. У биринчи бўлиб Ер шари глобусини яратган ва бу ихтиродан барча географ олимлар бугунги кунда баҳраманд бўлишмоқда.

2. Беруний астрономия соҳасига катта ҳисса қўшган. У гарчи оламнинг тузилишига Птоломейнинг геоцентрик (яъни, оламнинг марказида Ер шари туради, деб ҳисоблайдиган) системасидан туриб ёндашса ҳам, бу масала оригинал тарзда, яъни Ер шарини ҳаракатланувчи система деб ёндашади. Бундай қараш ўша даврларда Ерни ҳаракатсиз деб ҳисобловчи хукмрон қарашларга зид келувчи илмий жасорат эди. Беруний “Ҳиндистон” асарида шундай деб ёзади: “Ернинг айланиш ҳаракати астрономия фани ҳисобларига ҳеч қандай зид келмайди, балки Ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текис давом этаверади”. Бу ғояда инерциал системалар ҳақидаги фикр мужассамлашгандир. Бундай фикрга Галилео Галилей (1564-1642) Берунийдан 600 йил кейин келган.

3. Беруний “Истаган хил астроябияни тайёрлашнинг турли усуллари ҳақида” деб номланган асарида Абу Саъид ас-Сижзийнинг астроябияси хусусида тўхталиб, “Унинг негизи осмон ҳарактланишига эмас, балки Ернинг ҳаракатланишига асосланганлиги учун мен уни жуда ҳам ажойиб кашфиёт деб ҳисоблайман”, - деб ёзади. Беруний ўзининг геоцентризмга бўлган шубҳаларини “Геодезия” асарида ҳам очиқ баён этган. Берунийнинг бу йўналишдаги фикрлари гелиоцентризмнинг вужудга келишига йўл очди ва поляк астрономи Николай Коперник (1473-1543) Берунийдан 500 йил кейин оламнинг гелиоцентрик системасини ўртага ташлади.

4. Беруний турли хил астрономик кузатиш асбобларини ҳам ясаган. Улардаги кузатиш принциплари бугунги кунгача ўз қийматини йўқотмаган.

5. Беруний осмон ёритқичларининг ҳаракатланиш траекториялари доира шаклида эмас, балки эллипс шаклида эканлиги ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб илгари сурган ва уни ҳисоблаш усулларини кашф этган. Бу усуллар Европада янги даврга келиб И.Кеплер томонидан ниҳоясига етказилди.

6. Беруний Журжонда яшаган пайтларида Қуёшни кузатишга ҳам жиддий эътибор қаратади, астрономияда биринчи бўлиб Қуёш тожининг хусусиятларини тўғри талқин қилиб берди ва Қуёшни кузатишга жуда берилиб кетганлигидан бир қанча вақт кўзлари ёруғликни сезмай қолганлигини ўз хотираларида ёзиб қолдирган.

7. Беруний ёритқичлардан келаётган нурлар нафақат ёруғлик тўлқини, балки заррачалардан иборат эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Ёруғлик бир вақтнинг ўзида ҳам тўлқин, ҳам заррача табиатига эгадир, деган ғоя XX асрдагина ўз исботини топди.

8. Беруний математика фанига жуда катта ҳисса қўшган олимлардан. У биринчи бўлиб тригонометрияни алоҳида мустақил фан сифатида таҳлил этди.

9. “Масъуд қонуни” асарида ясси ва сферик тригонометрияни баён қилиб, тригонометрик функцияларнинг чизиқли ва квадрат интерполитив қоидасини яратди.

10. Беруний география, геодезия, геология фанларига ҳам сезиларли ҳисса қўшган. “геодезия” ва “Минералогия” номли асарлари бевосита юқорида айтилган фанларга оиддир.

11. Беруний “Ҳиндистон” асарида Ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқликнинг нисбати тўғрисида тўхталиб, шундай ёзган: “Ернинг чораги маъмурдир. Маъмурани ғарб ва шарқ томондан Муҳит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турибди. Бу муҳит океани, Ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан икки ёқдан (ғарб ва шарқдан) ажратиб туради...”, деб ёзган. Бу фикрни “Масъуд қонуни”да ҳам таъкидлайди.. хуллас, Беруний математик ҳисоб-китоб асосида Колумбдан қарийб 450 йил илгари ҳозирги Америка қитъаси бўлиши мумкинлигини башорат қилган.

12. Беруний Атлантика ва Тинч океанларининг жанубий қисми бири-бири билан туташганлигини исботлаган, Ер шарининг жанубий томонида муз қоплаган қуруқлик бўлиши керак, деб фараз қилган.

13. Беруний географик кенгликни ҳисоблашда қўллаган усул ХВИ асрда Тихо де-Браге томонидан кашф этилган деб келинади, ваҳоланки, бу усулни Беруний ундан 6 аср илгари ишлатган.

14. Жинсларнинг геологик келиб чиқиши, қуруқликнинг денгизларга, денгизларнинг қуруқликка айланиш назарияларини Беруний ишлаб чиққан.

15. Жисмларнинг Ер марказига қараб тортилиш кучи ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб Беруний илгари сурган.

16. Беруний минералогия ва иқлимшунослик фанларига ҳам жиддий ҳисса қўшган. Минералларнинг таркибий тузилиш, кристалланиш ходисаси, ёруғлик нури таъсирида кристалларнинг товланиши табиати ҳақидаги ғояларни ҳам Беруний ишлаб чиққан.

17. Беруний планеталарнинг кўплиги ва хилма-хиллиги ҳақидаги фалсафий ғояни илгари сурган. Бу ғоя 600 йилдан сўнг Жордано Бруно (1548-1600) томонидан айтилди ва у шу ғоя туфайли инквизициянинг гулханида ёндирилди.

18. Беруний ижтимоий ҳодисалар, жамият тараққиётида ижтимоий муҳитнинг ўрни, одамлар табиатига, кўринишига географик иқлимнинг таъсири, меҳнат қуролиларининг жамият тараққиётидаги ўрни, кишиларнинг моддий эҳтиёжлари, мулк ва мерос масалаларини биринчи бор социологик таҳлил қилган.

Абу Райҳон Беруний мероси мустаққиликдан илгари ҳам ўрганилган. Аммо у даврда асосан Берунийнинг табиий-илмий мероси материалистик

дунёқараш нуқтаи назаридан ўрганилган эди. Мустақиллик давридагина Беруний мероси кенг қамровли ёндашувга йўл очилди. Унинг “Қуръон карим” ва “Ҳадиси шариф”га муносабати, диний мазҳаблар тадқиқи муносабати бугунги кунда олим ва уламоларимиз томонидан кенг тадқиқ этилмоқда. Берунийнинг номаълум асарларини излаб топиш давом эттирилмоқда. Беруний раҳбарлик қилган Хоразмдаги “Маъмун академияси”нинг минг йиллиги халқаро миқёсда нишонланди ва бу тадбирларда олимнинг хизмати юқори даражада қайд этилди. Берунийнинг жаҳон фани тараққиётига қўшган хиссасини таъкидловчи асарлар ёзилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Берунийнинг Ғазнадаги қабрини Ўзбекистон Республикасидан юборилган махсус экспедиция аъзолари зиёрат қилишди ва таъмирлаш ишларини олиб боришди. Келажакда Афғонистон ҳукумати билан Ўзбекистон ҳукумати келишган ҳолда Абу Райҳон Берунийга махсус мақбара қуриш ва Алишер Навоий мақбарасини қайта қуриш, у жойларда ободонлаштириш ишларини амалга оширишни режалаштиришмоқда. Мустақиллик даврида Беруний асарларининг оммага маълум бўлмаган қирраларини кўрсатувчи оммабоп нашрларни чиқариш йўлга қўйилди. Беруний ёшлигидан синчков, масалага рационал ёндашувчи киши бўлган. Ҳукмдорларга ҳам, уларнинг кўнгли учун ёлғон гапирмаган. Маҳмуд Ғазнавийни кўп ножоиз ишлардан қатъият билан қайтарган. Беруний ростгўйлиги туфайли кўпинча хоқим ва амалдорларнинг ғазабига учраб ноҳақ жазоланган. Маҳмуд Ғазнавий бир неча марта Берунийни ўлимга ҳукм қилган. Шунга оид бир ибратли ҳодисани берунийшунос олимлар ёзиб қолдиришган.

* * *

Кунлардан бирида Маҳмуд Берунийни синамоқчи бўлиб, унга савол берибди:

- Эй мунажжим! Айтинг-чи, Қуръони каримда башоратчилик қораланган, лекин, айрим мунажжимлар Қуёш ва Ой тутилишини олдиндан башорат қиламан деб даъво қилишади. Сен ҳам шу фикрдамисан?

- Мен масалага мантиқан ёндашиш тарафдориман. Шундай ҳодисалар борки, уларнинг ҳаракатланишини ўлчаб, агар унга ташқи куч ҳалақит бермаса, фаол нарса, фалон вақтда, фалон жойда бўлади, деб башорат қилиш мумкин. Шундай ҳодисалар борки, уларнинг ҳолати биз биладиган таъсирлардан яширинган бўлади, уларнинг сабабини билмаганимиз учун башорат қилиб бўлмайди. Қуръони каримда ана шундай ҳодисаларни назарда тутиб сохта башоратчилик, фолбинлик қораланган. Ёлғончилардан бизни худонинг ўзи асрасин. Осмон ёритқичларининг ҳаракатланиши бир текисда ўзгаришсиз боради ва муайян қонуниятларга бўйсунди. Шу сабабли уларни олдиндан айтиб бериш мумкин. Фалакиёт илмига таяниб, Қуёш ва Ой тутилишини олдиндан башорат қилиш мумкин. Маҳмуд бу фикрни эшитгач, ғазаби қайнайди ва атайлаб Берунийни мулзам қилиш ниятида яна савол беради:

- Эй “башоратчи”, сен ҳозир мен шу бинонинг қайси эшигидан чиқишимни ўз илмингга таяниб топгин-чи?

Маҳмуд шу пайт 12 та эшиги бор айлана шаклидаги бинода мажлис кураётган эди. Беруний Маҳмуднинг важоҳатини яхши англаб етди ва бир қоғозга бир қанча сўзни ёзиб, уни Маҳмудга узатди. Маҳмуд қоғозни ўзи ўтирган ўриндиқ тагига бекитиб қўйди. Маҳмуд шунда Берунийга истехзоли қараб, хизматкорига буюрди:

- Зудлик билан бу ерга дурадгорни чақириб кел, менинг рўпарамдаги девордан 13-эшикни очсин! – деди. Дурадгор келиб 13-эшикни ўрнатди. Маҳмуд Беруний ёзган қоғозни бекитилган жойдан олди. Мажлисда гувоҳ бўлганлардан бири қоғозни ўқиди. Қоғозга шундай сўзлар битилган эди: “Хукмдор! Сиз бу бинодаги 12 та эшикнинг бирортасидан чиқмайсиз. Рўпарангиздан 13-эшикни очтириб, ўша эшикдан ташқарига чиқасиз”. Мажлис аҳли бу ҳолатдан ниҳоятда хайратга тушишди. Маҳмуднинг эса ғазабдан юзлари қизариб кетди ва амр қилди:

- Бу шаккок олимни зиндонга ташлаганлар!
Хукм ижро этилди.

* * *

Беруний умр бўйи илм-маърифат эгаллаш йўлида тинимсиз меҳнат қилган. Ҳатто умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам илмга интилиш туйғуси унда сўнмаган. Ёқут Ҳамавий Берунийнинг яқин кишиларидан бири бўлган қози Валволижий тилидан қуйидаги воқеани келтиради:

“Мен Абу Райҳон хузурига у оғир нафас олаётган, хириллаб жон бераётган вақтда кирдим. У менга “Меросларни нотўғри бўлиш ҳақида айтганларингни такрорлаб бер”, - деди. Мен унга раҳм қилиб: “Шундай аҳқолда-я!”, - дедим. У эса: “Эй фалончи, мен учун бу масалани билиб дунёдан ўтиб кетиш, уни билмай ўтиб кетишдан афзалроқ эмасми”, - деди. Мен бу масалаларни такрорлаб беришга мажбур бўлдим. У буни ёдда сақлади. Кейин менга бу ҳақда ўйлаганларини айтиб берди, шундан сўнг мен чиқиб кетдим. Кўчага чиқишим билан унинг уйдан йиғи овози эшитилди”.

* * *

Беруний адолатли ва мурувватли бўлишни ёқлаган. Бу борада олимнинг ўзи шундай ҳикояни келтиради: Халифа Умар ибн Абдулазизнинг ўғли Абдуллоҳ минг дирҳамга бир қимматбаҳо тошни сотиб олганини эшитиб қолиб, ўғлига хат ёзибди: менга етиб келган хабарларга қараганда, бир узук олибсан. Сенга насихатим шу, дарҳол ўшани сотиб, унинг қийматига мингта очнинг қорнини тўйғаз. Ўзингга бўлса, кумушдан узук қилдир, унинг кўзи ҳам ўзидан бўлсин. Абдуллоҳ отаси айтгандай қилибди.

* * *

Шиа этикодига тарғиб қилувчи бир киши Берунидан илтимос қилиб, менга фойда келтирадиган бирор нарсани ўргатиб қўйинг, дебди. Беруний унга ал-Киндийнинг “Ишоратлар китоби”дан ўтқир нарсалардан тайёрланадиган бир дори таркибини ёзиб берибди. Бу дори сувга томизилиб, ҳосил бўлган сувга қаламни ботириб, чқик тошга чизилса, тошдаги ёзув оқ бўлиб кўринаркан. Буни ўрганиб олган шиа “муҳаммад”, “Али” ва бошқа исмларни “ажиб-бужи” қилиб ёзиб, “Бу фалон жойдан топилган табиий ёзув”, деб даъво қиладиган ва содда шиаларнинг пулини шиладиган бўлибди. Беруний эса ўзининг бу дарсидан пушаймон бўлиб, бошқа бундай одамларга кимё илмининг сирларини ошкор қилмайдиган бўлибди ва “Илмни нафси учун ишлатадиганларга ўргатиш – унинг жиноятига шерик бўлишдир”, - деб Оллоҳга тавба қилган экан.

* * *

Беруний ҳикоя қилади: Бир киши иттифоқо, ўзи танимаган бир гуруҳ билан ҳамроҳ бўлган. Улар қароқчилар бўлиб, бир қишлоқни босиб хароб қилиб қайтаётган эканлар. У киши ўғрилар билан бирга озгина юрганидаёқ, уларнинг кетидан қидирувчилар етиб келиб, бутун гуруҳ қўлга олинган, шулар ичида ҳалиги бегуноҳ ҳам қўлга тушган. Бу киши ўғриларга шерик бўлмаса ҳам, улар билан бирга бўлгани учун уларга етишган қийинчилик унинг бошига ҳам тушган.

“Беруний... қизиққан соҳаларни санаб чиқишдан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаб чиқиш осонроқ”.

Академик Ю.Крачковский

* * *

“Беруний юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ўрганди. Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материални қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний бегона одам бўлатуриб, бу ўлка кишилари аҳволини тушунтиришга ҳаракат қилади”.

Жавоҳарлаъл Неру

* * *

Берунийни геология фанининг асосчиларидан ва назариётчиларидан энг буюгидир дейиш мумкин.

Академик Ҳабиб Абдуллаев

* * *

Беруний XII асрнинг Леонардо да Винчисидир.

* * *

Дунё фани тарихида ХИ асрнинг биринчи ярми Беруний давридир.

Ж.Сартон

* * *

Берунийни Леонардо да Винчи билан таққослаб, уни ХИ аср Леонардо да Винчиси дейишди. Бу нотўғри қиёслаш. Ахир Птоломейни “ИИ аср Берунийси” дейишмайди-ку. Аслида Леонардо да Винчини “ХВ аср Берунийси” десак мантиқли бўлар эди.

С.Толстой

* * *

Берунийнинг бир ўзи бутун бошли илмий тадқиқот институтлари ҳам бажара олмайдиган ишларни уддаланган.

Европа берунийшунослари

Абу Райҳон Беруний шундай деб ёзади: “Менинг ҳамма истакларим, бутун вужудим илм тарқатишга қаратилгандир ва мен буни ўзим учун энг улуғ бахт деб биламан”.

“Ҳиндистон”

* * *

Пешволардан олға ўтдим шахд ила,
Мен ғаввосу илм бўлди уммони;
Ҳинддан сўра машриқ аро қадримни;
Марғиб мени ўқир, йўқдир армоним.

“Ҳикматлар”

* * *

Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсага (кўр-кўрона) қаршилиқ кўрсатма.

* * *

Тенглик хукм сурган жойда сотқин, алдамчи эхтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

* * *

Кўз билан кўрган эшитгандан афзалдир.

* * *

Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни йўққа чиқаради.

* * *

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

* * *

Ҳар бир инсоннинг кадр-қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

* * *

Баъзи бир лафз(сўз)лар борки, уни қўллаш бир дин (халқ) ва бир тилда бемаъни бўлса ҳам, бошқа бир дин ва бошқа бир тилда бемаъни бўлмайди.

* * *

Дехқонлар полиздаги қовун, тарвуз, пахта ва ҳоказолар ишларини яхши биладиганлар. Ҳатто улар ойга қараб уруғлар сочиш, экиш, кўчатлар ўтказиш, пайванд қилиш ва чанглатиш, ҳайвонларни урчитиш ва бошқа вақтларни аниқлайдилар. Астрономикларга Ой (фаза)лари ва ҳаракатлари осмоний, (атмосферик) ходисаларнинг олдиндан бўладиган таъсири маълум.

* * *

Ернинг айланиш ҳаракати назарияси астрономия фанига ҳеч бир зарар келтирмайди, балки, ерда юз берадиган ходисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текисда давом этаверади.

* * *

Табиатшунос олим ўзининг энг юқори даражадаги камолига эришиш учун ўзидаги паст бўлмиш – ҳайвоний сифатларига янги янги сифатларнинг кўшилиши натижасида эришди, дейишади. Бу билан улар одамни бир турдан иккинчи турга ўтиб, инсонлик даражасига олиб келган ва унинг асли табиатига ишора қилмоқчи бўладилар. Лекин улар одамни итдан отга, кейин маймунга, ниҳоят ҳайвондан инсон даражасига етгунча ундан устун келиб етилганига ишора қилмоқчи эмасдилар.

* * *

Севимли нарсаларга машаққат билан ва яхшиликка эса ўзига сеvimли бўлган нарсаларни (бировга) сарф қилиш билан эришилади.

* * *

Мурувватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсдан бошқасига эғалик қилмайди.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

- 1.Беруний кайси йилларда яшаб ижод этган?
- 2.Берунийни кайси асарларини биласиз?
3. Беруний ўрганган асосий асарлар қайсилар?
4. Кадимги дунё алломаларидан кимларни биласиз?

5. Берунийни борлик хақидаги таълимоти хақида гапириб беринг?
6. Беруний яшаган давр: ижтимоий - сиёсий вазият, маънавий –маданий тараққиёт?
7. Берунийнинг ҳаёт йўли ва илмий-фалсафий мероси?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Абу Райхон Берунийнинг ёзган асарларини аниқланг?

- а) «Китоб аш-шифо», «Донишнома», «Китоб ал-нажот»;
- б) «Худуд ул-олам», «Ал-кашшоф», «Шажараи турк»;
- в) «Хиндистон», «Осор ал-боқия», «Геодезия» ;
- г) «Ал-Муфассал», «ал-Балога», «Тиб қонунлари».

2. Беруний гносеологияда қайси позисияни ёқлаган?

- а) расионализмни;
- в) агностисизмни;
- б) сенсуализмни;
- г) реализмни.

3. Берунийнинг фалсафий дунёқарашини қайси оқимга мос деб тушуниш мумкин?

- а) пантеизм;
- в) дуализм;
- б) деизм;
- г) реализм

4. Беруний фан билан дин ўртасидаги ўзаро муносабат қандай бўлиши керак деб ҳисоблайди?

- а) диний ҳаракатнинг устуворлигини тан олади;
- б) илмий ҳақиқатнинг устуворлигини тан олади;
- в) ҳам диний ҳам илмий ҳақиқат тўғри деб ҳисоблайди;
- г) дин билан фан бир-бирига халақит бермаслиги керак деб ҳисоблайди;

5. Беруний билишда ҳақиқатнинг мезони деб нимани тушунган?

- а) хиссий билиш;
- в) хиссий ва ақлий билиш;
- б) ақлий билиш;
- г) илохий қобилият.



Абу Али Ибн Сино (980-1037)

Алломанинг тўлиқ исми Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Хасан ибн Сино бўлиб, куняси Абу Алидир. Халқ орасида Ибн Сино, Европада Авиценна, алломалар орасида эса Шайху-р-раис номлари билан машхур.

Жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ўрта осиелик буюк комусий олим, мутафаккир, табиб, файласуф, мантиқшунос, шоир. 980 йил август ойида (370 ҳижрий йил сафар ойининг бошида) Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида амалдор оиласида туғилган. Афшона бир вақтлар каттагина шаҳар бўлган. Вақт ўтиши билан у кичик бир қишлоқ бўлиб қолган ва Исфана қишлоғи деб атала бшлаган.

Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири Нух ибн Мансур (967-997) даврида Бухоро томонга кўчиб келган ва Хурмайсан қишлоғига молия амалдори этиб тайинланган. Шундан сўнг у бу ерда доимий яшайди ва у ўз вазифасига кўра, Афшонага тез-тез бориб турган. Абдуллоҳ афшоналик Ситора исмли қизга уйланиб, икки ўғил фарзанд кўради. Ўғилларининг каттаси Хусайн (Ибн Сино), кенжаси Маҳмуд эди. Хусайн 5 ёшга киргач, Ибн Синолар оиласи пойтахт – Бухорога кўчиб келади. Ибн Сино шу ерда ўқий бошлайди. 10 ёшга етганда Қуръони каримни ёд олиб, адаб дарсларини ҳам тўла ўзлаштириб олади. Айна вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади, сўнгра араб адабиётига оид китобларни ҳам ўқиб чиқади. Унинг билимга бўлган зўр қобилияти ҳаммани ҳайратга солади.

Ибн Синонинг илм соҳасидаги дастлабки устози Абу Абдуллоҳ Нотилий бўлган. У Нотилий қўлида мантиқ, хандаса (геометрия) ва фалакаийётни ўрганади ва баъзи фалсафий масалаларда устозидан ҳам ўзиб кетади. Устози унинг илмига юқори баҳо бериб, янада чуқурроқ илм олишни тайинлайди.

Абу Али тинмай мутолаа қилиб, турли илм соҳаларини ўзлаштиришга киришади. У мусиқа, оптика, кимё, фикҳ каби фанларни ўқийди, хусусан, табоб атни севиб ўрганади ва бу илмда тез камол топа бошлайди.

Ибн Синонинг тиб илмида юксак маҳоратга эришишида бухоролик табиб Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрийнинг хизмати катта бўлган. Ибн Сино ундан табобат дарсини олиб, бу илмнинг кўп сирларини ўрганади.

Абу Али ибн Сино айтишича, табобат илми унинг учун унчалик қийин кўринмаган. У бу илмни осон ва тез ўзлаштириб олган. Бу соҳада Ибн Сино шу қадар юксак обрў қозонадики, хатто кўзга кўринган табиблар ҳам касалликни аниқлашда қийналганларида, Ибн Синодан маслаҳат сўрар эдилар.

Бу ҳақда алломанинг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Кейинчалик тиб илми билан шуғуллангим келиб қолди. Унга оид китобларни ўқишга киришдим. Тиб ўзи қийин илмлардан эмас, шу сабабли қисқа муддат ичида бу соҳада шундай натижаларга эриша олдимки, хатто фозил табиблар ҳам хузуримга келиб, мендан тиб илмини ўрганадиган бўлдилар”.

Абу Али ибн Сино фақат тиббий китоблар ўқиш билангина чекланиб қолмай, беморларни ҳам даволар, уларнинг касалликларини синчиклаб кўздан кечирар эди. Бунинг натижасида унинг билим ва тажрибаси янада ошди. У касалларни даволашда ҳаммани лол қолдирар эди. Унга мурожаат қиладиган касалларнинг сон-саноғи бўлмай қолди. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи бундай ёзади: “Беморларни ҳам кўриб турардим. Эришган тажрибаларим туфайли мен учун даволаш йўллари шундай кенг очилдики, буни таърифлаб бериш қийин. Бу вақтда мен энди ўн олти ёшга тўлган эдим”. Демак, Абу Али ибн Сино ўн олти ёшидаёқ машҳур табиб бўлиб танилган. Бу албатта ўз-ўзидан бўлмаган, балки сабот-матонат билан ўқиш, кечалари уйқуни тарк этиш ва зўр тиришқоқлик натижасидир.

Ҳақиқатан ҳам Ибн Сино жуда тиришқоқ, ўз олдига қўйган мақсадга эришмагунча тинчимайдиган одам эди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: “Ўша кезлари бирон кеча тўйиб ухламасдим, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмасдим. Ҳар бир масалани ўрганаётганимда бир қанча қиёсий далилларни солиштириб, шу далиллар нуқтаи назаридан ўша дастлабки масала ҳақида хулоса чиқарар эдим. Ниҳоят, бу масаланинг асл моҳияти менга аён бўлиб қоларди.

Ана шу зайлда ҳамма билимларни мустаҳкам эгаллаб олдим. Бир инсоннинг имконияти даражасида уларни ўзлаштирдим”.

Абу Али ибн Синонинг тиришқоқлиги ва сабот-матонатлилигини яна қуйидаги мисол яққол кўрсатади. У бундай ёзади: “Мантиқ, табиат ва риёзиёт билимларини пухта ўрганиб олдим. Кейин илоҳиётни ўрганишга ўтиб, “Моъбада” ат-табиа” китобини ўқидим. Бу китобни ўқидиму, лекин унда нималар дейилганини тушуна олмадим, китоб ёзган кишининг мақсади менга қоронғи эди. Ҳатто уни қирқ бир бор қайта ўқидим, китоб менга ёд бўлиб кетди. Лекин шунда ҳам мен китоб ва унинг мақсадини тўла тушуна олмадим. Ниҳоят умидимни узуб, “Бу тушуниб бўлмайдиган бир китоб экан”, деган хулосага келдим. Аммо кунлардан бир куни аср вақтида китобфурушларнинг олдига бориб қолдим. Бир китобфуруш муқоваланган китобни қўлида тутганича уни мақтарди. У мени ҳам

чақириб, китобни кўрсатди... Лекин мен китобни сотиб олишни рад қилдим. Китобфуруш менга: “Бу китобни ол, нархи арзон, уч дирҳамга сотаман, эгаси пулга муҳтож”, - деди. Китобни ноилож сотиб олдим. Қарасам, бу Абу Наср Форобийнинг ўша “Мобаъда ат-табиа” китоби ҳақида ёзган шарҳи экан. Уйга қайтиб, дарров уни ўқишга киришдим. “Мобаъда ат-табиа” дилимда ёд бўлиб қолгани сабабли тезда бу китобнинг мақсадини тушуниб олдим. Бундан ўзимда йўқ жуда хурсанд бўлиб кетдим”.

Шундай қилиб Ибн Сино зарурий билимларнинг барчасини Бухорода олади. Ибн Сино жуда эрта ўзи ҳам асарлар ёзишга киришди. Алломанинг илмий ижоди 18 ёшдан бошланган. Аввало у бу ишни ўзига яқин бўлган кишиларнинг илтимоси билан бажаради. Ёш бўлишига қарамай Нух ибн Мансурга атаб нафсоний қувватлар ҳақида рисола, “Уржуза” тиббий шеърый асари ва ўз қўшнисини ва дўсти Абдулҳусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан, кўп фанларни ўз ичига олган “Ал-Ҳикмати-л-арузий” (“Арузий ҳикмати”) асарини тасниф этади.

Ибн Сино Бухорода 20 жилдли қомусий асари “Ал-Ҳосил ва-л-маҳсум” (“Яқун ва натижа”), 2 жилдли “Китобул-бир ва-л-исм” (“Саҳоват ва жинойт китоби”) асарларини ва ўзининг табобатга оид биринчи асари “Табобат луғати”ни ёзган. Алломанинг “Табобат луғати” асаридан кўп табиблар нусха олиб, кенг фойдаланганлар.

Ибн Синонинг табобатда қилган ишлари унинг номини бир неча асрларга шу фан соҳаси билан чамбарчас боғлади. Алломанинг табобат тараққиётидаги буюк хизмати шундаки, у ўзгача ўтган турли халқ намояндалари томонидан асрлар давомида, тиб илми соҳасида тўпланган маълумотларни саралаб, муайян бир тартибга солди ва уларни ўз тажрибалари билан бойитган ҳолда маълум назария ва қонун-қоида асосида умумлаштирди. Унинг “Тиб қонунлари” асари ва бу асарнинг жаҳон тиб илми тарихида тутган ўрни жуда юқоридир. Ибн Сино антик олимларнинг, хусусан Гиппократ, Гален, Диоскоридларнинг таълимотларини ўрганган ва уларнинг фикрларига таянган. У тиб назариясини, хусусан анатомия – инсон гавдаси тузилишини мукамал билган. Ибн Сино ўткир диагност эди. Унинг баъзи ташхис усуллари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Табобат тарихида биринчи бўлиб вабо билан ўлатни фарқлаган, юқумли касалликлар билан оғриган беморларни бошқалардан ажратган ҳолда сақлашни таъкидлаган.

Беморларни даволашда олим 3 нарсага: тартиб (парҳез), дорилар билан даволаш ва турли тиббий тадбирларни қўллаш (қон олиш, банка қўйиш, зулук қўйиш, ҳуқна ва бошқалар)га аҳамият бериш кераклигини айтади.

Ибн Сино касалликни даволашда шахсий гигиена, уйқу ва жисмоний машқларнинг аҳамияти катталигини уқтирган.

Ибн Сино доришунослик соҳасида ҳам чуқур тадқиқотлар олиб борган. У антик олимларнинг формацияси асосида мусулмон шарқида

пайдо бўлган янги формациянинг шаклланишига якун ясади. Унинг доривор ўсимликларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, усуллари ҳозирда ҳам қўлланилади. Ибн Сино биринчилардан бўлиб кимёвий усулда тайёрланган дориларни ҳам ишлатган. Касалликнинг турига қараб аввал содда, сўнг мураккаб таркибли дори билан даволаган. Энг муҳими, озик-овқатларнинг шифобахш таъсирига катта аҳамият бериб, даволашни шундай маҳсулотлар (мева, сабзавот, сут, гўшт ва бошқалар)дан бошлаган. Дори тайинлашда беморнинг мижози, ёши, иқлим шароитини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган.

Ибн Сино яшаган муҳит

Абу Али ибн Сино 17 ёшида Бухоро халқи орасида жуда тажрибали ва моҳир табиб сифатида танилади. Бу хабар подшо саройига ҳам етиб келади. Шу вақтда Бухоро ҳокими Нух ибн Мансур бетоб эди. Уни даволаш учун Ибн Синони ҳам саройга чақирадилар. Ибн Сино амирни даволашда иштирок этиб, ўзининг ўткир билими билан касалликни аниқлашга ёрдам беради. Бу билан у амирнинг ишончига сазовор бўлади ва саройга яқин кишилар қаторига киради. Бунинг натижасида Ибн Синонинг обрўси ҳам ошиб кетади. Саройда нодир китобларга бой катта кутубхона борлигини Ибн Сино биларди. Ибн Сино амирни даволайди, эвазига сарой кутубхонасидан фойдаланишга изн сўрайди ва бу имкониятга эга бўлади. Сомонийлар кутубхонаси ўша даврда бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан бўлган. Ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада кечаю кундуз китобларни мутолаа қилиш билан машғул бўлиб, кутубхонадаги тибга оид китобларни қунт билан ўқиб чиқади. Бошқа фанлар соҳасидаги китоблар билан ҳам танишади. Шундай қилиб, Ибн Сино ўз даврининг энг ўқимишли, билим доираси кенг кишиларидан бирига айланади.

Бухоро кутубхонаси ҳақида Ибн Сино шундай ёзади: “Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоблар солинган сандиқлар турарди, улардаги китоблар эса, устма-уст тахлаб кўйилган эди... Ҳар бир хонада фаннинг маълум соҳасига оид китоблар сақланар эди. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам бундан олдин уларни кўрмаган эдим, кейин ҳам учратмадим”.

Ибн Сино кутубхонадан чиқмасди. Амирнинг касаллиги хуруж қилиб, у Ибн Синони чақиртиргандагина, китоб ўқишдан биров вақтга бош кўтарарди. Шундай қилиб, бу ердаги китобларни қунт билан ўқиш натижасида Ибн Синонинг билими янада кенгайди ва чуқурлашди. Олимнинг ёзишича, 18 ёшга етганда у табобат илми билан бир қаторда ўз замонасида маълум бўлган барча бошқа фанларни ҳам мукамал ўзлаштириб олган эди.

997 йили Бухоро ҳокими Нух ибн Мансур вафот этади. тахтга унинг ўғли Мансур ИИ ибн Нух ўтиради. У Ибн Сино билан дўст эди. Манбаларда келтирилишича, у Ибн Синони саройдаги вазифалардан

бирига тайинлаган. Шундай қилиб, Ибн Сино сарой табиби вазифасидан ташқари, у ерда давлат хизматчиси вазифасини ҳам бажарган. Лекин кўп ўтмай Мансур ИИ ибн Нух ўлдирилиб, унинг ўрнини укаси Абдулмалик ибн Нух эгаллайди. У олим билан унчалик яқин муносабатда бўлмайди. Шунинг учун Ибн Сино сарой хизматидан кетиб, ўз илмий-ижодий ишлари билан машғул бўлади.

Абу Али ибн Синонинг Бухородаги тинч, ижодий ҳаёти узоқ давом этмайди. Қорахонийлар 999 йили Бухорони забт этиб, сомонийлар давлатини ағдарганидан кейин Ибн Сино ҳаётида ташвишли, нотинч ва оғир дамлар бошланди. Аллома 21 ёшга етганда, 1002 йили унинг отаси вафот этади. бунинг натижаси Ибн Сино моддий жиҳатдан аянчли аҳволга тушиб қолади. Чунки унга моддий ва маънавий жиҳатидан ёрдам берадиган бошқа яқин кишиси йўқ эди. Бунинг устига мамлакатда катта сиёсий ўзгаришлар юз бериб, Ибн Синонинг тинч ижодий ҳаёти учун шароит йўқолади.

Бухорода вазият кескинлашиб, тахт учун кураш 1005 йилгача давом этади. Ибн Сино 1002 йили ўз юртини тарк этиб, Хоразм давлатининг пойтахти Урганч шаҳрига келади. Бу даврда Хоразм қорахонийлар хужумидан бирмунча тинч бўлиб, иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланган ўлка эди. Хоразм шоҳлари Али ибн Маъмун (997-1007) ва Маъмун ибн Маъмун (1007-1017) илм-фанга эътиборли хукмдорлар бўлиб, олимларга илмий ижод учун қулай шароит яратиб берган эдилар. Шу боис Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч)да ўз замонасининг кўпгина таниқли олимлари тўпланди. Йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ (1034 йили вафот этган), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Саҳл Масихий (1010 йили вафот этган), Абулхайр Ҳаммор (942-1030) ва буюк олим Абу Райҳон Беруний шулар жумласидандир.

Хоразмда Ибн Синони яхши кутиб олишади. У саройда хизмат қилувчи олимлар қаторига киритилади ва “Академия”га қабул қилинади. Ибн Синога бошқа олимлар қатори катта маош тайинланади. У ўз таржимаи холида Хоразмда жуда яхши қабул қилинганлигини эслаб, бундай деб ёзган эди: “Зарурат юзасидан Бухорони тарк этиб, Гурганж томонга кўчишимга тўғри келди. У ерда илмни севувчи Абул-Ҳусайн ас-Саҳлий вазир эди. У ернинг амири хузурига бордим. Унинг исми Али ибн Маъмун эди. Мен у пайтда сўфийлар ридосини кийиб олган эдим. Менга етарли миқдорда ойлик тайин қилишиди”.

Абу Али ибн Сино Хоразмга келганида у ерда Абу Райҳон Беруний йўқ эди. Бу вақтда Беруний бир сабаб билан Хоразмдан кетиб қолган ва Эроннинг Рай шаҳрида яшаётган эди.

Али ибн Маъмуннинг ўзи чуқур илмли, одил шоҳ эди. У илм аҳлини жуда кадрларди. Шунинг учун у Берунийга катта хурмат билдириб, унга хат ёзади ва Берунийни ўз саройига таклиф этади. шу хатга асосан Беруний 1005 йилда яна Хоразмга қайтади ва подшоҳ саройига хизматга киради. Али ибн Маъмун ўз саройидаги олимларга бошлиқ қилиб Берунийни тайинлайди. Шу сабаб билан Беруний “Академия”га раҳбар бўлиб қолади.

Шундай қилиб, Ибн Сино билан Беруний бир-бирлари билан 1005 йили Гурганжда учрашадилар. Улар бундан илгари бир-бирлари билан фақат хат орқали танишган эдилар. Али ибн Маъмун саройида Ибн Синодан ташқари табиблардан яна Абул Хайр Ҳаммор ва Абу Саҳл Масихийлар ҳам яшардилар. Ибн Сино кўпинча Абу Саҳл Масихий билан ишлар эди. Баъзи маълумотларга кўра, улар биргаликда бир неча мураккаб жарроҳлик амалиётларини амалга оширганлар.

Ибн Сино Хоразмда асосан математика ва астрономия билан шуғулланган. Бу соҳада Ибн Ироқ ва Беруний билан бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этади. Ибн Сино Абу Саҳл Масихийнинг тиббий тажрибаси ва билимларидан ҳам катта сабоқ олади.

Абу Али ибн Сино Хоразмда 9-10 йилча яшади. Сўнг қўшни давлат хукмдори Султон Маҳмуд Хоразмни босиб олиш хавфи бўлганлигидан унга хизмат қилишни истамай бу ердан ҳам кетишга мажбур бўлди.

Ибн Сино 1010-1011 йилларда Масихий билан биргаликда яширинча Хоразмни тарк этади. шу вақтдан олимнинг саргардонлик йиллари бошланиб, умрининг охиригача ватандан узоқда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади.

Масихий билан Ибн сино Журжонга – Масихийнинг ватанига йўл оладилар. Лекин йўлдаги қийинчиликлар ва сувсизлик туфайли Масихий бетоб бўлиб, вафот этади. Натижада Ибн Сино азоб-укубатлар чекиб, аввал Нисо, сўнг Обивард, Тус, Шиққон ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида қисқа муддат турганидан кейин, ниҳоят Каспий денгизининг жануби-шарқида жойлашган Журжон амирлигига етиб келади. Ибн Сино Журжонда 1012-1014 йилларда яшайди. Бу ерда у ўзининг бўлғуси шогирди Абу Убайд Жузжоний билан танишади. Ибн Сино умрининг охиригача Жузжоний билан содиқ дўст бўлиб қолади. Абу Убайд Жузжоний Ибн сино билан унинг сўнгги нафасигача, 25 йил давомида бирга бўлади. Ибн Синонинг таржимаи ҳолининг ёзилиб қолиши, кўпгина асарларининг ёзилиши ва тартибга тушишида ҳамда асарларининг кейинги авлодга етиб келишида Жузжонийнинг ҳизмати катта.

Журжонда яшаган вақтида Ибн Сино илмий ижод билан шуғулланади, ҳам табиб сифатида фаолият кўрсатади. Бу ерда у шогирдининг илтимосига кўра, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанларга оид бир неча рисола ёзади ва энг муҳими, “Тиб қонунлари”нинг дастлабки қисмларини тасниф қилади. Тарихий маълумотларга кўра, Ибн Сино Журжонда қуйидаги асарларни ёзган: “Ўртача қисқа мантиқ”, “Тиб қонунлари”нинг айрим боблари, “Алмажастийнинг қисқартирмаси” ва бир қанча кичик рисоалар шулар жумласидандир. Аллома ҳаммаси бўлиб Журжонда 21 йирик ва 2 кичик китоб ёзиб тугатган.

1014 йили Ибн Сино Журжонни тарк этиб, Райга кўчди. У Райга келган вақтда бу ерда бувайҳийлардан бўлмиш Маждуддавла Абу Толиб Рустам (997-1029) ва унинг онаси Саййида Хотун хукмронлик қилар эдилар. Ибн Синонинг қўлида Саййида номига ёзилган нома (мактуб) бор эди. Номани Абу Райҳон Беруний ёзиб берган бўлиши керак. Маълумки,

Беруний бир вақтлар Райда яшаган эди. Бинобарин, Рай хукмдори Саййида билан Берунийнинг муносабатлари яхши бўлган бўлиши керак. Шунинг учун Беруний бу аёлга хат ёзишга журъат этган. Хатда Ибн Синога етарли даражада шароит яратиб бериш илтимос қилинган эди.

Саййида Ибн Синони хурмат билан кутиб олди ва унинг учун зарур шароит яратиб берди. Саййиданинг ўғли Маждуддавла қандайдир рухий касаликка дучор бўлган эди. Ибн Сино уни муваффақиятли даволайди. Бундан кўп хурсанд бўлган Саййида Ибн Синога нисбатан яна ҳам хурмат билан қарай бошлайди. Ибн Сино Райда ҳам ўз ижодий ишларини давом эттириб, бир неча асар ёзади.

Аммо Султон Маҳмуд Ибн Синони таъқиб этишни тўхтатмайди. Ибн Синонининг Райдалигини билиб, Саййидадан уни Ғазнага юборишини талаб қилади. Акс ҳолда Райга қарши уруш очишини билдиради. Аммо зўр ақл-идроли ва тадбиркор Саййида урушнинг олдини олади.

Ривоятларга кўра, Саййида Султон Маҳмудга қуйидаги мазмунда хат ёзади: “Агар уруш натижасида сиз мени енгсангиз, одамлар Султон Маҳмуд фақат бир ожиза аёлнигина енгди, дейдилар холос. Агар мен енгсам, сиз учун жуда катта номус бўлади”. Тарихчилар бу хатнинг матнини Ибн Сино ёзган, дейдилар. Шундай қилиб Султон Маҳмуд Райга харбий юришни тўхтатади. Лекин Ибн Сино Райдан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Ибн Сино Райни тарк этиб, насбатан кучлироқ бўлган Ҳамадонга Маждуддавланинг акаси Шамсуддавла (997-1021) ҳузурига келади. У ерда Шамсуддавлани санчиқ касалидан даволаганидан кейин олимни саройга таклиф қилдилар. У аввал сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнг вазирлик мансабига кўтарилади. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай илмий ишларни давом эттиради ва қатор асарлар ёзади. У “Тиб қонунлари”нинг 1-китобини шу ерда тугатган. Бундан ташқари, машҳур фалсафий қомусий асари “Китоб аш-шифо”ни ҳам шу ерда ёзишга киришади. Ҳамадонда Ибн Сино ўз шогирди Жузжоний билан биргаликда бир беморни операция қилиб, унинг қовуғидан тошни олиб ташлайди.

Шамсуддавла вафот этгандан сўнг тахтга ўтирган унинг ўғли Самоуддавла Ибн Синога унчалик хурмат билан қарамайди. Шу сабабали у саройдан кетади. Жузжонийнинг ёзишича, олим Абу Ғолиб ал-Аттор исмли кишининг уйига кўчиб бориб, ўша жойда яшай бошлайди. Бу ерда Ибн Сино ўз илмий-ижодий ишларига яна берилиб кетади. Хусусан “Китоб аш-шифо” асарининг “Табиат” ва “Илоҳиёт” ҳақидаги бобларини ёзиб тугатиб, “Мантик” қисмини ёзишга киришади. Аллома “Тиб қонунлари” асарининг қолган қисмини ҳам Ҳамадонда ёзиб битиради.

Аммо Ибн Сино учун Ҳамадонда хавфли вазият вужудга келади. У вазирлигида амалга оширган тадбирларидан норози бўлган сарой амалдорлари Ибн Синодан ўч олиш учун унга нисбатан душманлик қила бошлайдилар. Бундай шароитдан қутулиш мақсадида Ибн Сино кўшни Исфаҳон вилояти амири Алоуддавлага хат ёзиб, ундан ўзини саройга қабул қилишини сўрайди. Бироқ хат қандайдир йўл билан Самоуддавланинг

вазирларидан бири Тожи-л-мулк кўлига тушади. У хатни Самоуддавлага етказди. Ибн Синони тутиб олиб, Фаражон қалъасига қамаб кўядилар.

Ибн Сино қамоқда тўрт ой чамаси ётади. Аммо у тушкунликка тушмайди. У қамоқда ҳам ўз ижодий фаолиятини давом эттиради. Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино бу ерда тибга оид ўзининг машҳур “Ички санчиқлар” номли асарини ёзган. Бундан ташқари, у шу ерда иккита фалсафий асар “Тирик ўғли Уйғоқ” ва “Тўғри йўл ҳақида” китобларини ёзди. Шу вақтда Исфаҳон амири АлоуддавлаҲамадонни босиб олиб, бир қанча вақт уни ишғол қилиб туради. Бунинг натижасида Ибн Сино қамоқдан қутулади.

Ибн Сино қамоқдан чиққан бўлса-да, барибир унинг Ҳамадонда яшаши хавфли эди. Шу сабабли, у яширинча Исфаҳонга жўнайди. У ерда Ибн Сино бир қанча асарлар яратади. Улар орасида тиб, фалсафа, аниқ фанлар, тилшунослик каби фанларга оид китоблар бор. “Китоб аш-шифо”нинг айрим қисмлари, форс тилидаги “Донишнома” ва 20 жилдли “Иносф-адолат китоби” шулар жумласидандир.

Ибн Сино Исфаҳондалигида шаҳарга Ғазна ҳукмдори Султон Маҳмуд Масъуд (Султон Маҳмуднинг ўғли)нинг аскарлари бостириб кириб, аҳолини талон-тарож қиладилар. Бу тўполонда Ибн Синонинг асарлари ва кўлёмалари йўқ бўлиб кетади. Ибн Сино йўқолган асарларини яна ёддан тиклайди.

Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино гарчи, жисмонан жуда бақувват бўлса-да, бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, кеча-кундуз тиним билмай ишлаш ва бир неча бор таъқиб қилиниб, ҳатто ҳибсда ётишлар олимнинг саломатлигига жиддий таъсир этди. У куланж (колит) касаллигига чалинади. Алоуддвланинг Ҳамадонга юриши вақтида Ибн Сино қаттиқ бетоблигига қарамай, у билан бирга сафарга чиқади. Йўлда дарди кўзғаб олимнинг тамомила мадори қурийди ва оқибатда у шу дарддан 1037 йили Ҳамадонда 57 (ҳижрий 58) ёшида вафот этади. аллома Ҳамадонда дафн этилади. Унинг қабри устига 1952 йили мақбара қурилган (меъмори Х.Сайхун). Мақбара Ибн Синога бағишланган музей хоналарини ҳам ўз ичига олган.

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино ўзининг қисқа умри давомида жаҳон фани ва маданиятида ўчмас из қолдирди. Жаҳон фани тарихида Ибн Сино қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Аллома асарларини ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқнинг илмий тили бўлган араб тилида, баъзиларини форс тилида ёзган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача уларнинг 242 таси етиб келган, шулардан 80 таси фалсафа, илоҳиётга тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси фалакиётга, 1 таси риёзиётга, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга

бағишланган. Алломанинг асарлари кейинги авлодларга бой мерос бўлиб қолди.

Ибн Синонинг илмий меросини шартли равишда 4 қисмга, яъни фалсафий, табиий, адабий ва тиббий соҳаларга бўлиш мумкин. У фалсафа ва тиббиётга кўпроқ қизиққан. Маълумки, Ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифологан, махсус рисолаларда талқин этган. Шунингдек, фанларни тасниф қўяди. Фалсафани эса икки гуруҳга, яъни назарий ва амалий гуруҳларга бўлади. Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлиқ ҳолати ҳақидаги билимларни эгаллашга йўлласса, амалий қисм бизга бу дунёда нималар қилишимиз кераклигини ўргатади, дейди.

У биринчи гуруҳга этика, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика, дунё қонуниятларини ўрганувчи барча фанларни киритади.

Ибн Синонинг тиббиётга оид асарлари

Ибн Синонинг тиббиёт фанига оид умумий назарий ва амалий масалаларига бағишланган энг йирик асари “Тиб қонунлари” бўлиб, у 5 катта китобдан иборат бўлиб (1956-62 йилларда Тошкентда рус ва ўзбек тилларида тўла нашр этилган), уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил ва ҳар томонлама ёритиб беради.

1-китобда тиббиётнинг назарий асослари, унинг предмети ва вазибалари, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари ва соғлиқни сақлаш йўллари, киши анатомияси ҳақида мазмундор аниқ очерк ва соғлиқни қандай сақлаш кераклиги ҳақидаги таълимоти баён этилади. Турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ҳамда тарқалишида ифлосланган сув ва ҳавонинг роли катта эканини уқтириб, сувни қайнатиб ёки филтрлаб истеъмол қилишни тавсия этади.

2-китобида 800га яқин дорининг хусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён этилган. Ибн Сино симоб ва унинг бирикмаларини дори қилиб ишлатишни биринчи бўлиб тавсия этади, шаробни қувват киритувчи ва жароҳатларни тозаловчи дори сифатида ишлатади.

3-китобида айрим органларнинг (хатто соч, тирноқларнинг) касалликлари ва уларни даволаш усуллари баён этилади. Бу китобда бош мия, асаб, кўз, қулоқ, бурун, томоқ, қорин, тиш, юрак, меъда, жигар, буйрак касалликлари батафсил таҳлил қилинади.

4-китобида организмнинг умумий касалликларига бағишланган, унда иситмалар, ўсмалар, уларнинг сабаби, жарроҳлик йўли билан даволанадиган касалликлар ва уларни даволаш усуллари, ҳар хил дорилардан захарланиш ва бунда кўриладиган чоралар тўғрисида маълумот берилади.

5- китобида мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён қилинган. Бу китоб доришунослик илмига – фармакологияга бағишланган.

Ибн Синонинг тиббиётга оид муҳим асарларидан иккинчиси назм (шеърий усул) билан ёзилган “Тиббий уржуза” китобидир. Бу китоб 1326 байт (2652 мисра)дан иборат катта шеърий асардир. Китоб тиб илмини ўрганувчи талабаларга дарслик сифатида ёзилган.

Бу асар асосан тиббиётнинг назарий масалаларига бағишланган. Лекин унда амалий тиббиёт ҳақида ҳам етарли маълумот берилган. “Тиббий уржуза” ўз мазмуни ва ҳамияти жиҳатидан “Қонун”дан унча қолишмайди. “Қонун”да баён этилган мавзу ва масалалар “Уржуза”да қисқа ва ихчам қилиб келтирилган. “Тиббий уржуза” икки бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда тиббиётнинг умумий назарий масалалари ёритилган. Унда, хусусан, тиббиётнинг тафсири, унинг қисмлари, унсурлар, аъзолар, мижозлар, хилтлар, рух (жон), қувватлар ҳақида маълумотлар берилади. Сўнг инсон организмига хаво, овқатлар, ичимликлар, уйқу ва уйқусизлик, ҳаракат ва ҳаракатсизлик, нафсоний кайфиятларнинг таъсири кўрсатилган.

Шундай кейин айрим аъзолар касалликлари, уларнинг белгилари, томир уришини текшириш ва шунга асосан касалликни аниқлаш усуллари баён этилган. Булардан ташқари пешоб, ахлат, балғам, тери ва терни текшириб, касалликка далил топиш усуллари келтирилган. Қон, сафро, савдо ва хилтнинг ғалаба қилиши (устун келиши)даги белгилар кўрсатилган.

Иккинчи қисмда беморларга бериладиган дори ва овқатлар ҳақида сўз юритилади.

Учинчи қисмда қўл билан амалга ошириладиган муолажа усуллари (жарроҳлик) баён этилган.

Тўртинчи қисмда чиққан-синганларни даволаш кўрсатилган. Масалан, чиққан бўғинларни (суякни) жойига солиш.

Алломанинг “Тиббий уржуза” асари 1972 йилда ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, босиб чиқарилган.

Ибн Синонинг бу асосий “Тиббий уржуза” китобидан ташқари, тиббиётга оид яна бир неча шеърий “Уржуза” китоблари бўлган. Улар тиббиётнинг айрим махсус масалаларига бағишланган бўлиб, бизга қуйидагилари маълум:

1. “Тана тузилишига оид уржуза” китоби. Бу китоб 98 байтдан иборат бўлиб, унчалик катта эмас.
2. “Жинсий майллик ҳақида уржуза”.
3. “Соғлиқни сақлаш ҳақида тиббий уржуза”. Бу 15 байт (30 мисра)дан иборат кичик шеърий асардир.
4. “Йилнинг тўрт фасли ҳақида тиббий уржуза”. Бу китоб ҳам унчалик катта эмас. Ҳаммаси бўлиб 121 байт (242 мисра)дан иборат.

5. “Синаб кўрилган дори-дармонлар ҳақида тиббий уржуза”. Бу асарда Ибн Сино ўзи узоқ вақт касалларда синаб кўрган ҳар хил дори-дармонлар ҳақида сўз юритган.

6. “Гиппократнинг васиятлари ҳақида уржуза”. Бу асар 93 байтдан иборат.

7. “Тиббий насихатлар ҳақида уржуза”. Бу асар 72 байтдан иборат.

Ибн Синонинг тибга оид муҳим асарларидан яна бири “Тиббий қондаларда учрайдиган хатоларни тузатиш” китобидир. Бу китоб “Тадбирда йўл кўйилган ҳар хил хатоликларга қарши чора кўриш йўли билан танага етказилган турли зарарларни йўқотиш”, деб ҳам аталади.

Ибн Сино таъкидлаб ўтганидек, тиббиётнинг асосий вазифаси касалликнинг олдини олиш, яъни унинг ривожланишига йўл қўймасликдир. Бу масалага аллома ўзининг бир неча асарини бағишлаган. Шулардан бири “Саломатликни сақлаш ҳақида рисола”дир. Бу китобча 13 бобдан иборат. Асарда сўз асосан шахсий гигиена ҳақида боради. Ибн Синонинг асарлари тиббиётнинг айрим хусусий масалаларига бағишланган катта-кичик китоблардан иборатдир. Улар орасида 1-2 саҳифалилари ҳам бор.

Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” ва “Уржуза фи-т-тиб” (“Тиббий уржуза”) каби тиббий асари билан бир қаторда тиббиётнинг айрим назарий ва амалий масалаларига бағишланган турли ҳажмдаги “Ал-Адвияти-л-қалбия” (“Юрак дорлиари”), “Китоб ал-кулонж” (“Куланж ҳақида китоб”), “Мақола фи-н-набз” (“Томир уруши ҳақида рисола”), “Рисола фи-л-фасд” (“Қон олиш ҳақида рисола”) каби рисоалари ҳам бор.

Фалсафий асари. Олимнинг фалсафага оид энг йирик ва муҳим асари. “Китоб аш-шифо”дир. У 4 қисмдан иборат:

1. Мантиқ – 9 бўлакка бўлинган:

1. “Ал-мадҳал” (“Мантиққа кириш”)
2. “Ал-мақулот” (“Категориялар”)
3. “Ал-иборат” (“Интерпретация”)
4. “Ал-қиёс” (“Силлогизм”)
5. “Ал-бурҳон” (“Исбот”, “Далил”)
6. “Ал-жадал” (“Тортишув”, “Диалектика”)
7. “Ас-сафсата” (“Софистика”)
8. “Ал-хитоба” (“Риторика”)
9. “Аш-шеър” (“Поэтика”), (Шеър санъати).

2. Тиббиёт:

(Бу ерда минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва инсонлар ҳақида алоҳида-алоҳида бўлимларда гапирилади).

3. Риёзийт – 4 фанга бўлинган:

1. “Ҳисоб” (“Арифметика”)
2. “Ҳандаса” (“Геометрия”)
3. “Астрономия” (Фалакиёт)
4. “Музыка”

4. Метафизика ёки илоҳиёт.

Бу асарларнинг айрим қимслари лотин, сурёний, иброний, немис, инглиз, француз, рус, форс ва ўзбек тилларида нашр қилинган.

Абу Али ибн Синонинг булардан ташқари турли соҳага оид “Ал-Қонун”, “Ҳайй ибн Яқзон”, “Рисолат ат-тайр”, “Рисолат фи-л-ишқ” (“Ишқ ҳақида рисола”), “Рисолат фи моҳиятис-салот” (“Намознинг моҳияти ҳақида рисола”), “Китоб фи маъно зиёрат” (“Зиёрат қилишнинг маъноси ҳақида”), “Рисолат фи даф ал-ғам минал-мавт” (“Ўлимдан келадиган ғамни даф қилиш ҳақида рисола”), “Рисолат ал-қадр”, “Ан-Нажот”, “Аш-Шифо”, “Донишнома”, “Китоб ал-ишорат” ва “Ат-Танбиҳот” каби кўплаб асарлари ҳам бор.

Алломанинг “Ҳайй ибн Яқзон” асари кишиларнинг дид-фаросатини ўстириши, фикр доирасини кенгайтириши билан таълим-тарбияда катта аҳамиятга эга. Унинг номи ҳам шунга ишора қилади: “Ҳайй ибн Яқзон” (“Тирик ўғли Уйғок”). Бу асар фаросат илми ҳақида эканлигини Ибн Синонинг ўзи ҳам таъкидлайди. Юқорида айтганимиздек, мазкур асарни Ибн Сино 1023 йилда Ҳамадонга яқин бўлган Фаражон қалъаси қамоқхонасида ёзган.

Ибн Сино ахлоққа оид асарларини “Амалий ҳикмат” (“Донишмандлик амалиёти”) деб атади. Олимнинг фикрича, ахлоқ фани кишиларнинг ўзига ва бошқаларга нисбатан хатти-ҳаракати меъёрлари ва қоидаларини ўрганади.

Ибн Сино ахлоқлиликнинг асосини яхшилик ва ёмонлик каби икки тушунча билан таърифлайди: “Дунёда мавжуд бўлган жами нарсалар табиатига кўра камолот сари интилади. Камолот сари интилишнинг ўзи эса моҳият эътибори билан яхшиликдир...”.

Ибн Синонинг “Тадбири манзил” рисоласи ҳам “Китоб аш-шифо” асарининг таркибий қисмини ташкил этади. асар араб тилидан форсийга эронлик олим Муҳаммад Нажмий Занжоний томонидан таржима қилиниб, 1939 йили Техронда чоп этилган. У таржима асар икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи қисми таржимоннинг изҳорлари ва батафсил шарҳларидан ташкил топган.

Ибн Сино ўз давридаги табиий фанларнинг ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган олимдир. Унинг табиий-илмий қарашлари “Китоб аш-шифо”нинг табиий фанларга оид қисмида баён қилинган. Алломанинг баъзи геология жараёнларига оид мулоҳазалари ҳозирги илмий назарияларга жуда яқиндир. У вулқонлар ва зилзилалар натижасида тоғларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ўз фикрларини айтади.

Ибн Сино минералогия (Маъданшунослик) соҳасида ҳам салмоқли ишлар қилган. У минералларнинг оригинал классификациясини таклиф этди. Унга кўра барча маъданлар 4 гуруҳга: тошлар, эрийдиган жисмлар (металлар), олтингугуртли ёнувчи бирикмалар ва тузларга бўлинади.

Ибн Сино табиий фанлар қатори кимё, табиатшунослик, фалакиёт илми, математика, шеърият ва мусиқа бобида ҳам илмий йўналишларини давом эттирган ва уларга оид асарлар ҳам ёзган.

Буюк қомусий олим Ибн Сино муסיқа бобида Форобийнинг илмий йўналишини давом эттирган йирик назариётчидир. Унинг муסיқа ҳақидаги “Жавомеъ илм-у-муסיқий” (“Муסיқа илмига оид тўплам”) асари 6 бобдан иборат бўлиб, бунда товушнинг сезги аъзоларига таъсири, унинг ёқимли ва ёқимсизлиги, товушни эшитганда лаззатланиш ё нафратланиш ҳиссининг пайдо бўлиши каби масалаларга тўхталади. Ибн Сино муסיқа овозларининг киши руҳига таъсири ҳақида ҳам ўз фикрларини ва ўз даври муסיқасининг барча муаммоларини баён этган.

Ибн Синонинг тиббий фикрлари

Абу Али ибн Сино ўз давридаги фанларнинг ҳаммасини мукамал ўзлаштириб, табиийки, тиббиёт фанига алоҳида аҳамият берган ва ўз касбини асосан табиблик деб билган. Айнан шу табиблик соҳасида унинг таланти ва қобилияти, айниқса, яққол намоён бўлди.

Ибн сино фикрича, тиб илмида назарий билимлар ва амалиёт ўзаро боғлиқ бўлиши ва бир-бирига асосланмоғи зарур, акс ҳолда у ривож топмайди ва ўз мақсадига эриша олмайди. Тиб илми аввало икки қисмга – назарий ва амалий қисмларга бўлинади.

Ибн Сино табобат илмининг назарияси ва амалиёт соҳасида жуда чуқур билимга эга эди. Ўзининг ниҳоятда ўткир зехни ва чуқур билими туфайли Ибн Сино табобат илми соҳасида ўз давридан анча илгарилаб кетди. У табобатнинг мақсад ва вазифасини бошқалардан кўра чуқурроқ ва кенгроқ тушунарди. Чунончи, Ибн Сино ўша замондаёқ тиббиётнинг асосий вазифаси кишиларнинг саломатлигини сақлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборатдир, деб билган. Бу фикр ҳозирги замон тиббиётининг асосий тушунчасига тамомла мос келади.

Абу Али ибн Сино табиб сифатида улуғ гуманист эди. У инсон манфаатини доимо ҳамма нарсадан юқори қўяр ва ўз шогирдларидан ҳам шуни талаб қиларди. Бу унинг тиббиётга берган таърифидан маълум. Ибн Сино ўзининг тиббиётга оид машҳур назмий асари “Тиббий Уржуза”да бундай дейди: “Табобат – бу саломатликни сақлаш ва касалликларни даволашдан иборат”. Бу фикр олимнинг шоҳ асари “Китобу-л-қонун фит-тиб”да айниқса яққол ўз ифодасини топган.

Ибн Сино ўзининг бу шоҳ асарини шундай сўзлар билан бошлайди: “тиб шундай илмики, у кишиларнинг саломатлигини сақлаш ва касалликларни даволаш мақсадида одам танасини соғ ва касаллик чоғида ўрганади”.

Бундан кўришиб турибдики, Ибн Сино киши саломатлигини, яъни профилактикани биринчи ўринга қўйган. Олимнинг ўз фаолияти умр бўйи шу мақсадга хизмат қилишга бағишланган эди. Унинг бутун ҳаёти тиббиётнинг шу асосий вазифаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

“Қонун”да тиббиёт фанининг вазифасига бағишланган махсус қисм бор. Ибн Сино ёзади: “Ҳар бир ҳодисанинг моҳияти унинг сабабини аниқлаш йўли билан очилади. Шунинг учун соғлиқ, касаллик ва уларнинг сабабларини билиш керак. Соғлиқ, касаллик ва уларнинг сабабалари гоҳо

очик (аниқ), гоҳо эса ёпиқ (ноаниқ) бўлиши мумкин. Бу сабаблар ўз кўринишларига қараб фақат ўқиш билангина эмас, балки фикр қилиш йўли билан тушунилади. Шунингдек, таботатда соғ вақтда ҳам, касалликда ҳам содир бўладиган ходисаларни билиш керак”. Бундан келиб чиқадики, табиб ўз фаолиятида, дастлаб соғлиқни йўқотишга олиб келган сабабни аниқлаб олиши зарур. Ибн Сино соғлиқ тўғрисида бундай дейди: “Соғлиқ шундай ҳолатки, бунда органлар ўз вазифасини тўла бажариш қобилиятига эга бўлади”. Алломанинг бундан минг йил муқаддам айтган бу фикрлари юксак даражада ривожланган ҳозирги замон тиббиёти ва унинг профилактик принципларига тамомила мос келади.

Ибн Сино амалий таботатни иккига бўлади. Булардан бири, соғлом тана режими, яъни саломатликни сақлашга қаратилган тадбирлар бўлса, иккинчиси носоғ (касал) тана режимидир. Бунда организмни нормал ҳолатга қайтариш кўзда тутилади. Буни аллома “даволаш билими” деб атади.

Ибн Сино таълимотининг давомчилари

Ибн Сино ўзининг бой ва серқирра илмий мероси билан кейинги давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Шарқнинг Умар Ҳайём, Абу Убайд Жузжоний, Насриддин Тусий, Фаридуддин Аттор, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Улуғбек, Бедил каби мутафаккир ва олимлари ўз асарларида Ибн Сино таълимоти ва илмий ғояларини давом эттирдилар.

Европанинг машҳур файласуф ва табиатшунос олимларидан Жордано Бруно, Гундисвальво, Вильгельм Овернский, Александр Гелский, Альберт фон Больштедт, Фома Аквинский, Рожер Бекон, Данте ва бошқалар Ибн Синонинг илғор фикрларидан ўз ижодларида фойдаландилар ва унинг номини зўр ҳурмат билан тилга олдилар. Айни вақтда ҳам Ибн Сино асарлари дунёнинг турли кутубхоналарида, файласуфлар, шифокорлар, математик ва тилшуносларнинг китоб жавонларида авайлаб сақланмоқда.

Бутун илғор инсоният, хусусан ўзбек халқи, илм-маданият аҳли ақл ва адолат тантанаси учун курашган, фан, ҳақиқат йўлида бутун хаётини илм-фанга, маданият ва маърифатга бағишланган ажойиб истеъдод эгаси Ибн Сино билан ғурурланади.

Ибн Синога берилган тавсиф

У ўз илми, мероси билан ўрта аср Шарқининг илмий маданий кудратини бутун дунёга намоён қилган. Бутун инсоният маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Шунинг учун ҳам Ибн Сино жаҳон маданиятининг буюк сиймоси, энг катта файласуф, табиатшунос, инсоншунос, машҳур энциклопедист сифатида тан олинади. Ибн Синонинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини эътиборга олиб, Жордано Бруно Ибн Синони қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи

Аристотель, табиб (врач) Голенлар билан тенг қаторга қўйса, А.Данте ўзининг “Илохий комедия”сида олимни Птоломей, Эвклид, Гиппократларга тенглаштиради. Немис файласуфи Л.Фейербах олимни “Машхур табиб ва файласуф” деса, Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Ж.Неру ўзининг “Ҳиндистоннинг очилиши” деган асарида Ўрта Осиё олимларини тилга олар экан, Ибн Сино номини алоҳида таъкидлаб: “Улардан энг машҳури табиблар (врачлар) подшоҳи деган номни олган бухоролик Ибн Сино (Авиценна)дир”, - деб, хурмат билан тилга олади. Демак, Ибн Синонинг шахсий фаолияти, дунёвий илмларни ўрганиш ҳақидаги таълимотлари, таълим-тарбия ҳақидаги мулоҳазалари ва таъбабат таракқиётидаги ўзига хос ўринни эгаллайди.

Замондошлари Ибн Сино “Шайх ур-раис” (“Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи”); “Шараф ал-мулк” (“Ўлка мамлакатниг обрўси, шарафи”), “Ҳужжат ал-ҳаққ” (“Ростликка далил”), “Ҳаким ал-вазир” (“Донишманд, тадбиркор вазир”) деб атаганлар.

Ибн Синонинг болалигидаги бир воқеа

Узук воқеаси: Абу Али ибн Синониг онаси уни чақалоқлигида чўмилтираётганида қимматбаҳо узугини йўқотиб қўйган эди. У узугини кўп қидирибди. Лекин ҳеч қаердан топа олмабди. Кейин уни канизак олган, деб гумон қилиб, бечора канизакни роса калтаклашибди. Канизакни уришаётганда Абу Али йиғлай бошлабди, калтаклашдан тўхташса, чақалоқ ҳам йиғидан тўхтабди. Ҳамма бундан ажабланиб, узукни йўқолдига чиқаришибди.

Ибн Сино тилга кирганида, биринчи айтган гапи шу бўлибди: Сизлар ўша вақтда канизакни ноҳақ урган эдинглар. Онам мени чўмилтираётганда, узуги тоғорага тушиб кетган эди. У тоғорани ағдарганида узук ҳам сув билан бирга кир ўрага тушиб кетган. Менинг тилим чиқмаганидан, сизларга айтолмаган эдим. Канизакни урганингларида йиғлаб, тўхтаганларингда йиғидан тўхташимнинг сабаби шу эди. Шундан кейин ўрани кавлашган экан, узук топилибди. Бу воқеани эшитганлар Ибн Сино зехнига қойил қолишган экан.

Беморларни даволашдаги қўллаган усуллари ҳақидаги ривоятлар
“Мен хўкирман”: Бухоролик бир киши касал бўлиб қолибди.

Беморнинг Қриндош-уруғлари буни Абу Али ибн Синога айтишибди. Абу Али касалнинг олдига қассоб бўлиб келибди ва “Қани сўядиган хўкизинглар!” – деб бақарибди. Бемор унинг олдига чопиб бориб, “Сўйиладиган хўкиз менман” дебди. Абу Али дарров беморнинг қўл-оёғини боғлабди, сўнг қўлида пичоқни ўйнатиб, беморнинг биқинидан ушлаб кўрибди-да: - Хўкизимиз семиз демабмидиларинг, бу жуда ориқ-ку, буни мен ҳозир сўймайман, сал семирсин, кейин сўяман, - дебди. Бемор бу гапни эшитиб: “Қани, менга овқат беринглар, мен семирай”, деб овқат талаб қилаверибди.

Абу Али ибн Сино беморнинг оиласига дори қолдириб, уни овқатига кўшиб, беморга беришни уқтирибди. Уйдагилар шундай қилишибди. Натижада бемор хадемай тузалиб кетибди. Кейинчалик Абу Али ибн Сино беморнинг уйига келиб:

- Семирган хўкизинглар қани, сўйиб берай, - дебди ва соғайган беморга кўзи тушиб:

- Э, анча семирибсан-ку, энди сўйса бўлади, - дебди.

Бемор табибнинг гапидан жуда таажжубланибди ва:

- Мени сўядиганнинг боши ўнта, тегиб кўрчи менга, - деб дўқ урибди. Йиғилган қариндош-уруғларнинг ҳаммаси аввалги воқеани эслаб, хохолаб кулиб юборишибди.

Ишқ дардига чалинган қизни даволаши

Ривоят қилишларича, бир шоҳнинг қизи бетоб бўлиб қолади. Табиблар уни даволай олмадилар, шунда Ибн Синога мурожаат қилдилар. Ибн Сино уни кўриб: “Унинг дарди - ишқдир”, - деди. Сарой канизаклари уни инкор қиладилар. Ибн Сино: “Агар хоҳласаларингиз, мен сизларга унинг кимни севишини ҳам айтиб бераман. Бу қизга яқин бўлган йигитларнинг номларини айтинглар, мен унинг томирини ушлаб тураман”, - деди. Саройдагилар бирма-бир атрофдаги йигитларнинг номини айта бошладилар. Севгилисининг исмини зикр қилишганда томирлари қаттиқ ура бошлади ва хушидан кетди. Ибн Сино унинг дардини шу тариқа аниқлади. Сарой аъёнлари унинг дардининг давоси нима эканлиги ҳақида сўрадилар. Ибн Сино: “Ишқ унинг бутун вужудини эгаллаб олибди, агар шу йигитга уни турмушга бермасаларингиз, у халок бўлади”, - деди.

Ибн Сино шу тариқа ўзининг донолиги ва зийраклиги билан беморнинг дардини тўғри аниқлаб, уни даволаган экан.

Ибн Сино: “Менинг бисотимда (аниқ ташхис кўйиш учун) бор нарсаларнинг энг азизроғи – бу беморнинг тўғри сўзидир”, дейди.

Абу Али ибн Сино ҳаётининг солномаси

980 – Бухоро яқинидаги Афшона деган жойда Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ дунёга келди.

985 – Уларнинг оиласи Афшонадан Бухорога кўчиб ўтди.

985-995 – Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Бухородаги Маҳмуд Массох, Исмоил аз-Зоҳидий, Абу Абдуллоҳ Нотий, Ал-Қумрий каби улуғ олимлардан таълим олади.

997 – Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Бухоронинг улуғ олим ва табибларидан бири бўлиб танилди. Бухоро амирининг оғир касалини даволашда иштирок этиб, унинг эвазига амир кутубхонасида мутолаа этмоққа рухсат олади.

998 - Ўзининг дастлабки илмий асарларини яратди.

999 – Қораҳонийлар Бухорони забт этиб, сомонийлар давлатини ағдарганидан кейин Ибн Сино ҳаётида ташвишли, нотинч ва оғир дамлар бошланди.

1002 – Абу Али ибн Сино 21 ёшга етганда унинг отаси вафот этди.

1005 – Абу Али ибн Сино Бухородан Хоразм пойтахти Гурганжга келиб бу ердаги олимлар даврасида хизмат қилади. Асарлар ёзади. “Тиб қонунлари”, “Аш-шифо” асарларининг дастлабки материалларини ҳам шунда йиға бошлади. Ибн Сино шу йили Абу Райхон ал-Беруний билан усрашади.

1012-1014 - Абу Али ибн Сино Ғазна подшоҳи Султон Ғазнавий таъқибидан қочиб Абу Саҳл Масихий билан бирга Хоразмдан чиқиб кетди. Улар Эрон сари жўнадилар. Йўлда Масихий вафот этди. Абу Али ибн Сино Нисо, Обивард, Шикқон, Саманқон, Жожурли деган жойларда тентираб юрди. Сўнг Журжонга келди. Ундан Деҳистонга ўтди. Сўнг яна Журжонга қайтди. Бу ерда унга Абу Убайд ал-Жузжоний келиб учради. Шундан сўнг устоз Абу Али ибн Сино ва шогирд Абу Убайд Жузжоний хамиша бирга бўлдилар.

1014 - Абу Али ибн Сино Рай шаҳрига келади. Бу ерда табиблик билан шуғулланади, илмий ишларини давом эттиради.

1016 – Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг таъқибидан қочиб Абу Али ибн Сино Райдан Қозвин орқали Ҳамадонга ўтади. Бу ерда амир Шамсуддавланинг вазири бўлиб хизмат қилади. Сўнг ҳарбийларнинг иғвоси билан Фаражон қалъасига ҳибс этилади. Бу ерда Абу Али ибн Сино “Алҳидоя” (“Бағишлов”), “Ҳайй ибн Яқзон” (“Уйғокнинг ўғли Тирик”), куланж касали тўғрисида “Китобу-л-Куланж” асарларини ёзади. “Юрак дорилари” китобини ёза бошлади.

1025 - Абу Али ибн Сино Ҳамадондан Исфаҳонга ўтди. Бу ерда умрининг охиригача яшади. “Тиб қонунлари”, “Аш-шифо” каби шох асарларини тугаллади. “Китоб ул-Алойи” асарини ёзди.

1037 – Абу Али Исфаҳон амири Алоуддавла билан Ҳамадон сафарида бирга бўлди. Шу сафар давомида эски касали кўзғаб қолди ва 1037 йили Ҳамадонда 57 (ҳижрий 58) ёшида вафот этади. Абу Али ибн Сино Ҳамадон шаҳрининг ғарб томонида кўрғон деворининг ёнига дафн этилади.

1952 – Аллома қабри устига мақбара қурилган (меъмори Х.Сайхун). мақбара Ибн Синога бағишланган музей хоналарини ҳам ўз ичига олган.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Абу Али ибн Сино ҳаётининг солномаси?
2. Ибн Синонинг ҳаёт йўли ва илмий-фалсафий мероси?
3. Ибн Синога берилган тавсифлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтиринг?
4. Ибн Сино яшаган муҳит ҳақида маълумотлар келтиринг?
5. Ибн Синонинг фалсафий асарлари қайсилар?
6. Ишқ дардига чалинган қизни даволаши ҳақида нималарни биласиз?
7. Фаробийнинг жамият ҳақидаги қарашларини таҳлил қилиб беринг?

8. Ибн Синонинг Беруний билан савол-жавоблари қандай масалалар доирасида бўлган?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1.Ибн Сино ва унинг фалсафий асарларини аниқланг?

- а) «Аш-Шифо», «Равзат ус-Сафо», «Сайдана»;
- б) «Ал-Кашшоф», «Ал-Муфассал», «Китоб ал-Инсоф»;
- в) «Донишнома», «Китоб аш-шифо», «Тиб қонунлари»;
- г) «Кувват ул-табиа», «Рисола фил-ишк», «Осор ал-Боқия».

2.Ибн Сино билишда қандай омилнинг устуворлигини тан олади?

- а) хиссий ва ақлий билиш тенг ахамиятга эга деб қарайди;
- б) билишда ақлнинг роли хал қилувчи деб тушунади;
- в) билишда хиссий билишнинг ахамияти катта деб ҳисоблайди;
- г) а ва б холларда.

3.Ибн Синонинг мазмун ва шакл муносабатларига бўлган қарашлари қандай бўлган?

- а) у Аристотелга эргашиб мазмунга нисбатан шаклнинг бирламчилигини тан олади;
- б) у Форобийга эргашиб шакл билан мазмун тенг ахамиятли деб қарайди, яъни шаклсиз мазмун ёки аксинча бўлиши мумкин эмас деб тушунади;
- в) Берунийга эргашиб «Мазмун ўз тараққиёти давомида сон-саноксиз шаклларни вужудга келтиради» деб мазмуннинг бирламчилигини эътироф этади;
- г) у мазмун билан шакл ўзаро боғлиқ эмас деб тушунади.

4. Ибн Синонинг ташқи олам нарса ва ходисалар ўртасидаги умумалоқадорликни тушунишдаги қарашлари қайси фалсафий оқимга мос келади?

- а) Детерминизмга;
- б) фатализмга;
- в) Индетерминизмга;
- г) Волонтаризмга;
- д) «а» билан «в»ни бир деб тушунган ва иккаласи ҳам хал қилувчи ахамият касб этади деб ҳисоблаган.



Маҳмуд Замахшарий (1075-1144)

Унинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад бўлиб, Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилганлиги учун Замахшарий тахаллусини олган. Шунингдек, Замахшарий кўп асарларини Маккада ёзганлиги сабабли Жоруллоҳ (“Аллоҳнинг қўшниси”) деган шарафли номга ҳам муяссар бўлган. У Маккаи муккурамада яшаган пайтида искандариялик шогирди Шихобуддин Аҳмад ибн ал-Хусний ал-Моликийга йўллаган мактубида ўзи ҳақида “Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Замахшарийман. Хоразмнинг катта бир қишлоғи – Замахшарга мансубман Замахшар – туғилган юртимдир”, - деб ёзган.

Маҳмуд Замахшарий Ўрта Осиёлик қомусий олим, тафсиршунос, ҳадисшунос, тилшунос, луғатшунос ва адиб бўлган. Маҳмуд Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, география, тафсир, ҳадис ва фикҳга оид 50 дан ортиқ асар ёзган.

Маҳмуд Замахшарий ҳижрий 467 сана, ражаб ойининг йигирма еттинчисида чоршанба куни (милодий ҳисобда 1075 йилнинг 19 мартида) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири – Замахшарда таваллуд топган. Замахшарийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар асосан ўрта аср араб манбаларида, қисман маълумотлар эса олимнинг ўз асарларида ҳам келтирилган. Бу тарздаги маълумотларни Ибн Халликон, Ибн ал-Анбарий, Ёқут ал-Ҳамавий, Жалолиддин ас-Суютий, Ибн ал-Қифтий ва бошқа араб муаллифларининг асарларида учратамиз. Мана шу муаллифлар келтирган далилий маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат бўлмаса-да, ўз даврининг саводли, тақводор, диёнатли кишиси бўлган. у кўп вақтини Қуръони карим тилovati ва тоат-ибодат билан ўтказган. Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган бўлиб, хулқ-атвор яхши, ширинсухан ва ғоят меҳр-мурувватли киши сифатида эл орасида катта обрўга эга бўлган. Унинг онаси ҳам тақводор, фозила ва маърифатли аёллардан ҳисобланган.

Замахшарий диний илмлар мажмуаси – ҳадис, тасфир, фикҳ ва кироат илми бўйича ҳам катта шуҳрат қозонган. Мазкур илмларни мукамал эгаллашида, ўз даврининг етук олими даражасига етишида устозларининг хизмати бениҳоя катта бўлган. Замахшарий ўз юрти Хоразмда ҳам, хорижий элларда бўлганида ҳам ўз даврининг машҳур

олимларидан таълим олган, ҳамма жойда олиму фузалолар даврасида муттасил равишда ўз илмини оширишга ҳаракат қилган. У ёшлигидан араб тили ва араб адабиётига катта меҳр қўяди ва араблар ҳаётининг турли томонларини алоҳида завқ билан ўрганади.

Замахшарийнинг дастлабки устозлари Хоразмда бўлишган. Унинг камолот босқичига кўтарилишига тил, луғат ва адабиёт соҳасида донг таратган олим Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарийр ад-Даббий ал-Исфажоний катта ҳисса қўшган. 1113 (508 ҳижрий) йилда Марвда вафот этган бу олим Хоразмда ҳам бир неча йил яшаган.

Машҳур араб олими ва сайёҳи Ёқут Ҳамавий машҳур олим Исфажоний ҳақида шундай ёзади: “Луғат ва грамматика илмида ўз даврининг ягона билмдони ва ўз асрининг беназири бўлиб, Исфажонийнинг хилма-хил фазилатлари тўғрисида ривоятлар келтирадилар. Бир қанча муддат Хоразмда истиқомат қилган бўлиб, одамлар унинг илму ахлокидан фойда кўргандилар. Кўпгина илм толиблари, шулар жумласидан Замахшарий ҳам унинг мукамал илмидан баҳраманд бўлиб, луғат ва грамматика соҳасида таълим олганлар. Хоразмга муътазалий (исломда юмшоқ муносабатда бўлиш) оқимини олиб келиб тарқатган ҳам шу ал-Исфажонийдир. Ал-Исфажоний ғоятда улуғворлиги туфайли халқ унга эргашиб, унинг таълимотини қабул қилган”.

Шундай катта олимнинг чуқур билими, илм олиш борасида Замахшарийга кўрсатган жидду жаҳди унинг келажакда грамматика ва луғат соҳаларида етук олим бўлиб етишишига мустаҳкам замин бўлди. Замахшарий устози ад-Даббийдан нафақат чуқур билим олди, балки унинг илмий йўналишлари, асарлар яратишдаги тартиботларини тадқиқ қилди, ниҳоят, муътазалий оқимининг энг ашаддий хомийларидан бири бўлиб етишишда ҳам устози йўлидан юрди. Хоразм ўлкасида муътазалий оқимининг тарқалиши ва унинг мустаҳкам қарор топишида ад-Даббий асосий ўрин тутди. Хоразмда бу оқим таъсири шу даражага етадики, ҳатто Хоразм сўзи билан муътазалий сўзи хоразмий-муътазалий қофиясида жаранглаб, кенг кўламда қўлланила бошлади. Хуллас, Замахшарий дунёқарашининг шаклланишида, у илм-фаннинг турли соҳаларидан, айниқса, грамматика ва луғатдан чуқур билим олишида ва ниҳоят, диний эътиқодида ҳам ад-Даббий сезиларли таъсир кўрсатди. Араб миллатига мансуб бу олимнинг таъсирида Замахшарий қалбида ёшлигидан арабларга ва араб тилига самимий муҳаббат туйғулари қарор топади. Бу ҳолни олимнинг ўзи ҳам баъзи қасидаларида миннатдорлик ҳисси билан ифодалайди. Ад-Даббий вафот этганда Замахшарий каттиқ қайғуради ва устозига бағишлаб мотамсаро марсия битади.

Замахшарийнинг илмий, ижодий фаолиятида бир миллатни бошқа миллатдан устун қўйиш бўлмаса ҳам, бироқ у араб тилига, араб халқининг илм-фандаги ютуқларига юқори баҳо беради, дастлаб шу диёрда бунёд бўлган дини маърифат ва маданият ривожига ижобий таъсир кўрсатганини алоҳида қайд этади. у грамматикага бағишланган “Ал-

Муфассал” асарини одамларнинг истагини ҳисобга олиб, “араб калималарини билиш учун” яратгани, “Муқаддимату-л-адаб” асарини эса бошқа халқлар араб тилини ўрганмоғи учун ёзганини таъкидлайди.

Замахшарийнинг устозларидан яна бири Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Талҳа ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Йабарий ал-Андалусий бўлиб, у ҳам грамматика ва фикҳ соҳасида йирик олим ҳисобланарди. Замахшарий Маккада бўлганида баъзи грамматик асарларни, жумладан, “Шарқ рисолат ибн Абу Зайд” кабиларни унинг ёрдамида ўрганган эди. Ал-Йабарий 1124 (518 хижрий) йилда вафот этган.

Замахшарий Бағдодда бўлганида ҳам кўпгина олимлар билан мулоқотда бўлиб, улардан турли илмлардан сабоқ олган эди. Жумладан, ҳадис илмини Абу ал-Хаттоб ибн ал-Батар, Абу Саад аш-Шаффоний, шайху-л-ислом Абу Мансур Наср ал-Хорисий, фикҳ илмини шайх ал-Хаййатий, ад-Дамғоний, Шарий ибн аш-Шажарийдан ўрганган эди. Ибн ал-Қифтий шундай хикоя қилади: “Замахшарий Бағдодда, бизнинг хузуримизга 533 хижрий йилда келган эди. Мен уни икки марта устозимиз Абу Мансур ибн ал-Жавлоқийнинг ёнида луғат соҳасидаги баъзи китобларни ўрганаётган пайтида кўрганман”.

Бу ҳол Замахшарий бутун умри давомида, ҳатто кексайган чоғида ҳам турли илмларни ўқиб ўрганганлигини кўрсатади. Чунки 533 хижрий йилда Бағдодда бўлган бу воқеа олим олтмиш олти ёшга кирганда, яъни унинг ўлиmidан беш йил олдин бўлган.

Замахшарийнинг устозлари яна бири Абу Али ал-Ҳасан ибн ал-Музаффар ан-Найсабурийдир. Ёкут ал-Ҳамавий у ҳақда шундай ёзган: “Ал-Ҳасан ибн ал-Музаффар ан-Найсабурий олийжаноб адиб ва шоир, бир қанча асарларнинг муаллифи бўлиб, у ҳақда Абу Аҳмад Маҳмуд ибн Арслон ўзининг “Хоразм тарихи” асарида: “Абу Али ал-Ҳасан ибн ал-Музаффар ал-Адиб ад-Дарийр ан-Найсабурий, сўнгра ал-Хоразмий 442 йил, рамазон ойининг 14-кунида вафот қилган. У Абу Мудар (Замахшарийнинг Хоразмдаги биринчи устози)дан олдин Абул-Қосим Замахшарийга устозлик қилган, унинг назмий ва насрий асарлари ҳам бордир”, деб кўрсатган. Замахшарий, аввал зикр қилганимиздек, ал-Ҳасан ибн ал-Музаффар вафотидан 25 йил кейин, 467 хижрий йилда туғилган.

Илм-фаннинг кўпгина соҳалари – тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фикҳ бўйича йирик олим даражасига кўтарилган ва ўзига хос эътиборли илмий мактаб яратган Замахшарийнинг Хоразмда ҳам, Шарқнинг бошқа бир қанча шаҳарларида ҳам шогирдлари бўлиб, “Оилавий ҳаёт, рўзғор ташвишлари ҳамда фарзандлар тарбияси кўп вақтимни олади, илмий ва адабий фаолиятим унумли бўлишига халақит беради”, деб у, қариндош-уруғларининг қистовига қарамай, ҳаётида бирор марта ҳам уйланмаган. Элга фойдали асарлар яратиш ва муносиб шогирдлар тайёрлашни фарзанд ўстириш билан баробар қўйган. Замондошлари Замахшарий қайси шаҳарга бормасин, дарҳол мухлислари, илм толиблари унинг атрофига тўпланиб, ундаги катта билим чашмасидан баҳраманд бўлишга ошиқишларини

маълум қиладилар. Тарихчи Ибн ал-Қифтийнинг ёзишича, Замахшарий Хуросонда бўлганида ҳам, Ироқда яшаганида ҳам, хуллас, қаерга бормасин – ўша жойда шогирдлари ҳозир бўлишар, ундан сабоқ олишарди. Шу боисдан ҳам турли шаҳарларда унинг шогирдлари бор эди.

Улардан бири Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ибн Ҳарун ал-Умроний ал-Хаваризмий бўлиб, у “Хужжату-л-афодил” ва “Фахру-л-машойих” лақаблари билан аталар, Замахшарийнинг энг яқин дўстларидан бўлиб қолганди. У устози паноҳида адабиёт, ҳадис илмларидан таҳсил кўрганди. Замахшарий замонасининг етук олими даражасига кўтарилиб, ўзи ҳам илм толибларига дарс бериб, грамматика, жўғрофия соҳалари бўйича асарлар яратганди. У 1144 йилда (566 ҳижрий) вафот этган.

Замахшарийнинг қобилиятли шогирдларидан яна бири муҳаммад ибн Абул Қосим ибн Бойчук ал-Баққолий ал-Хоразмий ал-Одамий ан-Наҳвий бўлиб, у “Зайн ал-машойих” лақаби билан машҳур эди. Ёқут ал-Ҳамавий у ҳақда: “Ал-Адабда у имом, лисону-л-арабда хужжат (ишончли олим), луғат ва ал-иъробни Замахшарийдан ўрганиб, кейинчалик унинг ўрнига ўтирган эди. Ҳадис илмини устози Замахшарий ва бошқалардан ўрганди. У эътиқоди кучли, олижаноб, соф виждонли киши эди. Унинг бир қанча асарлари бўлиб, улардан “Мифтоҳ ат-Танзийл”, “Таквийм ал-лисон фин-наҳв”, “Ал-Иътоб фил-иъроб”, “Ал-Бидоя филмаоний ва-л-баён”, “Китоб манозил ал-араб” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин”, деб ёзади.

Абу Юсуф Ёқуб ибн Али ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Балхий ал-Жандалий эса Замахшарий билан доим бирга бўлар, ундан сира ажралмасди. У айниқса ал-адаб илми бўйича ўз устозидан кўп сабоқ олиб, бу соҳада етук олим бўлиб етишди. Ал-Муваффақ ибн Аҳмад ибн Абу Саъийд Исҳоқ Абул-Муайяд ҳам Замахшарийнинг муносиб шогирдларидан бўлиб, “Ахтабу Хвараз” (“Хоразмнинг энг чечан хатиби, сўз устаси”) лақаби билан машҳур эди. У кўп илмлар соҳасида етук олим, фақиҳ ва шоир бўлиш билан бирга ўта фозил киши, араб тилининг билимдони сифатида ғоятда машҳур эди. У ҳижрий 484 йилда туғилиб, 568 ҳижрий йилда вафот этган.

Замахшарийнинг бошқа шогирдларидан тарабистонлик Абул-Маҳосин Исмоил ибн Абдуллоҳ ат-Таъвийлий, абиравдлик Абул-Маҳосин Абдурахмон ибн Абдулло ал-Баззор, замахшарлик Абу Амру Омир ибн ал-Ҳасан ас-Симсор, самарқандлик Абу Саид Аҳмад ибн Маҳмуд аш-Шотий, хоразмлик машҳур фақиҳ Абу Тохир Сомон ибн Абдумалик ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Замахшарийга шогирд тушганлардан бири Али ибн Исо ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос Абу ат-Таййиб эди. Бу фозил, олижаноб инсон Макка аҳлидан бўлиб, назм ва насрда бир қанча асарлар ёзган. Замахшарий Маккалигида унга сабоқ берган эди. Ўз навбатида, тарихчи Ибн ал-Қифтий қайд қилганидек, Замахшарий ҳам Ибн Ваҳҳоснинг илмидан истеъфода этган у 550 ҳижрий санада вафот этган. Юқорида зикр қилинган илм толиблари Замахшарий билан шахсан мулоқотда бўлиб, ундан таълим олишган. Аммо

Замахшарийни шахсан кўрмаган, фақат унинг асарларини ўқиб ўзларини олимнинг шогирди ҳисоблаган, асарларини ривоят қилиш учун ижозат сўраган олимлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. мисол тариқасида улардан бир қанчасини эслатиб ўтаемиз. Зайнаб Бинт аш-Шаърийй етук олима сифатида кўпчиликка, шу жумладан, таниқли адию ва тарихчи Ибн Халликонга ҳам устозлик қилган. Шу билан бир қаторда, Зайнаб Бинт аш-Шаърийй Замахшарийни устоз сифатида тан олган.

Замахшарийни ўзига устоз билганлардан яна бири исқандариялик олим ал-Ҳофиз Абу ат-Тоҳир Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Салафийдир. Шихобуддин Аҳмад ибн Али ал-Ҳасаний ал-Моликий Абу Тоҳир Баракат ибн Иброҳим ал-Хушуъий ҳам Замахшарийни ўзларига устоз деб тан олганлар. Ҳақиқатан ҳам Замахшарийнинг асарларидан кенг кўламда фойдаланиб, унинг ғояларини ўзларига дастуруламал қилганлар жуда ҳам кўп эди. Чунончи, Ибн ал-Қифтий ибораси билан айтганда, Замахшарий “ўз даврининг алломаси, ғайриараблар ўртасида араб тилида ижод қилганларнинг энг пешвоси, бу тилда ёзилган барча асарлардан хабардор забардаст аллома даражасига етган эди”.

Замахшарийнинг ёзган асарлари

“Ал-Муфассал” (“Грамматика бўйича муфассал китоб”) асари. Араб тили грамматикасига бағишланиб ёзилган бу асар қисқача “Ал-Муфассал” деб аталиб, Замахшарий Маккада яшаган пайтида (513-515 ҳ.) 1119-1121 йиллар ичида ёзилиб, тугалланди.

“Ал-Муфассал” араб тили грамматикаси ва морфологиясини ўрганишда йирик қўлланма сифатида азалдан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам донғи кетган асарлардан ҳисобланади. Кўпчилик мунаққидлар Замахшарийнинг бу асарини ўз илмий қиммати жиҳатидан таниқли араб тилшуноси Сибавайҳнинг араб тили грамматикасига оид машҳур “Китоб Сибавайҳ”идан кейин иккинчи ўринда туришини таъкидлаганлар. Ўша даврнинг ўзидаёқ бу асар барча халқлар, ҳатто араблар орасида ҳам катта эътибор қозонади ва араб тилини ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида омма орасида кенг тарқалади. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким Замахшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унга беш минг кумуш танга пул ва сарпо совға қилишга ваъда берган. Бир қанча кишилар Замахшарийниг бу асарини ёд олиб, мукофотга ҳам сазовор бўлганлиги манбаларда келтирилган. Бу мисол Замахшарий асарининг ўша даврда ҳам қанчалик юқори баҳоланганлигини кўрсатади. “Ал-Муфассал”нинг бир қўлёзма нусҳаси Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Асарнинг немис тилига таржимаси 1873 йилда нашр қилинган. Катта илмий қимматга эга бўлган “Ал-Муфассал”га тилшунос олимлар томонидан кўплаб шарҳлар ёзилган. Немис шарқшуноси К.Броккелманнинг фикрича, “Ал-Муфассал”га ёзилган шарҳларнинг сони ўттизга яқин экан. Асарнинг биринчи нашри 1859 йилда Кристьянада Ж.Р.Брош томонидан чоп этилган. “Ал-Муфассал”нинг кўп сонли

шарҳлариданэнг машҳури ўрта асрларда яшаган суриялик грамматик олим Муваффақ ад-Дин Абул-Бақо Йаъийш ибн Али ибн ал-Ҳалабий томонидан ёзилган шарҳ ҳисобланади. Мазкур шарҳ 1882 йилда Лейпцигда икки жилдда босилган. “Ал-Муфассал”га ёзилган бошқа шарҳлар ичида имом Фахриддин Муҳаммад ибн Умар ар-Розий, Муҳаммад ибн Саъд ал-Марвазийнинг шарҳи муҳимдир, шунингдек, Садр Ал-афозил ал-Хоразмий номи билан машҳур бўлган Абу Муҳаммад Мажд ад-дин ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн “Ал-Муфассал”га учта шарҳ ёзган бўлиб, улардан бири “Ат-Тахмиёр” деб аталади. Унинг вўлёма нусхалари Британия музейида ва Дамашқда сақланади; Фахриддин ал-Хоразмийнинг “Ал-Муфассал”га ёзган шарҳидан бир кўлёма нусхаси Дамашқда, “Аз-Зоҳирия” кутубхонасида сақланмоқда. Замахшарийнинг бу машҳур асари араб мамлакатларида, жумладан, Мисрда бир неча марта нашр қилинганлигини ҳам қайд этиш лозим.

“Ал-Муфассал фи санъат ал-иъраб” номи билан аталган ушбу китобим тўрт қисмдан иборат, - деб таъкидлайди аз-Замахшарий китобига ёзган муқаддимасида.

“Муқаддимату-л-адаб” (“Адаб илмига муқаддима”) асари. Замахшарийнинг хорамшоҳ Алоуддавла Абдулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзган “Муқаддимату-л-араб” асари алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, хоразмшоҳлар салтанат юритган даврда илм-фан, маданият анчагина тараққий қилган эди. Ҳукмдорлар, айниқса, хоразмшоҳ Отсиз олимлар, шоир ва адибларга ҳурмат ила қараши билан бир қаторда, унинг ўзи ҳам истеъдодли, ғоятда маърифатпарвар, адабиётга қизиққан билимдон бир ҳоким эди. Унинг даврида илм-фан тараққиёти йўлида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилган эди. Шу сабабдан бўлса керак, Замахшарий ўзининг ажойиб луғат китоби “Муқаддимату-л-араб”ни унга бағишлаб ёзган. Асар беш қисмдан иборат бўлиб, унда отлар, феъллар, ʼоғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритилган. Асарнинг ёзилган йили маълум бўлмасида, манбалардаги далилларни ўрганиш натижасида Замахшарий бу асарини Маккадан қайтгандан кейин, 1137 йилда ёзиб тугалланганлиги аниқланди.

Замахшарий ўзининг бир неча йил давом этган сафарлари чоғида кўпгина араб мамлакатларида бўлди ва шу сафарлари чоғида араб тили, унинг луғатлари ва лаҳжалари хусусида бой маълумот тўплади. Шу боисдан ҳам, муаллиф бу асарида ўша даврда араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамрашга ҳаракат қилган, уларни этимология (тилнинг келиб чиқиши тарихи) нуқтаи назаридан етарли даражада кенг ва тўла ёритишга интиланган. Шу боисдан ҳам, Замахшарийнинг бу йирик асари мазкур хусусиятга эга бўлган дастлабки асарлардан десак, ҳеч бир муболаға бўлмайди. “Муқаддимату-л-араб” форс тилидан ташқари чиғатой, мўғул ва турк тилларига ҳам таржима қилинган. Манбаларда таъкидланишича, асарнинг чиғатой тилидаги таржимаси Замахшарийнинг ўзи томонидан бажарилганлиги фараз

қилинган. Бу фикрнинг тўғрилигига далиллардан биттаси, асар, аввал айтиб ўтганимиздек, хоразмшоҳ Отсизга бағишланган ва у тушуниши учун асарнинг арабча матни билан биргаликда чиғатой тилидаги таржимаси ҳам ёзилганлиги шубҳасиздир.

“Муқаддимату-л-араб” асари яратилган даврдан бошлаб бир неча асрлар давомида олимлар, тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиб келган. Асар биринчи марта 1706 йилда Хўжа Ноҳоқ Исҳоқ томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган. Сўнгра Европанинг бир қанча тилларига ағдарилган. Париж, Вена, Лейден, Қозон, Миср ва Ҳиндистонда бир неча маротаба нашр қилинган. Немис олимларидан Ватзастайн “Муқаддимату-л-араб”нинг Европа қўлёзма фондларидаги еттита қўлёзмасини қиёсий ўрганиб, 1850 йили Лейпцигда асарнинг икки жилдли танқидий матнини нашр эттирди. Шунингдек, Ватзастайн бу муқаммал нашрни фихрист билан биргаликда чоп қилганлиги сабабидан мазкур нашр қимматли манбалардан ҳисобланади. Асарнинг чиғатой тилидаги таржимаси ўзбек тили тарихини ўрганувчилар учун муҳим аҳамиятга эгадир. “Замахшарийнинг “Муқаддимату-л-араб” асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир”, - деб ёзган эди.

“Китоб ал-жибол ва-л-амкина ва-л-мийоҳ” (“Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб”) асари. Бу асарида жуғрофия жойлар, тоғлар ва денгизларга доир қимматли маълумотлар келтирилган. Замахшарийнинг бу асари Ғарб олимлари ўртасида ҳам машҳур бўлган. 1856 йили рабшунос олим Сальверда де Граве томонидан муқаммал тадқиқ қилинган ҳолда нашр этилган.

“Асос ал-Балоғат” (“Нотиклик асослари”) асари. Бу асар луғатшуносликка бағишланган бўлиб, унда араб тилининг шаклланиши, ривожланиши, муқаммаллиги ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва сўзларда ифодалаш, сўз бойлигидан усталик билан фойдаланиш учун киши фасоҳат, балоғат илмларидан яхши хабардор бўлиши керак. Бунинг учун сўзни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган. Бу асарда дабиётнинг асосий қисмлари, фразеологик сўз бирикмалари, уларни амалда татбиқ этиш йўллари чуқур таҳлил этилган.

“Ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис” (“Ғариб ҳадислар ҳақида қимматли китоб”) асари ҳадисда учрайдиган, маъносини англаш қийин бўлган иборалар, сўзларнинг изоҳи ҳақида.

“Атвоқ аз-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” (“Хутбалар ва ваъзлар баёнида олтин шодалар”) асари. Бу асар насихатомуз мақолалар тўпламидан иборат.

“Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахёр” (“Эзгулар баҳори ва яхшилар изҳори”) асари. Бу асарда адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид ҳикоятлар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган. 97 бобдан иборат бу асарнинг нодир бир қўлёзма нусхаси Тошкентда ЎзФА Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Бундан ташқари Лейден, Берлин кутубхоналарида ҳам асарнинг қўлёзмалари мавжуд. Мазкур асар олимнинг ўзига ҳам манзур бўлганлиги ҳақида

шундай ёзади: Чиндан ҳам дунёда тафсирлар беҳад кўпдир. Бироқ улар оарсида “Ал-Кашшоф” (“Аён этувчи”) кабиси йўқдир.

“Замахшарий ёзган тафсирнинг ўзига хос томони шундаки, “у филологик таҳлиliga катта эътибор берган” – деб ёзади арабшунос, профессор Убайдулла Уватов. Араб олимларининг таъкидлашича, Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асари турли даврларда ёзилган тафсирлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. “Ал-Кашшоф” бутун дунёга машҳур исломий дорилфурунлардан ҳисобланган “Ал-Азҳар” дорилфунунининг талабларига Қуръони каримнинг тафсирини ўрганиш учун муҳим дастур вазифасини ўтайди. “Ал-Кашшоф” бир неча мамлатларда нашр қилинган. Тошкентда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасининг кутубхонасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида асарнинг турли даврларда кўчирилган нодир нусхалари сақланмоқда”.

Илм йўлида қилган сафарлари

Замахшарий ҳаётининг талай йиллари хорижий элларда, саёҳатларда ўтган. Шарқнинг кўп шаҳар ва мамлакатларида, жумладан, Бухоро, Марв, Ношопур, Исфаҳон, Дамашқ, Бағдод, Ҳижозда, икки марта Маккада бўлди. Макка аҳли, айниқса, унинг амири Ибн Ваҳҳос билан Замахшарий ўртасида дўстона муносабатлар қарор топди. Амирнинг хомийлиги ва самимий ёрдами туфайли олим Маккада ўз илмий фаолиятини самарали давом эттирди, араб тили грамматикаси ва луғатини ҳамда маҳаллий қабилаларнинг тили, лаҳжалари, мақолларини чуқур ўрганди, уларнинг ўзига хос урф-одатлари билан бир қаторда бу минтақа жўғрофиясига оид хилма-хил маълумотларни тўплади. Ушбу маълумотлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзининг қатор асарларини Маккадалигида ёзди. Ўз ҳаётида ўчмас из қолдирган Маккаи мукаррамада Замахшарий беш йилча яшади. Шу боисдан ҳам, у ўз исмига Жоруллоҳ “Оллоҳнинг кўшниси” деган шарафли лақаб қўшиб айтилишига муяссар бўлди.

Маккадан бошқа ўзи бўлган қатор шаҳарларда Замахшарий ўша даврнинг йирик олимлари, шоир ва адиблари билан мулоқотда бўлар, улар билан дўстона илмий мунозаралар юритар, қизгин баҳсларда иштирок этарди. Бу баҳслар ва мунозаралар чоғида Замахшарий инсоф ва адолат юзасидан фикр юритарди. Бу хусусда хоразмшоҳлар саройида бош котиб бўлган шоир ва адиб Рашидуддин ал-Ватвот қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Ёшлик чоғларидан илм-ирфонга ташна бўлиб ўсган Замахшарий ўз билимини ошириш мақсадида ўша даврнинг йирик илмий ва маданий марказларидан бўлган Бухоройи шарифг йўл олган. Аммо илм толиби йўлда юз берган бахтсиз ходиса (отдан йиқилиб, оёғи каттиқ лат егани, бунинг устига, қаҳратон совуқ бўлгани) туфайли бир оёғини кестиришга мажбур бўлади ва бутун умри давомида ёғоч оёқда юради. Декин бу ногиронлик унинг билим олишига тўсқинлик қила олмайди. У ёшлигидан

илм-фаннинг турли соҳаларини, айниқса, араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини мукамал эгаллайди. Айни вақтда ўша даврда илм аҳллари орасида ғоятда зарур ва муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сирларини ҳам тўлиқ ўзлаштириб, уни обдон эгаллайди ва бу билан ўз оилавий турмуш шароити, тирикчилигини ҳам бир қадар яхшилайти. Ногиронлигига қарамасдан Замахшарийнинг катта иштиёқ ва астойдил собитқадамлик билан билим олиш йўлидаги кўрсатган бу жасорати ва фидойилиги ҳар қандай таҳсинга сазовордир ва катта бир ибратдир.

Замахшарий ҳаёти билан чуқур танишар эканмиз, унинг илм талабида қатор хорижий мамлакатларга сафар қилганлигини ҳам кўраемиз. Дарҳақиқат, у Хуросон, Шом, Ироқ, Ҳижозда бўлганлиги ёзма манбаларда қайд этилган. Мана шу юртларда бўлганида Замахшарий ўша даврнинг кўп машҳур олимларидан сабоқ олди, улар билан илмий, ижодий муноразаларда иштирок этди, дўстона самарали ҳамкорлик ишларини боғлади.

Алломанинг Шарқнинг турли шаҳарларида жуда кўплаб шогирдлари бўлган. Айниқса, Маккаи мукаррамада беш йилдан ортиқ яшаган пайтлари олим учун ғоятда серунум бўлди, десак ҳеч бир муболаға бўлмайди. Чунончи, Маккаи мукаррама бепаён мусулмон оламининг турли бурчакларидан келган зиёратчилар учун нафақат муқаддас бир саждагоҳ, балки етук олимлар, илм толиблари тўпланадиган катта илмий марказ, ижодий маскан вазифасини ҳам ўтаган.

Илм толиблари муқаддас шаҳарда яшаган Замахшарийдек алломалрдан ҳар қадамда фойдаланардилар. Маълумки, бирон-бир алломага насиб этмаган юксак мақом – Жоруллоҳ (“Аллоҳнинг қўшнисини”) деган лақаби фақат буюк ватандошимиз Замахшарий мушарраф бўлган. Араб олими аш-Шайх Муҳаммад Абу Заҳро Маккада яшаган даврида Замахшарий аксар вақтини Байтуллоҳ ал-Ҳарамда ўтказиб, ҳар доим унинг атрофини адаб илмининг толиблари, шеърят ихлосмандлари, мавъизаю ҳикматли иборалар шайдолари ўраб олиб, ундан сабоқ олганликларини алоҳида таъкидлаган.

Мана шу мулоҳазаларга таяниб айтиш мумкинки, унинг устозларию шогирдлари турли элатлар ва миллатларга мансуб илм аҳллари бўлган, илм йўлида Замахшарий том маънода ҳақиқий байналмилаллик фазилатларини намоён қилган. Чунончи, унга бевосита шогирд бўлиб ойдан тўғридан-тўғри сабоқ олган шогирдлари она юрти Замахшар, Хоразм, Табаристон, Абивард, Самарқанд, Бағдод, Дамашк, Ҳалабадагина бўлиб қолмай, балки унинг етук асарлари орқали ундан сабоқ олиб, ўзини ғойибона Замахшарийнинг шогирдиман, деганлар ҳам бутун мусулмон дунёсининг турли бурчакларида кўплаб топиларди.

Аллома бир оёғи чўлоқлигига қарамасдан саёҳату сафарларга ўч бўлганлигини юқорида қайд этган эдик. Дарҳақиқат, илм олишдек олижаноб мақсад ногирон донишмандни узоқ ўлкаларга чорлаганди. “Менинг сочларимни оқартирган нарса – бу муттасил китоб мутолаа қилиш ва тинимсиз саёҳатлардир”, деб алломанинг ўзи ҳам эътироф этган.

Чиндан ҳам бу ҳол машҳур шарқшунос олим, академик И.Ю.Крачковсийнинг “ёғоч оёқда юрганлигига қарамасдан, Маҳмуд Замахшарий ҳазратлари ўта ҳаракатчанлиги билан ажралиб турган”, - Маҳмуд Замахшарийга берган ҳаққоний баҳоси бежиз эмаслигини кўрсатади.

Замахшарий биринчи марта Маккада икки йилдан ортиқ яшагандан кейин ўз юрти Хоразмга қайтади. Орадан бирмунча вақт ўтгач, уердан қайтганига пушаймон бўлиб, қаттиқ изтиробга тушади. Ўзининг ушбу маҳзун ҳолатини олим бир қанча қасидаларида баён қилади. “Ўз умрининг анча қисмини Маккада ўтказдинг, яна Маккага кетаман, дейишининг боиси нима?”, - деб сўраганларида, олим: “Қалб хотиржамлиги, дил поклиги ва ибодат лаззатини фақат Маккадагина ҳис қилиш мумкин”, - деб жавоб қилади. Шундан кейин Замахшарий иккинчи марта Маккага бориш мақсадида яна сафарга чиқади. Сафарида давом этиб, Суриянинг пойтахти Дамашққа етиб боради ва бирмунча муддат яшагандан кейин яна йўлга чиқиб, Маккага етиб боради ва уч йил мобайнида бу муқаддас шаҳарда яшайди. Макка амири Ибн Ваҳҳос бу сафар ҳам Замахшарийни катта илтифот билан қарши олиб, унга ғоятда иззат-икром кўрсатади. Уч йил Маккада яшагандан кейин Замахшарий ўз ватани Хоразмни қўмсайди ва Маккадан чиқиб Бағдодга келади. Ўша даврда илм-фан ва маданиятнинг маркази бўлган Бағдодда у кўп олимлар билан мулоқотда бўлади ва улар билан илмнинг турли соҳалари бўйича баҳс ва муноразаларда қатнашади. Сўнгра Хоразмга қайтиб келиб, бир неча йил яшагандан кейин ҳижрий 538 (милодий 1144) йили арафа кечаси Журжония (ҳозирги Кўҳна Урганч)да вафот этади. Шундан деярли икки юз йил кейин, яъни 1333 йили Хоразмни зиёрат қилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304-1377) ўзининг “Ар-Рихла” (“Саёҳатнома”) номли асарида Хоразм (Кўҳна Урганч)нинг ташқарисида Замахшарийнинг устида куббаси бўлган мақбарасини кўрганлиги ҳақида ёзади.

Замахшарий ва бугунги кун

Юқорида айтилган фикрлардан яққол кўришиб турибдики, кўҳна Хоразм заминиде таваллуд топган буюк аллома Замахшарий ҳазратлари биз авлодларга беқиёс бой илмий-маънавий мерос қолдирган. Аллома ўзининг бутун умрини ва жўшқин фаолиятини илм-фан йўлига бахшида этган, фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб асарлар яратган. Хоразм ўлкасиде ўзи зиёрат қилган Шарқнинг турли шаҳарларидан бўлган кўпдан-кўп шогирдларига жуда катта эътибор билан қараб, уларни камол топтиришга ўз ҳиссасини қўшган. Ўз даврининг кўплаб машҳур олимлари билан дўстона муносабатда бўлиб, улар билан илм-фан тараққиёти йўлида самарали ҳамкорлик қилган. Замахшарийнинг чуқур билими, буюк даҳоси ва илм-фаннинг турли соҳаларига оид қимматли, ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқиде унга бетакрор шуҳрат келтирган. Алломани чуқур ҳурмат ва алоҳида меҳр билан “Устоз ад-дунйа” (“Бутун дунёнинг устози”), “Устоз ал-араб ва-л-ажам” (“Араблар ва ғайри

арабларнинг устози”), “Жоруллоҳ” (“Аллоҳнинг қўшниси”), “Фахру Хваразм” (“Хоразм фахри”) каби бирорта ҳам алломага насиб этмаган ўта шарафли лақаблар билан атаганлар. Машҳур олимлар, шоирлар ва адиблар даврасида у доимо пешволардан бири бўларди, қизгин илмий баҳс ва муноразаларда унинг фикр-мулоҳазаси инобатга олинарди. Мана шу зайлдаги беқиёс улкан обрў-эътибор ва буюк даҳо, эҳтимол унга ўз асарларидан бирида “ва инний фи Хваразм Каъбат ал-адаб” (“чиндан ҳам мен Хоразмда адиблар учун Каъбадекдурман”) деб ёзишига асос бўлган бўлса, ажаб эмас.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Замахшарийнинг бой илмий-маънавий ва адабий мероси Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам азалдан кадрланган ва илмий асосда муайян даражада ўрганилган, унинг қатор асарлари бир неча Ғарб тилларига таржима ҳам қилинган. Бинобарин, комил ишонч билан айтиш мумкинки, хоразмлик буюк аллома Замахшарий ҳазратлари нафақат Ўзбекистон ёки бўлмаса, Ўрта Осиё халқлари, балки бутун жаҳон халқларига мансуб бўлиб, алломанинг бебаҳо илмий-адабий мероси дунё миқёсида ҳазрати Инсоннинг маънавий камолотига хизмат қиладиган ноёб дурдоналардир. Мавриди келганда айтиш керакки, мустақиллик йилларида Замахшарийнинг ҳаёт йўли ва бетакрор илмий меросини ўрганиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди. Бу борада, айниқса, алоҳида аҳамият касб этган эди. Шу билан бир қаторда айтиш керакки, бу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳозирги давр талабларига тўлиқ жавоб беради, дея олмаймиз. Бинобарин, Замахшарий асарларини мукамал, ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўзбек тилига таржима қилиш, улуғ мутафаккир қаламига мансуб бой илмий-маънавий меросни кенг жамоатчиликнинг ҳақиқий бойлигига айлантиришдек шарафли ва хайрли иш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Замахшарий ҳақида бошқалар

“Замахшарий илм ул-адаб, грамматика ва луғат бобида ўзгаларга мисол бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашган бўлиб, тафсир, ҳадис грамматика ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлари бордир. У ўз асрида араб тилида ижод қилган азамлар (ғайри араблар) орасида энг буюгидир”.

“Замахшарий тафсир, ҳадис, грамматика, луғат ва илм ул-баён бўйича буюк имомдир. Ҳеч бир муболағасиз мазкур илмларда у ўз даврининг яғонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарларнинг муаллифи эди”.

Ибн Халликон

* * *

“Шайх, буюк аллома, ўз даврининг яғонаси, ўз асрининг энг пешвоси ва имоми бўлган”.

Ибн Тағриберди

* * *

“Агар Замахшарий бўлмаганида араблар ўз тилларини билмас эдилар”.

Араб нақли

* * *

“Ёғоч оёқда бўлишига қарамасдан, Замахшарий ғоятда ҳаракатчанлиги билан ажралиб турарди”.

И.Ю.Крачковский

* * *

“Дунёдаги барча қишлоқлар жамъ бўлиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса, арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта туғилиши мумкин бўлган Замахшарийдек буюк алломани дунёга келтирган”.

Ибн Ваҳҳос

Замахшарийнинг ҳикматлари

Инсоннинг кийимига қарама, билимига қара. Илм бу ота, балки у сут беришда онадан фойдалироқдир. У ёмонликни тузатиш учун ҳамма нарсадан яхшироқдир. Агар тилингни тиймасанг, жиловингни душманингга бериб қўясан.

* * *

Ақлли ғофилнинг ҳоли нодон ғофилнинг умрига силтов бўлади.

* * *

Сенга энг яхши маслаҳат: мутакаббирлик билан юзингни тескари бурма ва шон-шуҳратинг билан фахрланма.

* * *

Урушқоқ ва жанжалкаш киши хафалик билан шодлик орасида яшайди.

* * *

Ҳаддан ошишингни пасайтир, кибрланишдан воз кеч.

* * *

Яхшилик билан инсон камоли, ани қилургача йўқтир мажоли.

* * *

Қуёш нури беркитилмайди, ҳақиқат шамъи сўнмайди.

* * *

Виждонли киши хавфдан холи яшаса, хиёнат қилувчи киши баҳаловат яшайди.

* * *

Савдогарнинг шуҳрати чўнтагида.

* * *

Чайқовчи – овчи ити.

* * *

Хатолар қилишда оворалардир.
Хато алар тушган аробалардир.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Маҳмуд Замахшарий Ўрта Осиёлик қомусий олим ҳаёти ҳақида маълумотлар келтиринг?
2. Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари ҳақида сўзлаб беринг?
3. Маҳмуд Замахшарийга берилган тавсифлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтиринг?
4. Маҳмуд Замахшарий яшаган муҳит ҳақида маълумотлар келтиринг ва Замахшарийнинг ижоди ҳақида Президентимиз И.Каримов қандай таъриф берган?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Замахшарийнинг дастлабки устозлари қайси шаҳардан бўлган?

- а) «Хоразмда»;
- б) «Бухорода»;
- в) «Самарқандда»;
- г) «Тошкентда».

2. Замахшарийни қайси мутафаккир томонидан “Луғат ва грамматика илмида ўз даврининг ягона билмдони ва ўз асрининг беназири” деб таъриф келтирилган

- а) Исфаҳоний;
- б) Ёқут Ҳамавий;
- в) Абу Саад аш-Шаффоний;
- г) Абу Мансур ибн ал-Жавлоқий.

3. Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асари нимага бағишланган?

- а) грамматикага бағишланган асарини одамларнинг истагини ҳисобга олиб, “араб калималарини билиш учун” яратган;
- б) мантиқ фанига бағишланган;
- в) билиш ва унинг моҳиятига бағишланган;

г) Борлиқнинг моҳиятини ўрганишга бағишланган.

4. Замахшарийнинг лирик ва фалсафий шеърлар, қасида, фахрия, назмий мактубларни ўз ичига қамраб олган асарини аниқланг?

а) Девон аз-Замахшарий;

б) Ал-Қустос фи-л-аруз;

в) Мақомат;

г) Навобиф ал-калим;

д) Ан-Насоух ас-Сиғор ва-л-баволиғ ал-кибор.

5. Мамлакатимизда Замахшарий ҳазратлари таваллуди қачон нишонланди?

а) 1995 йилда;

б) 1992 йилда;

в) 1993 йилда;

г) 1994 йилда;

д) 19957йилда.



Бурхониддин Марғиноний (1117-1197)

Имом Бурхониддин Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ибн Абу Бакр ал-Фарғоний Марғиноний. Бурхониддин Марғинонийнинг насаби Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)га бориб етади.

Олим илм-маърифатли оиладан чиққан бўлиб, у энг аввал ўз отасидан таълим олади, ундан кейин ўз даврининг машҳур алломалари, фақиҳ ва мужтаҳид даражасидаги олимларидан дарс олиб, ўзининг зухди, тақвоси ва юксак истеъдоди туфайли Ҳанафий мазҳаби бўйича буюк фақиҳ ва мужтаҳид даражасига кўтарилиб, шайху-л-ислом деган улуғ мартабага сазовор бўлади.

Имом даражасига эришган буюк мужтаҳид, фақиҳ, муҳаддис, муфассир, исломий илмларни ўзида жам қилган, барча илм ва фан соҳалари олими, ҳар бир масалани бутун нозикликлари билан эгаллаган ўткир назарли, аъло даражадаги зоҳид, тақводор, адиб ва шоир бўлган.

Имом Бурхониддин Абул Ҳасан Али Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний Марғиноний 1117 йили Марғилон шаҳрининг Риштон туманида туғилган. Бу ҳижрий йил ҳисоби билан 511 йили ражаб ойининг саккизинчиси, яъни душанба куни аср намозидан кейинги вақтда мувофиқ келади, деб ёзишади тарихчилар.

Бурхониддин Марғиноний 1150 (544 ҳ.) йилда Байтуллоҳни зиёрат қилиш мақсадида ҳаж сафарига чиқади ва шу йили, ҳаж сафарини адо қилганидан кейин, Мадинага бориб Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қабрларини ҳам зиёрат қилиб қайтади.

Буюк аллома умрининг охирларида Самарқандда яшаб, ижод этиб, 1197 йилда (593 ҳ.) зулҳижжа ойининг ўн тўртинчи куни сешанба окшомида вафот этган. Буюк фақиҳ, “радду-л-мухтор” асарида келтирилишича, Самарқанддаги 4000га яқин Муҳаммад исмли фақиҳлар дафн этилган “Турбату-л-Муҳаммадийн”, яъни Муҳаммадийлар қабристонига дафн этилган. Бу қабристон тарихда “Чокардиза” номи билан машҳурдир.

Бурҳониддин Марғиноний зиёли оилада туғилган, унинг отаси ҳам ўз даврида олим бўлган. Бурҳониддин Марғиноний дастлаб илмни ўз отасидан ўрганган. Кейин машхур устозлари Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий “ал-Ақоиду-н-Насафий” асари муаллифи., Шайх Имом

Бурҳониддин Али ибн Муҳаммад ибн Исмоил Исфижоний, Имом ас-Садруш аш-Шаҳид Ҳисомиддин Умар ибн Абдулазиз, Тожиддин Аҳмад ибн Абдулазиз, Имом Қувомиддин Аҳмад ибн Абдуррашид Бухорий “Хулосат-ул-баён” асари муаллифининг отаси, Зиёуддин Муҳаммад ибн Ҳусайн Бандижий, бу киши Алоуддин Самарқандийнинг шогирди бўлган ва бошқа кўплаб фақиҳлардан илм ўрганган.

Бурҳониддин Марғиноний ҳадис илмини аввал Зиёуддин Абу Муҳаммад Саъид ибн Асъад Марғинонийдан ўрганган.

Фикҳ илмининг аҳамиятини чуқур тушунган Зиёуддин Муҳаммад ўз фарзандларини ҳам ушбу соҳада тарбиялаб камолга етказди. Унинг фарзандлари ва набираларидан етук фақиҳлар ва алломалар етишиб чиқади. Манбаларда алломанинг уч ўғли ва икки набираси ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган бўлиб, унинг авлодларидан бошқа кўплаб фақиҳлар, алломалар етишиб чиққанлиги қайд этилган.

Булар қуйидагилар бўлган:

1. Имодуддин Муҳаммад ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил Фарғоний Марғиноний фикҳ илмини ўз отаси Бурҳониддин Марғинонийдан олган. Фатво чиқарадиган даражада илмга эга бўлган. “Одоб ал-Қози” ва бошқа асарлар муаллифи.

2. Шайх ул-Ислом Низомуддин Умар ибн Али ибн Абу Бакр Фарғоний Марғиноний. Фатво чиқарадиган даражада илмга эга бўлган. “Жавоҳир ал-фикҳ”, “ал-Фавоид” ва бошқа кўплаб асарлар муаллифи.

3. Жалолиддин Муҳаммад ибн Али ибн Абу Бакр Фарғоний Марғиноний. Фикҳ илмини отаси Бурҳониддин Марғинонийдан олган. Фатво бериш даражасига кўтарилган аллома бўлган, аммо унинг асарлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган.

4. Абдул Аввал ибн Бурҳониддин Али ибн Имод уд-дин ибн Жалолиддин, “Ҳидоя” соҳиби Бурҳониддин Марғинонийнинг набираси. Бу зот фақиҳ, муҳаддис, муфасссир ва ғоят тақводор киши бўлган.

5. Абдур Раҳим Абул Фатҳ Зайнуддин ибн Али Ибн Абу Бакр. Фикҳ илмини отаси Имодуддиндан ўрганган. “Ҳидоя” соҳиби Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг набираси.

Абул Фатҳ Зайнуддин Абдурраҳим ибн Имодуддин Фарғоний Самарқандда яшаган. Манбаларда ёзилишича, у 1254 йили Самарқанд шаҳрида суд маҳкамаларига доир “Ал-Фусул ал-Имодия” номли асар ёзган.

Юқорида алломанинг фарзандлари ва набиралари ҳақида маълумотлар келтирилди. Улар ота-боболари бошлаган ишга фақат ворис бўлибгина қолмай, ўзлари ҳам фикҳ илмида ноёб асарлар яратганлар.

Бурҳониддин Марғинонийнинг бир қатор шогирдлари бўлиб, улар ҳам фикҳ илми соҳасида юқори даражага эришганлар:

1. Шамс ал-аимма Карадарий Муҳаммад ибн Абдусаттор Муҳаммад фақиҳ ва муҳаддис бўлган.

2. Жалолуддин Маҳмуд ибн Ҳусайн Устуршоний фақиҳ бўлган. Фикҳ соҳасида у устози каби юксак мартабаларга эришган.

Бурҳониддин Марғинонийнинг шогирдлари кўпчилик бўлиб, у кишининг ижодидан баҳраманд бўлган барча издошлари ул зотни ўзларига устоз деб билганлар.

Бурҳониддин Марғинонийнинг юзга яқин асарлар ёзганлиги манбаларда қайд қилинган. Аллома асарлари устидан олиб борилган тадқиқотлар орқали уларнинг қуйидагилари борлиги аниқланган:

1. “Нашру-л-мазҳаб”. 2. “Китобу маносуки-л-ҳаж”. 3. “Китоб фил-фароиз”. 4. “Ат-тажнийсу вал-мазийд”. 5. “Мухтороту-н-навозил”. 6. “Мазийдун фи фуруъил-ҳанафия”. 7. “Бидоятул-мубтадий”. 8. “Кифоятул-л-мунтаҳий”. 9. Бурҳониддин Марғинонийнинг шоҳ асари “Ҳидоя” 10. Имом аш-Шайбонийнинг муҳим асари бўлмиш “Ал-Жомиул-кабийр”нинг шарҳи.

“Ҳидоя” асари тўғрисида

573 ҳ.й. зулқаъда ойининг чоршанба куни бошланган ушбу асарни ёзиш муаллиф учун осон кечмади. Шайх Акмалуддиннинг ёзишича, ривоятларга кўра, бу иш унинг 13 йиллик ҳаётини қамраб олди. Муаллиф янги асарни яратиш учун ўзининг бутун куч ва истеъдодини ишга солди. Абдулҳай Лакнавий манбаларга таяниб ёзишича, у 13 йил (асарни ёзиш муддати) давомида рўза тутарди. Унга овқат олиб келган ходимни жўнатиб, таомни шогирдларидан бири ёки бошқа бирон кишига едириб, бўш идишни қолдирарди. Ходим таомни устознинг ўзи егандир, деб ўйлаб идишни олиб кетарди. Шу тарзда, муаллифнинг риёзати, сабр-бардоши, кучли тақвosi эвазига унинг шоҳ асари “Ҳидоя” тасниф этилди.

“Ҳидоя” эллик етти бобдан иборат ислом ҳуқуқшунослигининг барча соҳасини ўзида ифода этган ноёб асардир. Муаллиф асарда ниҳоятда муҳим ва муноразали масалаларни ёритмоқчи бўлганда саҳобалар, мазҳаблар асосчилари, буюк фақиҳлар исмлари, жўғрофий ва тарихий жойлар, турли тоифа ва қабилалар номлари зикр этади. Абдулҳай Лакнавий ўз муқаддимасида “Ҳидоя”нинг биринчи қисмида зикр этилган саҳобалар ва тобийин исмлари 50 дан кўпроқ, тоифа ва уруғлар номлари 12 та, жўғрофий ва тарихий жойлар номи 55 та эканлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган. У, Марғиноний асарида келган 90 дан ортиқ буюк фақиҳлар, имомлар, мужтаҳидлар, жумладан машҳур саҳобалар ва муҳаддислар исмларини ва уларга тегишли бўлган маълумотларни зикр этади.

Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя” китобини ёзишда ўзига хос услуб яратди. Унинг ҳар бир ибораси ниҳоят қисқа ва мухтасар, фикҳий ҳукмларни ифодаловчи жумлаларнинг ҳар бири бир умумий қоида шаклида берилади. Унинг иборалари мўъжаз, яъни қисқа ва сермазмун, сўзлари таркиби пухта, нуқсонсиз бўлиб, сунъийликдан узоқ.

“Ҳидоя” асарининг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда “Илму-л-хулоф” орқали белгилаб берилган қоидалар кенг кўламда назарда тутилади. Чунки Марғинович ушбу фан соҳасида ҳам катта олим ва мутахассис ҳисобланган.

Марғинович фикҳий нуқтаи назардан, ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш жараёнида, уларнинг машруъ (раво, қонуний) ёки номашруъ (нораво, ғайриқонуний) эканлигини нақлий далиллардан кейин, ақлий далиллар билан ёритиб ўтади. Ушбу нуқтаи назардан “Ҳидоя” ислом ҳуқуқшунослиги фанининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, Бурҳониддин Марғинович ёзган тўрт жилдли “Ҳидоя” китоби суннийлик оқимида ҳанафий мазҳаби бўйича муҳим ва мукамал ҳуқуқий манба сифатида 57 китоб, юзлаб бобу фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олади.

Бурҳониддин Марғинович мерос ҳуқуқини ўз китобига киргизмаганининг сабаби шундаки, Имом Аъзам Абу Ҳанифа мерос муаммоларини бир мустақил фан сифатида фикҳ илмидан ажратиб, уни “Фароиз” деб атаган.

“Ҳидоя”нинг биринчи жилди таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га, иккинчи жилди оила ҳуқуқи, қул сақлаш муаммолари, ҳудуд жазолари (Аллоҳ томонидан белгиланган жазолар), халқаро ҳуқуқ меъёрлари, ширкатчилик, ислом ҳуқуқига хос бўлган вақф ҳуқуқи каби масалаларга, учинчи жилди муомалот турлари (фуқаролик ҳуқуқи), суд, суд жараёни, тўртинчи жилди эса, экинчилик ва ер муаммолари, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа кўп мавзуларга бағишланган.

Бурҳониддин Марғиновичнинг шоҳ асари “Ҳидоя” энг мўътабар ҳуқуқий қўлланма сифатида 8 асрдан буён бутун ислом дунёси, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳинд яримороли, Туркия ва кўп Араб мамлакатлари учун энг дақиқ ва ишонарли манбалардан бири вазифасини ўтаб келмоқда.

“Ҳидоя” Миср Араб Республикасидаги қадимий дорилфунун “ал-Азҳар”, Афғонистон Ислом дорилфунуни, Ҳиндистон Алигарх университети, “Девбанд” дорул-улуми, бошқа ислом мамлакатлари олий ўқув юртларининг таълимий нисоблари (ўқув дастурлари)га киритилган. Бу асар ислом қонуншунослиги тизимини ривожлантириш учун асосий манбалардан бўлиб қўлланиб келмоқда.

“Ҳидоя” фақат ислом ҳуқуқшунослари учун эмас, балки Ғарб ҳуқуқшунос олимлари учун ҳам жуда эътиборли ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилиб келмоқда.

“Ҳидоя” асари ўзининг амалий ва назарий аҳамияти юзасидан ҳар доим буюк фақиҳлар ва ислом шариати йирик вакилларининг диққат марказида бўлиб келган. Ҳар бир олим унга нисбатан ўз фикру назарини билдириб келган. Улар жумласида, “Ҳидоя” муаллифининг ўғли Шайхул-ислом Имом Имомдуддин “Ҳидоя” асари ҳақида қуйидаги шеърни ёзган.

Мазмуни: “Ҳидоя” китоби уни ўзлаштирган кишини хидоят йўлига бошлаб, кўзи ожизларнинг кўзини ўқиб ўзлаштиргин, уни ўзлаштирган киши энг олий ғоятларга эришган бўлади.

Юқорида зикр этилган фикрлар ва бошқа кўп тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрлар, “Ҳидоя” асарининг қанча илмий аҳамиятга эга эканлиги учун қониқарли далил ҳисобланади.

Шофиъий мазҳабининг баъзи бир намояндари, “Ҳидоя” муаллифини, баъзи бир эътиборга эга бўлмаган ҳадислардан фойдаланган, деб танқид қилганлар. Лекин тадқиқотчилар, жумладан, Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий, “бундай ёндашувларга, Марғинонийнинг юксак мақоми ва буюк олимлигидан хабарсизлик сабаб бўлган”, - деб таъкидлаган. Шайх Муҳйиддин Абдулқодир (вафоти 775 ҳ.й.) ибн Муҳаммад ал-Қураший ал-Мисрий, “Ҳидоя” китобида келтирилган ҳадисларни таҳрир қилиб (келтирилган ҳадислар матни тўғри эканлиги ва ровийларининг ишонарли эканлигини исботлаб бериб) уни “Ал-Иноя би-маърифати аҳодийсил-Ҳидоя” деб атаган. Шунингдек, шайх Алоуддин “Ал-Иноя би-маърифати аҳодийсил- Ҳидоя” асарида келтирилган ҳадисларнинг саҳиҳлигини исботлаб кўрсатиб берганлар.

“Ҳидоя” китоби ҳам шакл ва тузилиш нуқтаи назаридан, ҳам ички мазмуни жиҳатидан ҳанафий мактаби таълимотининг ёрқин намунаси бўлгани учун, кейинги даврларда кўп фикҳий асарлар унга ўхшатиб, унинг услубидан фойдаланиш асосида ёзилган.

Тўрт мазҳаб бўйича тасниф этилган фикҳий асарлар ичида “Ҳидоя” асаридек фикҳ соҳасида хизмат қилган ва ундан кенг фойдаланилган асар йўқ. Энг моҳир шарҳловчилар, кўплаб алломалар “Ҳидоя” асарига шарҳлар ёзишган.

“Ал-Биноя фи шарҳил-Ҳидоя” асари муаллифи Бадриддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад Айнийнинг таъкидлашича, “Ҳидоя” асари тасниф этилгандан буён унга шарҳ ёзиш, уни мукамал ўрганиш учун тадқиқотлар, таҳриротлар ва таълиқотлар тасниф қилиниб келинмоқда. “Ҳидоя” асари барча уламолар фикрини ўзига жалб қилиши жиҳатидан ўта ноёб ва такрорланмас ҳисобланади.

“Кашф аз-зунун” соҳиби “Ҳидоя” асарига ёзилган шарҳларнинг адади олтмишдан зиёд эканлигини келтиради. Агар асарнинг бошқа тилларга қилинган таржималари, ғарб олимлари томонидан ўрганилганлиги ҳам ҳисобга олинса, асарнинг нуфузи янада ошади.

“Ҳидоя” асарига ёзилган шарҳлардан:

“Ан-Ниҳоя” муаллифи Ҳасан ибн Али ибн Ҳажжож ибн Али Ҳисомиддин ас-Сағноқий (в.710 ҳ.);

“Ал-Ғоётий” муаллифи Абу Аббос Сарважий Аҳмад ибн Иброҳим ибн Абдулғани (в.710 ҳ. Ёки 701 ҳ.);

“Ал-Кифоя” муаллифи Жалолиддин ибн Шамсиддин ал-Хаворизмий ал-Гурландий;

“Ғоят ал Баён ва Нодират ал Ақрон” муаллифи Амир Котиб ибн Амир Умар ибн Амир Қаввомиддин ал-Атқоний (в.758 х.);
“Нихоят ал-Кифоя фи дароят ал-Ҳидоя” муаллифи Шайх Имом Тож уш-Шариъати ибн Садр уш-Шариъат Убайдулло ал-Маҳбубий (в.672 х.);
“Меърож ад-Дироя” асари муалифи Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Снжарий Қаввомиддин номи билан машҳур бўлган (в.749 х.)”

“Ал-Инояту фи шарҳи ал-Ҳидоя” муаллифи Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Акмалуддин (в.786 х.);

“Ал-Биноя фи шарҳи Ҳидоя” муаллифи Бадриддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад Айний (762-855 х.) ва ҳоказо бундай шарҳлардан кўплаб келтиришимиз мумкин. Тарихий маълумотларга асосланиб, “Ҳидоя” энг кўп шарҳга эга бўлган ноёб асардир. Асарнинг 50 дан зиёд ёзилган шарҳлари мавжудлиги қайд этилган. Бу эса, “Ҳидоя”нинг қанчалик буюк илмий-амалий ва ҳаётий аҳамиятга молик эканлигининг инкор этиб бўлмайдиган далиллари билан биридир.

Марғиновий мероси ва мустақиллик

Бурҳониддин Марғиновийнинг илмий меросини том маънода ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш ишлари мустақиллик шарофати билан амалга оширилмоқда. Унинг “Ҳидоя” асари рус ва ўзбек тилларида чоп қилинди. Жаҳондаги кўп олий ўқув юртларида ислом ҳуқуқшунослиги фанлари Бурҳониддин Марғиновийнинг фикҳ таълимоти асосида ўрганилса ҳам, юртимизда бу йўналишда мустақилликкача бирор иш амалга оширилмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг унинг илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, асарларини чоп этиш ишларига катта эътибор берилди бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Бурҳониддин Марғиновий вафотининг 800 йиллиги (1997), таваллудининг 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2000) кенг нишонланди. Шу муносабат билан Марғилон шарҳининг марказида Бурҳониддин Марғиновий ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, шу ерда унинг рамзий мақбараси ўрнатилди.

Бурҳониддин Марғиновийнинг асарининг дастлаб ҳуқуқшунос олим, профессор А.Саидов томонидан рус тилидаги нашри амалга оширилди, сўнгра мазкур асар араб тилидан ўзбек тилига таниқли олим Салоҳиддин Муҳиддинов раҳбарлигида бир гуруҳ ёш олимлар томонидан таржима қилиниб, 2000 йили “Адолат” нашриётида босмадан чиқарилди.

Марғиновий ҳақида бошқалар

“Илм ва одобда етуқлиги жиҳатидан Бурҳониддин Марғиновий каби кишини кўзлар кўрмаган”.

*Бадриддин Абу Муҳаммад
Маҳмуд ибн Аҳмад Айний*

* * *

“Қуръон китоби қандай қилиб ўзидан илгариги динларни мансух (бекор) қилган бўлса, “Ҳидоя” китоби ҳам ўзидан илгари шариат бўйича ёзилган барча асарларни эътиборсиз қолдирди”.

Имом ал-Ҳаддод

* * *

“Имом Марғинович фақих, Қуръон ҳофиз, муҳаддис, муфассир, барча илму фанни ўрганиб ўзлаштирган иқтидорли устоз, ўткир назар билан текширувчи ва диққат билан иш бритадчи зоҳид, муттақий, маҳорат ва фазилатлар эгаси, усулий (фиқҳ усуллари илмини чуқур билквчи), илми адабда мисли кўрилмаган адиб ва шоир, илму-л-хилоф ва мазҳаб соҳалари бўйича юксак салоҳиятга эга бир зот эди”.

* * *

“Мен “Ҳидоя” китобини, унинг шарҳлари ва “Мухтороту-н-назовил”ни ўқиб чиқдим. Марғинович ёзган асарлар, айниқса “Ҳидоя” мақбул (қабул қилинган) ва ишонарлидир, негаки, бугунги қадар ҳам, барча фозил кишилар ва ҳуқуқшунослар учун фойдаланиш манбаи бўлиб келмоқда”.

*Абу-л-Ҳасанот Муҳаммад
Абулҳай Лакнавий*

Бурҳониддин Марғиновичнинг насихатлари

Кибрга кетган олимдан катта бузуқлик келиб чиқади. Ундан ҳам каттароқ бузуқлик манбаи, обидлик ва зоҳидлик даъвосини қилган жоҳил кишидур.

* * *

Мутақаббир олим ва обидлик, зоҳидлик даъвосини қилувчи жоҳиллик икки оламдаги энг катта фитнадир. Мутақаббир олим ва жоҳилга эргашишлик эса катта фитнага асосдир.

* * *

Ҳеч қачон илм ўрганиш ишида узулиш юз бермаслиги керак, негаки, бу катта йўқотишга олиб боради. Мен илм ўрганиш жараёнида ҳеч қачон узулишга йўл қўймаганим сабабли, барча сафдошларимдан ўзиб кетдим.

* * *

Тангри тавфиқи ёрдамида, танланган ривоятлар билан кучли ақлий далилларни уйғунлаштириб, ҳар бир бобда ортиқча сўзларни тарк этиб, кўп ёзишдан ўзимни тийган ҳолда, “Ҳидоя” деб аталган бир шарҳни ёзишга киришдим.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти?
2. Бурҳониддин Марғинонийнинг асарларида фалсафий масалаларнинг ёритилиши?
3. Бурҳониддин Марғинонийнинг жаҳон фани ривожигаги ўрни?
4. Бурҳониддин Марғинонийнинг фақиҳ, Қуръон каби унвонларини изоҳланг?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Бурҳониддин Марғинонийнинг таваллудини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан қачондан бошлаб нишонланди?

- а) «800 йиллиги (1997), 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2000) »;
- б) «800 йиллиги (1992), 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2007)»;
- в) «805 йиллиги (1994), 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2006)»;
- г) «8010 йиллиги (1995), 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2005)».

2. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари қайси соҳасини ўзида ифода этган ноёб асар ҳисобланади?

- а) Ҳуқуқий қўлланма;
- б) ахлоқ ва унинг нормаларига бағишланган;
- в) билиш ва унинг моҳиятига бағишланган;
- г) Ибодат маросимига бағишланган.

3. Бурҳониддин Марғинонийнинг меъроси мустақилликдан сўнг дастлаб Ўзбекистонда қайси олим томонидан таржима қилинди.

- а) А.Саидов томонидан рус тилидаги нашри амалга оширилди;
- б) Салоҳиддин Муҳиддинов раҳбарлигида;
- в) Ёш олимлар томонидан таржима;
- г) Шарқшунослик институти жамоаси томонидан..

4. Марғиноний ҳадис илмини энг аввал ўрганган устози номини аниқланг?

- а) Зиёуддин Абу Муҳаммад. ;
- б) Зиёуддин Муҳаммад;
- в) Амир Котиб ибн Амир Умар;
- г) Муҳаммад ибн Аҳмад Акмалуддин;
- д) Бадриддин Абу Муҳаммад.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т.Ўзбекистон 1999.
3. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент, 2008.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005. 9-т.
5. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Тошкент, 2007
6. Абдулаҳатов Н., Ҳошимов. Аҳмад Фарғоний. “Фарғона” нашриёти, 1998.
7. “Имом Доримий” рисоласи. Сайдазим Мамадалиев.“Сунан Доримий”. Дамашқ: Дорул қалам, 1996.
8. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар. Т. “Тошкент ислом университети”, 2001.
9. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги. Т. ТИУ, 2002.
10. Кенжабеков Мирзо. Термиз тазкираси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
11. У.Уватов. Икки буюк донишманд. – Т.: Шарқ, 2005.
12. И.Усмонов. Нодир масалалар. –Т.: “Мовароуннаҳр”, 2007.
13. Ибн Сино, “Дониш-намаэ, Книга знания”, Душанбе, 1957.
14. Ибн Сино, “Тиб қонунлари”, 1-5 китоблар; (2-нашри), Т.: 1979-1983.
15. Абу Али ибн Сино, “Зафарнома”, Таржимон: Носир Муҳаммад, Т.: “Нихол”. 2009.
16. Ад-Дуктур Аҳмад Муҳаммад ал-Ҳуфий. Замахшарий. Қоҳира. 1966.
17. Маънавият юлдузлари., Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2001.
18. Рустамов А., Маҳмуд Замахшарий, Т., 1971.
19. Ужож ал-Хатиб. “Усулул-ҳадис”. Дамашқ 1981.
20. Имом Бухорий. “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ”.
21. “Ал-Мўъжам ал-муфахраст ли-алфози ал-ҳадис ан-Набавий”. Ледин, Голландия 1936.
22. “Ан-Наъим” арабча-ўзбекча қомус. Т.: А.Қодирий номли “Мерос” нашриёти 2003.
23. Бадриддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад Айний., Ал-Бинойа фи шарҳил-ҳидоя, П., Мактабату-л-имдодийя, 1988.
24. Саидов А.Х., Бурҳониддин Марғиноний – буюк ҳуқуқшунос, Т.: 1997.
25. Қориев О., Марғиноний – машҳур фикҳшунос, Т.: 2000.
26. Беруний. Индия. (Пер. А.Б.Хамидова, Ю.Н. Заводовского). Т.: Фан, 1963.
27. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.: Фан, 1968.

Мундарижа

Кириш	3-4
Аҳмад Фарғоний (797-865)	5-13
Имом Доримий (798-869).....	14-17
Ҳақим Термизий (820-932).....	18-22
Имом Термизий (824-894).....	23-30
Имом Мотуридий (870-944).....	31-44
Абу Наср Фаробий (873-950).....	45-54
Абу Райҳон Беруний (973-1048).....	55-68
Абу Али Ибн Сино (980-1037).....	69-84
Маҳмуд Замахшарий (1075-1144).....	85-96
Бурҳониддин Марғиноний (1117-1197).....	97-103
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	104